

АБДУЛЛА ОРИПОВ

Нажот қалъаси

*

ШЕЪРЛАР
ДРАМАТИҚ ДОСТОН
ТАРЖИМА

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёт
1981

Ў

9 — 68

ИККИНЧИ НАШРИ

А $\frac{70403 - 210}{М 352 (04) - 81}$ Доп. 81 4702057020

© Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 й.
© Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 й.
(Тарж.) (Иккинчи нашри) www.kutubxonasi.com



Шеърлар

НАЖОТ ҚАЛЪАСИ

Марказқўмга

Эшитган эдимки, ярадор оҳу
Излармиш тоғлардан мўмиё — нажот.
Йўқ, асло хаёлий бир гап эмас бу,
Неки мавжуд бўлса, масъулдир ҳаёт.

Шаҳримда музайян қалъа бор балаид,
Офтоб жиға унга ҳар тонг палласи.
Ярадор бир оҳу эмасман гарчанд,
Лекин у мен учун нажот қалъаси.

Мен унда ҳис этдим қутлуғ имонни,
Меҳрни, шафқатни унда кўрдим жам.
Мен унда ҳис этдим шу кенг жаҳонни
Ва мўъжаз ўлкамнинг муҳаббатин ҳам.

Шоирман, дилимда пинҳон гапим йўқ,
Қалъам — сен таянчим, пок ҳаётимсан.
Мен учун ҳақиқат қадарли улуғ,
Қалъам — Коммунистик эътиқодимсан.

Оҳу, тоғ-тошларда кезабер яйраб,
Шоир, тизабергин марварид анғор.
Сайёд қолаберсин қиличин қайраб,
Нажот қалъаси бор оламда пойдор.

ЛЕНИН. ИНҚИЛОБ. ВАТАН

Кўндир мамлакатда эллар, элатлар,
Қадим ва ноқадим халқлар, миллатлар.
Ҳар бири ўз тили, ўз эли билан,
Эл ичра ҳар бири ўз феъли билан,
Ранг-баранг суратли одамлар яшар,
Ишлашар, куйлашар ҳамда курашар.
Балки кимдир кимни учратмас минбаъд,
Айрича намоён шодлик ва кулфат.
Тўйлар давом этар, бола туғилар,
Чўққи забт этилар, китоб ўқилар.
Чорраҳалар тизгин, бозорлар гужгон,
Ўлфатлар, мажлислар, йиғин, оломон...
Ҳар бири гўёки ўз сирин билан,
Алоқаси йўқдай бир-бири билан,
Мана шу турфа хил эллар бариши
Бирлаштириб турар битта ном лекин,
У замон дарғаси — барҳаёт Ленин!

Кўндир мамлакатда кентлар, овуллар,
Кўчалар, шаҳарлар, бекатлар, йўллар.
Кўмир сепилгандай тупроқлар кўрдим,
Не-не водийлару қумлоқлар кўрдим.
Узоқ қутб ёқда музлар қарсиллар,
Жануб тоғларида гулхан чарсиллар.
Ўзинча ҳар бири ўзга маъводир,
Ўзинча ҳар бири ажиб дунёдир.

Ҳар бири гўёки ўз сири билан,
Алоқаси йўқдай бир-бири билан.
Аммо шу турфа хил, рангдор тупроқни,
Кентлар ва овуллар, шаҳар, қишлоқни
Туташтириб турар яхлит бир хитоб,
Ун еттинчи йилги Улуғ Инқилоб!

Замон кечар экан ҳар қандай дамда,
Кўламли қувончу ё ногоҳ гамда.
Дадил қанот қоқса жасур фазокор,
Ялли ҳисоб берса ёки пахтакор,
Қай юрт муҳтож бўлса дейлик мададга,
Тош отса ё ғаним қутлуғ сарҳадга,
Уша кўчалару кентлар, овуллар,
Шаҳарлар, қишлоқлар, бекатлар, йўллар,
Турфа одамларнинг бари, бариси,
Элати, миллати, ёшу қариси
Ягона куч бўлиб бирлашар дарҳол,
Тарихда бўлмаган бундай улуғ ҳол.
Ленин ва Инқилоб унга жону тан,
Мана шу биз учун жонажон Ватан!

ДАВОМ ЭТАЕТИР БУЮК ИНҚИЛОБ

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони
Рўзимат Ғойибовга

Боболарим юрти,
Отам маскани.
Онамнинг муборак хоки барқарор.
Бир фарзанд мисоли қутлайман сени,
Эй оташ заминдан яралган диёр.

Туққан хонадонин ҳар ким ёд этган,
Сен ҳам менинг учун шундоқ маъвосан.
Тониб қайга бордим — бобомдан ўтган,
Толемига битган Қашқадарёсан.

Азалий калқинг бор — бир эл қатоғи,
Тяптийо меҳнаткаш, тўғрисўз, ҳалол.
Ҳисор тепасида Муқанна ғори
Минг йиллик умрингдан сўзлар эҳтимол.

Жаҳонгир мана бу, — Бедил мана бу,
Кўкдан тушмагандир улар, ҳойнаҳой.
Буюк Улугбекнинг чашмига кўзгу
Кўкда ҳамон кезар ўша тўлини ой.

Мозийни ёд этмоқ савобдир гарчанд,
Лекин замон эрур замон сараси.
Каттакон Ватанга жон ининг пайванд,
Сен ҳам улуғ элнинг бир шажараси.

Кун кеча Нишонда ёвшан оралаб
Нортуя қувганлар айтсинлар аён,
Қашқадарё дея сўзга очсанг леб,
Чексиз бир саҳрони англарди жаҳоч.

Кун кеча эмасми — бағрингга боқиб
Шеърый ҳасрат билан ёнган ҳар сўзи.
Нечун қувонмайин бугун мен балқиб
Яшиаса минг йиллик саҳройи азим.

Жайҳун шамолига очган кўксини
Чўли бобом, мана, бурканган шонга.
Бир замон чўлдан у олган исмини.
Бугун ҳайкал бўлиб боқар бўстонга.

Ўтиб не бир даврон, ўтиб не замон,
Қув дарё саҳрога чпқди айқириб.
Не ажаб, қатраси ташна дил томон
Тенгсиз зиё каби боролса кириб.

Не ажаб, сароблар қолиб йўқликда,
Истиқбол хабли аён барқ урса.
Не ажаб, китоблик мунажжим кўкда
Қарши пахтазорин аксини кўрса.

Айб эмас, тўпланиб дўсту ёр билан
Кечган кунларингни айлаб қўйсанг ёд.
Назар сол юртингга ифтихор билан,
Она Ўзбекистон шунчалар обод.

Назар сол — кўрганинг не бор — барида
Олтмиш йил муқаддам бошланган шитоб.
Инсон онгида-ю, замон қаърида
Давом этаётир буюк иқилоб.

Ижроқўм уй бермиш,
 Кўзларингда ёш...
 Шунчалар кўпмиди дилингда дардинг.
 Етар, таъзим билан эгаверма бош,
 Етар, юрагимни эзиб юбординг.

Сеники аталар шу ер, шу замин,
 Е уни назарга илмаганмидинг?
 Уни Ленин сенга хатлаб берганин
 Олтмиш йил ўтибди, билмаганмидинг.

Ижроқўм уй бермиш,
 Бағоят савоб,
 Лекин кўрмай сени муте шаклида.
 Ун еттинчи йилги буюк инқилоб
 Сен учун бўлганди, билсанг, аслида.

Не зотлар ўтдилар ҳасратга тўлиб,
 Кушлари зимистон, тунн сим-сий.
 Фазсга термулиб, Улугбек бўлиб,
 Бир-иқ дунёлардан ахтарди зиё.
 Шоҳлар юрагида балқармиди нур,
 Расуллар меҳридан порларми дунё?
 Тубсиз зулумотда банд бўлган шуур
 Бир-бирин қалбидан ахтарди зиё.
 Оламни пайпаслаб мисли ногирон,
 Тошганлари бўлди жаҳолат, риё.
 Балий калъида ҳам бенурдур жаҳон,
 Магар ўз қалбида бўлмаса зиё.
 Қандай замонларга гувоҳмиз, устоз.
 Ерга тушган каби хуршид ҳам гўё,
 Кўк эмас, ушбу кун замин сарафроз,
 Фалакка заминдан таралар зиё,
 Абас, йўқликларга кетди жаҳолат,
 Асримиз уфқида у мисли рўё.
 Бу қандай сир эрур, қандай синоат,
 Одам одам учун таратгай зиё?
 Шуурга нур сочиб, машъал кўтарган
 Сиздек устозларга олам маҳлиё.
 Дейман хуш айёмда Сизни қутларкан:
 Қалбингизда сира сўнмасин зиё!

ЎЗБЕК ПАХТАСИ

Дунёда қутловлар бор.
Бири биридан гўзал.
Дунёда табриклар бор
Бири биридан эзгу
Ва лекин бу оламда
Топилмас ҳеч бир маҳал
Она юрт қутловидан
Баландроқ бирор туйғу.
Шу мўъжаз ҳаётимни
Эл-юртга боғлабман то,
Бир кетмончи ўғлидай
Унга эшман — тирикман.
Каҳрабо тизимчанинг
Донаси каби гўё
Мустаҳкам шу қаторнинг
Тақдирига шерикман.

Тонг билан Ватан бўйлаб
Бир хабар қоқди қанот,
Ўзбек яна ўз сўзини
Устивор дўндирипти.
Бегимсол талатўпда
Музаффару босабот —
Ўзбек яна дўпписин
Қиялаб қўндирипти.

Миллион йиллик сўз эрур
Пахта бизнинг лугатла.
Жўякларда бошланган
Оналар тўлғоқ дарди.
Мабодо ўсимликка
Забон битса, албатта,
Пахта нави энг аввал
Ўзбекча гапирарди.

Одатий нурич сочар
Оламга ҳар кун қуёш,
Бзғрида не сирлар бор —
Сигмайди тасаввурга!
Шу бир чаноқ пахта ҳам
Зоҳирдан масъум, ювош
Ва лекин заҳматлари
Сигмас онга, шуурга.

Дунёда инсонлар бор
Майда армонлар сабаб
Бир-бирич ёқавайрон,
Тупроққа қоришади...
Оламнинг эгини бутлаш —
Ўзбекда шудир матлаб,
Шу армон деб чўнг халқим
Бир умр слишади.
Бизнинг уйган хирмонга
Чамбар қилсанг чечакдан,
Юлдузлар шабнам мисол
Бўларди унга инжу.
Боласи уйда қолган
Муштитапар келинчакдан
Ҳизрсифат чолгача —
Барчанинг меҳнати бу!
Халқим, сенсан элларга
Тўкин дастурхон тузган,

Неъматнинг ҳамиша ҳам
Барқарор бўлсин, дейман.
Уйган бу хирмонинг ҳам
Қуёшга қўлини чўзган
Муҳташам ҳайкалинга
Пойдевор бўлсин, дейман!

ОНАЖОНИМ, ШЕЪРИЯТ

Ҳамдам бўлдинг мен билан
 Ҳар қандайин кунларда.
Юлдуз бўлдинг чарогон
 Энг қоронги тулларда,
Судбат қурдик гоҳ шодон,
 Гоҳо ҳазин уилларда,
Энг олий бахтим менинг
 Онажоним, шеърият,
Топган тож-тахтим менинг
 Жонажоним, шеърият.

Сен билан бақамти то
 Бу оламда юрдим мен,
Турфа хил инсонларини
 Ҳам танидим, кўрдим мен,
Дўстлар билан гоҳ шодон
 Давронимни сурдим мен,
Энг олий бахтим менинг
 Онажоним, шеърият,
Топган тож-тахтим менинг
 Жонажоним, шеърият.

Эсингдами, азизам,
 Утди қанча доволар,
Утди қанча тўфонлар,
 Утди қанча ёбонлар.

Яхшиликдан сўз очдик
Гоҳ дуч келса ёмонлар,
Энг олий бахтим менинг
Онажоним, шеърият,
Топган тож-тахтим менинг
Жонажоним, шеърият.
Ҳамдам бўлиб сен билан
«Хамса»дан сабоқ олдим,
Йироқ-йироқ юлдузлар
Сеҳрини дилга солдим,
Меҳмон эмас, қасрингда
Балки бир умр қолдим,
Энг олий бахтим менинг
Онажоним, шеърият,
Топган тож-тахтим менинг
Жонажоним, шеърият.

Ҳар қисматга ҳар кимнинг
Даврони сабаб бўлгай,
Шеър ун чекса шоирнинг
Армони сабаб бўлгай,
Мен фахр этсам умримнинг
Ҳар он сабаб бўлгай,
Энг олий бахтим менинг
Онажоним, шеърият,
Топган тож-тахтим менинг
Жонажоним, шеърият.
Гарчи мушкул кўп бўлди
Мўъжаз менинг муҳитда,
Зухур этдим барчасин
Ҳасратли бир сукутда,
Ҳақ йўлини топдим лекин
Сен билан ёнган ўтда,
Энг олий бахтим менинг
Онажоним, шеърият,

Топган тож-тахтим менинг
Жонажоним, шеърият.
Англадимки, оламда
Юрт танҳо, Ватан танҳо,
Банд этган хайлимни
Тенгсиз шул чаман танҳо,
Нокаслар эмас, йўқ, йўқ,
Елғиз сен баланд, таиҳе,
Энг олий бахтим менинг
Онажоним, шеърият,
Топган тож-тахтим менинг
Жонажоним, шеърият.

Умид ёрким, етгаймиз
Сен бирлан йироқларга,
Мақсудим ёқиб турган
У нури чироқларга,
Дуч келмасак бас энди
Турфа хил фироқларга,
Энг олий бахтим менинг
Онажоним, шеърият,
Топган тож-тахтим менинг
Жонажоним, шеърият.

Ҳақ сенга мурод ўлсин,
Шавкатинг на зар, тилло,
Ҳақ деганининг умри ҳам
Ҳақ каби узун, илло,
Бошин эггай ҳамиша
остонангда Абдулло,
Энг олий бахтим менинг
Онажоним, шеърият,
Топган тож-тахтим менинг
Жонажоним, шеърият.

ОЗАРБАЙЖОН

Хаёл оти билан кезгил ҳар ённи,
Тепмассан бундайни қутлуғ замонни.

Муҳр этди дилларга замон илчунни,
Дўстлик деб аталмиш олий эҳсонни.

Эъозлаб турябди кўтариб бошга,
Бу кун озар эли Ўзбекистонни.

Сўйласин минг йиллик мўйсафид тарих,
Бу дўстлик билганми шубҳа, гумонни.

Ўзбекман, англамай қайёққа бордим,
Шу кинжа озарий тилни, забонни.

Дўстлик бу — муҳаббат янглиғ фараҳким,
Билгай у на ҳадни ва на довонни.

Асли Муқаннага қиёс этгулик
Бобакнинг қалбидан тошган тугённи.

Низомий болидан ҳалво пишурмиш
Навоний забт этиб туркий жаҳонни.

Бир лаҳза қўлидан қўйганми ўзбек,
Узинг айт, Фузулий битган девонни.

Азизим, дилимда асраб юрибман
Насимий қолдирган собиг именин.

Вурғуннинг шеъри деб жон чекса ўзбек,
Озар ҳам аярми Гафурдан жовви.

Сен билан виқилоб жаиғгоҳларивда
Бярга таниганмиз яхши-ёмонни.

Тарих-ку муҳташам ёдгордир олий,
Сўйлайин шу кунни, айни шу онни.

Ўардошлик яловин кўтариб кунпод
Тавоб ёгмоқдамиз гулгуш маконни.

Хазар коса бўлсин, яъни жони Жам,
Сипқоргил, шарафла даври давроини.

Мен сендай мезбонни топмоғим гумон,
Сен ҳам тополмассан мендай меҳмонни.

Мавжуд бўлмасайди оламда агар,
Ўйлаб топар эдим Озарбайжонни.

ИНСОН МАНЗАРАСИ

Баъзан ўйлаб дейман, не бўларди гар
Қудратин кўргасса табиат ҳассос.
Ва инсон суратин унинг муқаррар
Феълу атворига айлаб қўйса мос.

Бунёд бўлар эди ажиб бир ҳолат,
Не-не инсонларнинг абас ор, шарми.
Намоён бўларди аввал хушомад.
Эмаклаб юрарди бу қавмнинг бари.

Бешак яширарди турфа қилмишини
Издихом ичида бадкор мунофиқ.
Таниб бўлмас эди лекин юршани,
Яъни ўз феълига мос ва мувофиқ.

Қанчалар ранг-баранг инсон ҳаёти,
Бэри очик-ойдин, шундоқ турарди.
Оёғи осмонда иғвогар зоти
Айри тили билан изғиб юрарди.

Ҳа, магар чеврилса олам шу тахлит,
Имон келтирардим бир қолга бешак:
Оёғин заминга қадаган собит,
Комил Инсон зоти не чоғлик юксак.

Фақат у мавжудки олам файзиёб,
Фақат инсонликка унинг ҳаққи бор.
Устисэр инсонлар, сиз не чоғ ноёб,
Сизни учратган қалб не чоғ бахтиёр...

ҚҰРИҚХОНА

Асраймиз ўсимлик хилларин тайин,
Асраймиз ҳайвонлар камёб зотини.
Ҳатто атрофларин ўраб атайин
Қўриқхона деймиз сўнгра отини.

Саёқ овчиларга у ён йўл бўлсин,
Жарима соламыз, қамаймиз ҳатто.
То у жонзотларни тинчига қўйсин,
Қирилиб кетмасин тирик дунё то.

Мунис мавжудотга меҳру шафқат бу,
Бу инсон қалбида балққан ҳалият.
То яшар қайдадир бу янглиғ туйғу,
Ҳар нечук қирилиб кетмас табнат.

Оламда кўп нарса камёб бир қадар,
Не-не туйғулар ҳам камёбдир, алҳол.
Мен дердим, соф қалбин учратган сафар,
Дарҳол ўраб олинг атрофин, дарҳол.

Инсоф йўқолмасин, ўранг мустаҳкам,
То уни юзсизлик этмасин хароб.
Эзгуликни асранг, оламда у ҳам
Тождор турна каби бўлмасин камёб.

Оқибатни асранг, оқибат гўё
Айиқдай қайдадир топмасин завол.

Ҳаёни асрангиз, куймасин қад
Оташга дуч келган полапов мисол.

Имонни асрангиз, у доим танҳо,
Ундадир мужассам инсон матлаби,
Авлодлар ахтариб юрмасинлар то
Уни аллақандай Қор одам каби.

Виждонни асрангиз ҳар недан ортиқ,
Ягона заминни асрагансимон.
Бобелардан қолган ноёб бу тортиқ
Токи авлодларга етолсин омон.

Эзгу, латиф ҳислар бўлмасин таҳдир,
Булбулни бойқушга тонширманг зинҳор.
Худбин ва дилозор кимсанинг ахир
Оғзи қон йиртқичдан қандай фарқи бор.

Тўқайга ўт кетса ёнғай бус-бутун,
Адолат борлиққа ёлғиз онадир.
Дунё ҳам, инсонлар қалби ҳам бугун
Бвузликдан зада Қуриқхонадир.

КАРВОН

Устоз Миртемир хотирасига

Сизга ташланмади, оҳ, не-не зотлар,
Улар ҳар мўминга ташланар эди.
Ташланмаса дили ташланар эди,
Улар пучак жоплар, аҳли бедодлар.

Жиндаккина позак феълингиз билан
Сокин бир қўнғироқ чалиб ўтдингиз,
Еруғлик кунларни бедор кутдингиз,
Дардлашдингиз фақат элингиз билан.

Нечоғлик хокисор эдингиз, устоз,
Ялангтўш, меҳнаткаш, қалам деҳқони.
Қадим Туркистоннинг тағти ўғлони,
Покиза эдингиз мисли оқ қоғоз.

Не-не ўлкаларнинг не даҳолари
Сиз боне ўзбекча сўйлаган эди.
Сизнинг лафзингизда куйлаган эди,
Қошгарийдан қолган тил садолари.

Шеърингиз учқуру ўзингиз карвон,
Мансилга шошилмай келар эдингиз.
Оҳ, устоз, ҳолбуки билар эдингиз —
Югурни даврондир асли бу даврон.

Сизнинг армонинингиз яшар қароғда,
Балки у бўйлагай асрларни ҳам.
Во дариг, мана шу сатрларни ҳам
Езсам бўлмасмиди сиз тирик чоғда.

АФГОНИСТОН ЕШЛАРИГА

Ҳиндикуш тоғида гулхан ёнмоқда,
Хўрот тепасида олов жоласи.
Ҳолинг нима кечди? Жабҳанг қаёқда,
Жайхун ортидаги ўзбек боласи?

Сен туғма хиравий, ўспирин авлод,
Кўҳна шажарамда битта бандимсан.
Қонинг не боболар қусридан озод,
Сен менинг бокира жигарбандимсан.

Инқилоб юз бермиш хонадонингда,
У сенга гуруринг бахш этгай такрор.
Огоҳ бўл, укажон, шундоқ ёнингда
Улуғ бобомизнинг уйгоҳ қалби бор.

Инқилоб нелигин сен мендан сўра,
У — нури ҳидоят, у нури жаҳон.
Токай ётар эдинг жаҳолат ичра,
Токай юрагингда дардларинг пинҳон.

Ҳозирча ўспирин, балки раста сен,
Балки буюклигинг келмас ўйинга.
Билиб қўй, шоҳларнинг қанча-қанчасин
Халқинг алишмагай битта мўйинга.

Дунёда кулфатнинг миллати бўлмас,
Миллати бўлмагай саодатнинг ҳам.

**Бошингга инқилоб келибдими, бас,
Толенинг кулгани шул эрур, укам.**

**Ҳали бу йўлингнинг поёни узоқ,
Ҳали сарҳадларда агёрларинг мўл.
Қўлингда Ватанинг тутқазган байроқ,
Сен ўтли сафларда камарбаста бўл.**

**Улуғ бобомизининг ҳеч ўчмас номин
Сен билан тоабад ёдга олурман.
Қутлуғ диёримнинг йўллаб саломин,
Сенга ёруғ кунлар тилаб қолурман.**

ДУСТЛАРИМГА АЙТГАНИМ

Аълохон акага

Дунёда кўп нарса унутилади:
Қашшоқлик, мартаба, қувонч, қайгулар.
Унутилиб борар муҳаббат дарди,
Унутилар йиллар, йўллар, туйгулар.

Қирқ йиллик адоват унутилар секин,
Унутилар ҳатто юракдаги дарз,
Яхшиларнинг меҳри унутилмас лекин,
Унутилмас улар элдидаги қарз.

УЧИНЧИ ОДАМ

Инсоалар бир-бирин юрса ардоқлаб
Уртада восита асли зиёда.
Ҳар икки одамни тургувчи боғлаб
Учинчи одам бор лекин дунёда.

Учинчи Одам бу — ўзи бир хилқат,
Ўшадир дунёга илк қўйган қадам.
Икковлон ўлжани келтирган фурсат
Ўчоққа ўг ёққан учинчи Одам.

Найғамбар шаклида у соҳиб қутқу
Бандага худони далолат этган.
Не ўжар шоҳлардан элчи бўлиб у
Гоҳо бош келтирган, гоҳ боши кетган.

Муҳаббат бобида у-ку бир маҳрам,
Унингсиз висол ҳам йўқдир аслида.
Шоҳнинг ёр учун битган сатрин ҳам
Ед олган ўшадир — шеърхон шаклида.

Унинг бир унвони ҳакамдир азал,
Шунчалар муҳтарам учинчи бу зот.
Токи бу дунёда меҳр потугал,
Мев фақат ўшандан қўрқаман, ҳайҳот!

Ахир у эмасми дўстни ганиму
Ганимни дўст қилиб қўйгувчи одам.

Магар у бешафқат бошласа ғулу
Дунёга гавголар солгай чинакам.

Рўёни рост деса, миттини кабир,
Жанубни Шарқ деса айлаб имолар.
Куфрли дунёда оз эмас ахир
Ушанинг измидан юрган сиймолар.

Учинчи бу одам тирикдир токи
Дунёнинг чайқалиб турмоғи аён.
Сергалва асрда бу зот ҳаттоки
Салтанат шаклида бўлур намён.

Оламда, аслида бордир дўст ва ён!
Орзум шул: покиза кўрсам виждонни.
Кимсанинг номидан кимсага биров
Сотиб юбормаса, дейман имонни.

Қўлларим кўксимда, бетинч, бетоқат,
Таъзимлар қилурман сенга ушбу дам.
У — менми, у — сенми, ким бўлма, фақат
Сенга инсоф берсин, учинчи одам!

ЕШ РАССОМЛАРГА

Жавлон Умарбасқова

Бамисли Бойсунда бойчечак гуллаб,
Тошкент томларида ёнди қизгалдоқ.
Е товус патларин ёйгандек хиллаб,
Намоён бўлдингиз айни кутган чоқ.

Даерада ўрнингиз, ўтинг, марҳабо,
Юртимнинг фаройиб ўғлонлари Сиз.
Қайда юргандингиз ўйчан ва шайдо,
Ўзбек санъатининг имконлари Сиз.

Ҳозирча нисингиз билмайди жаҳон,
Ҳозирча келини чизмоқдан сиз шод.
Билмайсиз, елкангиз оша шодумон,
Кузатиб турганин Музаҳҳиб, Беҳзод.

Сизга муштоқ ҳали турфа оҳанглар,
Устоз Чингиз Аҳмар бор бу бўстонда.
Билмайсиз, сиз четда ахтарган ранглар
Кўмилиб ётганин Чағаниёнда.

Сизни кутиб турар ҳали кўп маъни,
Деҳқоннинг киприги узра қўнган чанг.
Сизни кутиб турар оппоқ пахтаининг
Бағрида яширинган қанча сирли ранг.

Бугунча аслига ўхшаса сурат,
Заррин рамкаларга қувнаб солгайсиз.

Юз рангда товланиб келганда шухрат,
Суратин чизолмай шошиб қолгайсиз.

Узун сочингизга бир кун оқ тушар,
Сезмай ҳам қоларсиз умр ўтганин,
Чизган расмингизга ўғлингиз бесар
Нотаниш бўёқни чаплаб кетганин.

Майли, юрсангиз ҳам дарвинидай кезиб,
Бўяб чиқсангиз ҳам майли жаҳонни,
Фақат бир ўтишч бор, бергайсиз чизиб.
Онамиз суратин — Ўзбекистонни.

ИНСОН ҚАЛБИ

Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз,
Унда миллат яшар, унда тил яшар.
Унда аجدод фахри яшайди сўзсиз,
Унда нетиқомат қилади башар.

Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз,
Унда она яшар, яшайди Ватан.
Уни жўн нарса деб ўйламанг ҳаргиз,
Ҳайҳот! Қўзғалмасин бу қалб дафъатан!..

ТУРТЛИКЛАР

* * *

Оқар дарёга ҳам кимдир банд берган,
Ҳаёт кимга заҳар, кимга қанд берган.
Эй гофил, саркаш деб мени камситма,
Ғаним сенга эмас, менга панд берган.

* * *

Орзум шул, ўчмасин ёнган чирогинг,
Юлдуздай нур сочсин чашминг-қарогинг.
Магар чинор бўлсанг, чинордай яша,
Бевақт узилмасин бирор япрогинг.

* * *

Ҳар қалай қўлимда шарбат тўла жом,
Ғар маҳзун бўлса ҳам қалбимда илҳом.
Энди бир самимий дўст ҳам топсайдим,
Бахтли санар эдим ўзни батамом.

* * *

Ҳўкизнинг бўйнига тақсанг тақинчоқ,
Томоша аҳлига бўлгай овунчоқ.
Сен одам шаклида юрган бир говсан,
Хайф сенга на нишон, оддий бир мунчоқ.

* * *

(Бир устоз ўғити)

Топган-тутганингни халққа бер, қўзим,
Ушанда қеч қачон топмайсан тўзим.
Лекин бир маътиқни унутма асло:
Яъни, мансубдирман халққа мен ўзим.

ШОИР ВА ИЛҲОМ

Айни тонг чоғида кўз очди илҳом,
Бёқди атрофига солланиб, кушод.
Порларди чашмида илоҳий пайғом,
Илҳом кайфияти эди буткул шод.

Адо этмоқ учун эзгу хизматин
Илҳом қалби сўнгсиз шавқ билан тўлди.
Уша ажиб ҳамда хуш кайфиятни
Таниш шоирига етказмоқ бўлди.

Шуълага чулғади қанотин аввал,
Юлдузлардан осди бўйнига маржон.
Тугиб юрагига ҳисларин тугал
Илҳом замин сари йўл олди шодмон.

Умидвор эди у, заминда бу кун,
Бунёд бўлажакдир ажиб бир ижод.
Сатрида юлдузлар сочажак учқун,
Уқиган ҳар бир дил фаровон, обод.

Илҳом пайдо бўлди таниш кўчада,
Ушандоқ безанган — қанотлари зар.
Аммо бу гал уни хилват гўшада
Кутиб турар эди осий Иғвогар.

Зарра очирмасдан Илҳом кўзини
Иғвогар ненидир гапириб солди.

Шоир ўғирган деб сендан юзини,
Маржонларин бир-бир юлқилаб олди.

Тортиб олди ҳатто зиракларин ҳам,
Илҳомнинг бошига солди қиёмат.
Илҳом нари кетди маънос, боши ҳам,
Бу қандай кўргулик? Бу не маломат?!

Илҳом шоир томон йўл олди ночор,
Дилида минг шубҳа, бошида минг ўй.
Аммо дарвозанинг тагида бу бор
Кутиб турар эди уни Ҳасадгўй.

Чўлтоқ ҳассасини ўқталиб Ҳасад
Илҳомнинг бошига туширди чунон:
— Ким қўйибди сенга парвозни, номард,
Бизлар ер юзида юрсак саргардон.

Шундоқ деб Илҳомнинг нозик ва мўйин
Қанотларин Ҳасад юлиб ташлади.
Бу ҳам етмагандек шафқат қилмайин,
Илҳомнинг юзига балчиқ чаплади.

Ҳайҳот! Не қиларин билмайин Илҳом
Илк бор кўз ёш тўкди шу тонг, аслида.
Беқанот, белибос, дийдираб тамом
Турарди қандайдир махлуқ шаклида.

Илҳом дарвозани чор-ночор қоқди,
Билолмасди шўрлик ҳаууз айбини.
Шоир дарвозани очдию ёпди:
Таъмайман, деди, сендай дайдики...

ИЛТИМОС

Сенга балки аён, балки ноён,
Бир ҳаёт ҳодисин айлаётин баён.
Майли, сувлар кечгин, майли, ўтда ен,
Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.

Саргардон, йўлларда қолсанг ҳамки оч,
Сабру қаноатни қилгил бошга тож.
Нотанги йўлдошга бўлма ҳеч муҳтож,
Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.

Таънадир дунёда ёмондан-ёмон,
Нон бериб рангингни этгайдир сомон.
Ақлинг бутун бўлса, тўрт мучанг омон,
Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.

Бўри эмас дейсан одам одамга,
Кўзини каттароқ оч, боққил оламга,
Биров одамга дер, биров онамга,
Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.

Саховат аҳлига гарчи юз бурдим,
Ғоҳи дам ҳайратда лол қотиб турдим.
Норнинг ит олдида чўкканин кўрдим,
Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.

Оҳ, дўстим, демагил қайдан бу туйғу,
Шеърим сен учун дам бўлсан кўзгү.
Менинг бир жайдари фалсафамдир шу:
Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.

ТУЛКИ ФАЛСАФАСИ

— Устоз,— деди бир кун тулки тулкига,
Нечун биз нишонмиз доим кулкига?

Ўрмонда бўри ҳам, ҳатто жаноб шер,
Бир-бирин туртишиб: — Тулкисан-а,— дер!

Бошқалар устидан кулмаслар нечун,
Бу ҳол қоронғидир биз ёшлар учун.

— Ука,— деди шуида тулкига тулки,—
Бундай ҳодисотнинг сабаби шулки,

Касбини эплотмай қолса аксари
Тулкилик қилади ҳайвонлар бари.

Кўпинча иложсиз қолган фурсатда
Тулкилик қилади шер ҳам, албатта!

Лекин бизнинг ишни эплотмас улар,
Шу сабаб ўрмонда маскара бўлар.

Сен-чи, бундай ҳолдан асло ўкинма,
Бошқалар сингари четга бекинма.

Тулкисан, бундай чоғ тулкилик қилгин,
Тулки деб кулсалар, қўшилиб кулгин...

О И Л А

Каттаси кетганди балиқ овнга,
Чўмилиб-нетмаси, ишқилиб,
Турли тасавурлар олар довига,
Кампирнинг нафаси келар тиқилиб.
— Ҳой, сиз ҳам болаи ўйланг-да бундоқ...
Кампир эрк берганча пуч хаёлига
Капгири қайгадир илиб ўша чоқ
Танбеҳ бера бошлар чолига.
Чол-чи,

кўзойнағи артганча бот-бот
Китоб варақлайди:

Бедилми, Машраб...

Мошинда кетувди кенжаси шаддод,
— Юрсин-да, ишқилиб, кўзига қараб...
Кун ҳам эрта ботди, билмадим, кузми,
Биттаси кечкида ўқийди.
— Сен ҳам ўйлагин-да анови қизини?
Чол ҳам кампирини нуқийди.
Ҳеч жойда ҳеч гап йўқ, шундоқ икковлон
Бир-бирин бесабаб койир, турткилар.
Лекин иккиси ҳам билади пинҳон:
Болаларни ўйлайди улар.
Сўнгра

бир маҳалда

узун-қисқа бўлиб

1
Болалар ҳам келар

галма-гал.

Дастурхон атрофи боради тўлиб,

Хайрият, ҳаммаси жам, тугал.

Кампер: — Шукур, — дейди,

Қимтинар лаби,

Чол ҳам жилмаяди:

Тушунар...

Дунёда ҳеч бир гап бўлмаган каби

Болалар овқатни туширар.

* * *

Ҳикматли гапларга қулоқ солмоқ даркор,
Қулоқ солмоқ даркор халқнинг сўзига.
Лекин одамларнинг бир одати бор,
Мақол тўқийдилар мослаб ўзига.
Масалан, ит — вафо, демишлар, ҳайҳот,
Ит эгалари буни тўқиганлар зап.
Бировлар итидан бўлгил эҳтиёт,
Узингники бўлса бошқа гап...

ДУНЕНИ ҚИЗҒАНМА

Дунёни қизғанма мендан, азизим,
Мен сенинг кўчангдан ўтмасман зинҳор.
Менинг бу оламда ўз айтар сўзим
Ва ўзим сиғинар мозорларим бор.

Дунёни қизғанма мендан, азизим,
Сен ичган булоқдан ичмасман асло.
Сен юрган тоғларда қолмагай изим,
Сен кечган дарёдан кечмасман асло.

Дунёни қизғанма мендан, азизим,
Қалбингни ёқмасин шубҳа ва сўроқ.
Мен ўзга манзилга тикканман кўзим,
У сенинг кулбаиғдан жуда ҳам йироқ.

БОБО ВА НАБИРА

Нмиллаб боради йўлда мўйсафид,
Утган асрларнинг хаёли бошда.
Епида тўнлар набираси хит,
Қўйворса етгудай шаҳди қуёшга!

Чол-чи, тутмиш унинг қўлидан маҳкам,
Набира кўзида андишаю зор.
Ста, набирангни озод қўй бар дам,
У ҳали узоққа кетмоғи даркор.

У ҳали номингни кўксига жойлаб,
Самолар қўйнида ургусидир барқ.
Уни қадамингга ташлама бойлаб,
Қўйвор набирангни, отажоним, Шарқ...

**САМОВИЙ МЕҲМОН,
БЕШ ДОНИШМАНД ВА ФАРРОШ
КАМШЕР ҚИССАСИ**

Хабар келди Фан шаҳрига
Олис жунгли томондан.
Ўтган кеча алланарса
Ёниб тушмиш осмондан.

Юлдуз деса юлдуз эмас,
Ё йўлдошми бир дайди.
Ҳар ҳолда у шов-шув солган
Тарелкага ўхшайди.

Бу хабардан илм аҳли
Бир зум ўйга толдилар.
Яна бирор мишмишдир деб
Шубҳага ҳам бордилар.

Чархлаб туриш керак аммо
Туйғу билан ақлни.
Ҳар эҳтимол жўнатдилар
Жунглига беш вакилни.

Бешови ҳам тенгсиз олим,
Беш қитъадан бўлмиш жам.
Дунёдаги барча илм
Шул бешовда мужассам.

Илми нужум, тиб ва тарих,
Жуғрофия, ҳақдаса.

Уликни ҳам тирилтирар
Агар улар хоҳлашса.

Дунёдаги тилларни-ку
Беш бармоқдай билишар.
Керак бўлса қушлар билан
Хандон суҳбат қилишар.

Хуллас, бешов йигилишиб
Жунгли томон едилар.
Хатто фаррош кампирни ҳам
Елга олиб келдилар.

Дарҳақиқат, жунгли нотинч,
Не дарахтлар шаллайган.
Ургалиқда алланарса
Етар эди, яллайган.

Ойнакларни тутиб бешов
У ёғидан ўтдилар.
Бу қанақа гап бўлди, деб
Бу ёғидан ўтдилар.

Ва ниҳоят сирли уйни
Уриб очиб олишди.
Ичкарига кириб бирдан
Анграйишиб қолишди.

Етар эди ўриндиқда
Аллақандай бир махлуқ,
Бир кўзи бор... манглайида,
Иккинчиси мутлоқ йўқ.

Лаб-даҳани одамга ҳам
Ухшаб-ўхшаб кетарди.
Қўл-оёғи узун-узун,
Сап-сарикдир ранг-зарди..

Беш донишманд ўзни энди
Йўқотишди тамоман.
Ҳазилакам гапми ахир,
Меҳмон тушмиш самодан!

Мана бунга айтса бўлар
Энг олий, зўр муаммо!
Ҳраб олди уни бешов,
Миқ эгмасди у аммо.

Кўрсатишди унга дастлаб
Чексиз олам тарҳини.
Сомон йўли, альфа, бетта
Буржларининг фарқини

Меҳмон эса қимир этмай
Етарди жим, сулайиб.
Манглайида битта кўзи
Боқар эди жўлайиб.

Кўрсатдилар унга яна
Езув, шакл, формула.
Мозийни ҳам кўрсатишди
Кино қилиб бир йўла.

Дунёдаги тилларин-ку
Лугат қилиб уйишди.
Шу жумладан ўзбекча ҳам
Бир-икки сўз дейишди.

Меҳмон ҳануз қимир этмай
Етарди жим, сулайиб.
Манглайида битта кўзи
Боқар эди жўлайиб.

Қармиқан деб қулоғига
Бақариб ҳам кўрди-та!
www.ziyouz.com kutubxonasi

Соқовми деб имо билан
Чақириб ҳам кўрдилар.

Таҳдид қилиб ҳатто бир оз
Сиқувга ҳам олишди...
Схир чарчаб, ўзалари ҳам
Қолдан тойиб қолшди.

Иш чиқмади, демак бизни
Тушунмади у тараф!
Уша пайт денг фаррош кампир
Кириб келди тентираб.

Фаррош-да у, уни-буни
Ингиштирмоқ унга тан.
Уриндиқда ётган зотни
Кўрди кампир дафъатан!

— Вой бечора болагина,
Дард заптига опти-ку!
Қолдан тойиб бошқа кўзи
Юмилиб ҳам қопти-ку!

Рангини кўр, сомон дейсан,
Сувданмиқан ё ўтдан!
Шундоқ дея фаррош кампир
Бўла кетди гиргиттон.

Азбаройи меҳр билан
Бошгинасин силади.
Тиканақдай тикка ўсган
Сочгинасин силади.

Кампир билмас, ким бу махлуқ,
Ё билса ҳам унутди.
Ича қолгин жон болам деб
Ҳатто унга сув тутди.

Ушанда денг, ҳалигининг
Қон чопди-я юзига.
Дувва-дувва ёш ҳам келди
Биттагина кўзига.

Жон киргандай бўлди бирдан
Оёқ-қўли қимирлаб.
Жилмайгандай бўлди ҳатто
Ғапиргандай шивирлаб.

Айлантириб битта кўзин
Боқди у ёқ-бу ёққа.
Бир маҳал денг дабдурустлаш
Меҳмон турди оёққа.

Олимларининг ушбу ҳолдан
Ҷимирилди қошлари.
Бу қапақа сир бўлди деб
Тамом қотди бошлари.

Кор қилмади шунча илм,
Этди қанча саргардон.
Фаррошларнинг юлдузидан
Тупчимикан ё меҳмон?

Не бўлса ҳам мурод ҳосил,
Фан шаҳрига елишди.
Фаррош кампир сирин эса
Сал кейинроқ билишди.

Олимларнинг хизматлари
Йўқ, бекорга кетманги.
Шунча ишни қилишибди,
Фақат Меҳр етманги.

ШАРҶ ҲИКОЯСИ

Аниқ йили эсимда йўқ,
Аллақайси замонда,
Бир қишлоқда ота, ўғил
Яшар экан омонда.

Улар гоят тотув экан,
Уртада мол, жони бир.
Минг қилса ҳам ота-ўғил,
Минг қилса ҳам қони бир.

Бир куни денг, шу икковлон
Қайгадир йўл олишди.
Минай деса от-улов йўқ,
Уйланишиб қолишди.

Қуриб кетсин йўқчилик ҳам
Ким неларга зор эди.
Икковининг ўртасида
Битта эшак бор эди.

Гарчи у ҳам бир оз яғир,
Гарчи андак бедармон.
Шу эшакни минсакми, деб
Уйлаб қолди икковлон.

Ота деди: — Ўғлим, бундан
На сен, на мен тингаймиз.

Уғил деди: — Ота, буши
Галма-галдан мингаймиз.

Ота доим ота ахир,
Яъни мудом иззатда.
Эшакка у минди дастлаб,
Уғил яёв, албатта.

Бир қишлоқдан ўтардилар
Икков секин тиқирлаб,
Ортларидан тўрт-беш одам
Кулиб қолди пиқирлаб.

— Аҳмоқ экан манови чол,
Аҳмоқ ҳаддан зиёда.
Ўзи улов миниб олган,
Уғли эса пиёда.

Ғалати бир ҳисси туйиб
Шартта настга тушиб чол.
— Кела қолгин, ўғлим, — деди, —
Эшакка сен мина қол.

Энди ўғил эгарда-ю,
Ота яёв кетарди.
Энди улар бошқа қишлоқ
Кўчасидан ўтарди.

Борардилар, сўзсиз, лекин,
Аста-аста тиқирлаб.
Ортларидан тўрт-беш одам
Яна кулди пиқирлаб.

— Аҳмоқ экан манов бола,
Аҳмоқ ҳаддан зиёда.
Ўзи улов миниб олган,
Отаси-чи, пиёда.

Еш эмасми, бирдан унинг
Орияти қўзғолди.
Шартта пастга тушди у ҳам,
У ҳам яёв йўл олди.

Юриб-юриб иккаласи
Неча адир, қир ошди.
— Бор-е,— дея сўнг эшакка
Иккови ҳам мичгашди.

Аммо тагин бир манзилдан
Утар бўлди икковлон.
Не кулфатки бу жойда ҳам
Тинч қўймади оломон:

— Аҳмоқ экан булар роса,
Инсофи: йўқ, лавапглар.
Икки одам бир эшакка
Миниб олти, қарапглар.

Маломатдан ота-ўғил
Тамом ҳориб телдилар.
Ғазаб билан бир-бирига
Термулишиб қолдилар.

— Айтмабмидим,— деди ота,—
Гап уқмадинг, тиррапча,
Элу юртнинг ўртасида
Бўлдиқ роса бўлганча.

Қўл силташди бир-бирига
Қолди фойда, заёи ҳам.
Ота у ён кетиб қолди,
Бу ён кетди ўғлон ҳам.

Қондошликнинг миллион йиллик
Ришталари узилди.
Уртага бир эшак тушиб
Оралари бузилди.

АЁН БЎЛГАЙ

Агар ёринг хиром этса,
 Саболардан аён бўлгай,
Такаллуми чаман берган
 Садолардан аён бўлгай.
Агар ёринг қуёш бўлса,
 Анга асло боқиб бўлмас,
Камолингми заволинг ё —
 Самолардан аён бўлгай.
Агар ёринг ҳусн шоҳи —
 Ўтар бўлса шаҳарлардан,
Гузарларда қолиб кетган
 Гадолардан аён бўлгай.
Агар ёринг жафокордир,
 Жафокор деб отин айтма,
Унинг асли ўзинг чеккан
 Жафолардан аён бўлгай.
Агар ёринг садоқат деб
 Сенга кўнгил қўяр бўлса,
Куйиб ағёрларинг, бахти
 Қаролардан аён бўлгай.
Агар ёринг муҳаббатни
 Ниҳон сақлар, гумон этма.
У бир ганждир, бироқ ҳадди
 Адолардан аён бўлгай.
Агар ёринг бўлиб Ширин,
 Агар ўзни десаиғ Фарҳод,
Қиёсинг чин ва ё лофдир
 Вафолардан аён бўлгай.
Агар ошиқса, Абдулла,
 Қаноат қил, сабр бирла,
Надур ҳолинг — сенга боққан
 Балолардан аён бўлгай.

* * *

Бахтиёр ҳар дилга ошно топилгай,
Ғуссали юракка лекин йўқ ҳамдам.
Дўстлар эшиги ҳам тақ-тақ ёпилгай
Ғуссали қалб у ён гар қўйса қадам.
Ҳорғин бир йўлчингман, дарвозангни оч.
Бошлаб келди дема кулфат, қайғуни.
Ногоҳ кўазаримда кўрсанг қаира ёш,
Соғинч ёшлари деб қабул эт уни.

* * *

Вунчалик камолот, айт-чи, кимда бор,
Кимда бор бунчалик латофат, ҳусн.
Шу чирой, шу ишва, шу ноз, шу виқор,
Бахтиёр жуфтинга муборак бўлсин.

Севганинг қалбида билмай қай ниёт,
Демасман, шаънингга шеърлар битсин деб.
Сени яратгандир асли табиат
Бир шоир ҳажрингда куйиб ўтсин деб...

СЕН ҚАЙДАН БИЛАСАН

Сен қайдан биласан,
Балки талдуғлар
Менга сирларини
Сўйлаётгандир.
Сен қайдан биласан,
Балки бу кўзлар
Уксиз бир қўшиққа
Куйлаётгандир.
Сен қайдан биласан,
Балки кезг олам
Шу мўъжаз қалбимга
Бўйлаётгандир.
Сен қайдан биласан,
Балки мени ҳам
Кимдир қайдадир жим
Ҳайлаётгандир...



Жаннатга йўл

Драматик достон

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Иигит

Она

Ота

Тарозибон

Югурдақ

Чол

Ҳур қиз

Фаришталар

Фаришта

Дўст

Успирин

Қария

Кимса

Садо

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Маҳшар саҳросида гужгон оломон. Тарозибон ҳузурида йи-
гит ва Узга одам.

Й и г и т

Маҳшар тонги аста-секин оқариб келар,
Кўз олдимда содир бўлди Улуғ Қиёмат.
Неча юз йил давом этди билмам, бу йўллар,
Тарозибон қошига ҳам етдик, ниҳоят.
Тарозига тушар эмиш гуноҳ ва савоб,
Қайси бири кўпроқ экан пешанамизда?!
Не бўлса ҳам, тарозиси бўлмасин нобон.

У з г а о д а м

Тарозибон не деса шу, нишонамиз-да!
Қайси кунин йиглаб ўтди бир мўйсафид чод,
Етти бора ҳаж савоб. Бўлмабди қабул,

Й и г и т

Нечук энди?

Ўзга одам

Ў дунёда юз бериб қай ҳол,
Отасини сансираган экан бир бор ул.

И н г и т

Минг мартаба шукур бўлсин парвардигорга,
Мендан рози кетган экан қиблагоҳларим.
Эс билмаган гўдакликни йўйсак бекорга
Сенсираган эмасман мен, йўқ гуноҳларим.
Дўстлар билан калтаклашган чоғларим бўлган,
Ҳар хил куфр ишларим ҳам кўпдир, билмадим.
Балки менинг гуноҳ халтам лиммо-лим тўлган,
Лекин ота ҳурматини қанда қилмадим.

Ўзга одам

Кўп гапирма, бу масала сенинг ишингмас,
Балки она қорниданоқ дўзахидирсан?!

И н г и т

Билдик, сипо зот экансан, на хору на хас,
Навбатинг ҳам етиб қолди, титрама, юр сен!

Ўзга одам

(титраб тарозибонга яқинлашади)

Салом, тақсир, бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Т а р о з и б о н

(қўлида дафтарчасини варақлаб)

**Бу ёққа тур. Исминг нима? Ҳожати ҳам йўқ,
Тамга босиб қўйган экан сенга оллоҳим.
Сенинг жойинг аросатда. Кўнглинг бўлсин тўғ,**

У з г а о д а м

**Тақсир, агар рухсат бўлса, бир саволим бор,
Умрим ўтиб илк мартаба сўз сўрашим бу.**

Т а р о з и б о н

**Ҳа, тушундим. Дўзахдан ҳам бўлма умидвор,
Сенинг жойинг аросатда тайин дедим-ку.**

У з г а о д а м

**Тақсир, менинг энг сўнги бор аризам шулки,—
Наҳот бекор кетаверса шунчалик тавоф?!**

Т а р о з и б о н

**Гапни чўзма, аросатга борасан, чунки
Сен на гуноҳ қилгансану, на зарра савоб.
Қани ким бор?!**

(Узга одам тарозибондан узоқлашади)

Й и г и т

Хайр, биродар. Нима бўлди?

У з г а о д а м

Аросатга.

И г и т

Худо сақласин!

Т а р о з и б о н

(йигитга)

Ҳой, йигитча, имиллама, кармисан баттар?
Чидаб келган бизнинг жонни худо ёқласин.
Минг йилмикап тарозунинг бошида жойна.
Жаинат, дўзах тўла тўлар, тўлмас бу дўк.
Марҳаматин дариг тутмай қодир худойим,
Оламзотни санамасдан яратган экан.
Кошки булар фариштага ўхшаса сал-пал,
Шулар келиб бу дунё ҳам бузилиб кетди.

(ичкарига қараб)

Ҳой, ютурдак, қара дейман, чилимга сув сол!

И г и т

Амакижон, мен келувдим, навбатим елди.

Т а р о з и б о н

Амакиниги топиб бўпсан, жиндак саор қил.
Бизларнинг ҳам жонимиз бэр, биз ҳам мутемиз.
Наинки сен, ишлайверсак бизларнинг ҳам, бил,
Оғзимизга келиб қолар она сутимиз.
Сен қаёққа шошмоқдасан? Шунча йил кутдинг,—
Қора гўрда кўкрагингни босганча захга.
Пайт келганда барчасини наҳот унутдинг?
Шонима, йигит, улгурасан ўша дўзахга.

И г и т

Балли жаннаг кутмоқдадир...

Т а р о з и б о н
(ичкарига)

Ҳой, чилимни келтир дейман!

Ю г у р д а к ф а р и ш т а

(ичкаридан)

Ҳозир, хўжайин!

Т а р о з и б о н
(йигитга)

Сендайларга дўзах яхши, мулла бўлман.

Й и г и т

Агар ёрдам қилсангиз-ку жаннат ҳам тайин.
Анча-мунча савобим ҳам бордир, ўлдими?!
Қарасангиз бўлар эди тезроқ, амаки.

*Югурдак фаришта чилим келтиради.
Тарозибон чилимни пешлайди.*

Т а р о з и б о н

Шу ҳам ахир кайф бўлдими, чилим бўлдими,
Билмасман ҳеч, берганлари хасми, тамаки.
Бир озгина ҳордиқ олай,

(югурдак фариштага)

Ҳой,
сен болакай,
Ҳисоблаб кел менга бунинг қилмишларини.
Сен янглимсанг, Силаб кўйгани, ҳалинг бўлар эй.

(Бир дафтарча узатиб)

Шу дафтардан топажаксан бор ишларини.
Бугунги куп ҳисобидан ўн мингиччи бу.
Дафтарчада қалам билан белги қўйганман,
Бир озгина дам олайин, ҳориб бўлдим-ку.
Ростин айтсам, шу ишлардан чарчаб, тўйганман.

(Йигитга)

Қани, ўтир, яқинроқ кел, сен ҳам ҳорибсан,
Омад келиб тушиб қолсанг беҳиштга шояд,
Бу оламга анча эрта келиб қолибсан?
Биси не? Фалокатми ёки жиноят?

Й и г и т

Бир фалокат юз берганди тошқин маҳали,
Қизалоқни сой сувидан қилгандим халос.

Т а р о з и б о н

Шунақа де? Аммо, лекки етмас бу ҳали,
Баъзи ишлар бўладики тасодиф, холос.
Савоб деган нарса ахир тасодиф эмас,
Етмиш икки томирдан у оқиб келгуси,
Яхши одам яхшилигини англамай қолмас,
У виждонни бир вазифа дея билгуси.
Қайси кунга бир ношукур дўзахга кетди.
Мен ўзим ҳам бир мушт урдим ростин айтганда.
Қуриб кетган, суягига ёпишган эти,
Қалби тўла ҳасад экан — ношукур банда
Қанча-қанча бегуноҳнинг бошига етган,
Ҳатто бола-чақасига урмиш гуноҳи.
Ким билсин у дўзахга ҳам чап бериб кетган,
Ҳа, болакай, нег экан-да худо даргоҳи.

И г и т

**Бизларнинг ҳам маҳаллада бор эди бир зот,
Ўша қайга борган экан, айтсангиз билиб.**

Т а р о з и б о н

Ким эди у? Текинхўрми, кофирми, шаддод?

И г и т

**Салом берсанг чўнтагингни кетарди шилиб.
Кимдая зарра фойда чиқса, ўша заҳоти
Бориб ётиб олар эди остонасига.
Тозламачи одам эди, ўтди ҳаёти
Тавқи лаънат осилмасдан пешанасига.**

Т а р о з и б о н

**Ким биледи, унақалар кўп ахир, укам,
Ким ҳам ахир бундайларни йўлга солибди...
Қайси куни биттасини дўзахга ёзсам,
Гўрнинг куйгур нақ жаннатга ўтиб олибди.
Қайта олиб келишади, ёзиб юбордим,
У нокаси тикажакман дўзах қаърига.
Инобатга ўтар ахир менинг ҳам қаҳрим,
Одамлар у, чидайдиган бари-барига.
Балки сен ҳам ўғридурсан ё нокас, суллоҳ,
Тургандирсан ноилждан бўйинингни буриб.
Балки олган сал барвақтроқ жонингни оллоҳ,
Гуноҳларни қилмагансан балки улгуриб.**

**Ю г у р д а к ф а р и ш т а ичкаридан чиқади,
қўлида гуноҳ-савоб дафтарчаси.**

Ю г у р д а к

Мана, тақсир, олиб келдим, текшириб кўринг!
Икки найса етмас экан беҳиштга.

Й и г и г

Ҳайҳот!

Т а р о з и б о н

Ўзингни бос, пешонангни минг жойга ургин —
Ўзгартирмас тақдирингни на оҳ, на фарёд.
Демак, сенинг гуноҳларинг ҳаддан зиёда,
Жаҳаннамга боражаксан начора, ахир.
Бўйинингни эг, тавба қилгин, боқий дунёда,
Бошқалардай бир бандасан,
Фарқинг йўқ тақир.

Й и г и т

Мен дўзахдан чўчимасман, устимдан кулма,
Мен чидарман, аммо қайда ҳақиқат, имон?

Т а р о з и б о н

Ўзингни бос, ҳой йигитча, шаккоклик қилма,
Худойимнинг қаҳри ёмон, ғазаби ёмон!

Й и г и т

Мен дўзахдан минг мартаба даҳшатли бўлган
Ҳодисалар ва кунларни кўрганман аввал.
Мен шайтондан минг мартаба ваҳшатли бўлган
Олчоқларни кўриб, чидаб турганман аввал.

Лекин айтмиг, қайқда у олпй ҳақиқат?
Кетаётиб фақат шуни билмсқ истаيمان.

Т а р о з и б о н

Сендақанги ботирларни кўрганман, фақат —
Майли, сенинг жавобингилни бермоққа шайман.

И н г и т

Нечун энди фақат менинг?

Т а р о з и б о н

Чунки бир замон
сен қутқазган у қисалоқ менга хизматкор.

И н г и т

Ё оллоҳим! Нечун энди у жаннатмакон
Хизмат қилиб юрар экан бу ерда бекор?

Т а р о з и б о н

Сабаб шуким, у бегуноҳ қизча — фаришта,
Майлига, у имон тилар сенга таңридан.
Хўш, сен уни қутқазибсан, қуллуқ бу ишга,
Лекин қисмат оғирроқ-ку бунинг баридан.
Сен жаннатий иш қилибсан, бунинг учун бас,
Дейлик, бір зум қуллуқ биллап қилайлик таъзим.
Лекин гуноҳ деган гап ҳам рўй-рост иш эмас,
Уни кўриб кўрмаслик ҳам гуноҳи азим.

И н г и т

Менинг қандай гуноҳларим бор экан, қани,
Илтимосим, энг оғирни берсангиз айтиб.

Яна айтнинг, гуноҳ ишн кўрган маҳали
Бўлганмикин тилим тишлаб ўтирган пайтим?

Т а р о з и б о н

Айлантирма гапни бунча, иккаламиз ҳам
Ўзимизни галварсликка солмайлик бекор.
Сени яхши танийман-ку, сен соҳиб қалам,
Сен шоирсан!

Й и г и т

Воллоҳи аъзам!

Т а р о з и б о н

Шисмай тур, гап бор.
Сен шоирсан, сенга оллоҳ ёруғ нур берди,
Оташ берди, забон берди ҳам улуг юрак.
Тимсолингда бечоралар ўз дардин кўрди,
Бахтин кўрди, шодликларин кўрганлар бешик.
Бэя сенга бир бандани айтиб бергандим:
Қора юрак, ҳасадгўй ҳам манфур ва олчоқ.
Ўзгасини қизиқсиниб ўзинг айтгандинг:
Товламачи ва текинхўр, суллоҳ, ялинчоқ.
Танийсанми сен уларни?

(тепага қараб)

Е қодир эгам,
Пардан хоб орқасидан уларни кўрсат!

И к к и т а а р в о қ намоён бўлади.

Й и г и т

**Ҳайҳот! Мени жаҳаннамда ёндиргин, бироқ
Кўрсатмагин сен буларни, кўрсатма фақат!**

Т а р о з и б о н

Танидингми?

Й и г и т

Ҳа, танидим.

Т а р о з и б о н

**Айбингни энди
Бир оз англаб олгандирсан, зуккосан, гапир.
Улар қанча бандаларнинг бошига етди.
Сен уларни кўриб бир сўз дедингни ахир?!
Илоҳий дил берган эди сенга худойим,
Қулоқ сол деб шўрликларнинг оҳи-воҳига.
Сен-чи, само шуъласини куйладинг доим,
Шеърлар битдинг юлдузларга, гулга, оҳуга.**

Й и г и т

Мен иқрорман.

Т а р о з и б о н

**Аmmo, энди фойдаси йўқ-ку.
Уз умрини яшаб бўлган энди одамзот.
Ачинаман сенга, ишим, ичимсан, чунки —
Гар қанотинг бўлмаса-да сен ҳам паризод.
Қодир эгам муҳибларин сийлаган маҳал
Шоирларни киритмишдир пари қавмига.**

**Фаришталар тил фарқламас, миллат ҳам азал,
Улар фақат қулоқ тутган кўнгили майлигэ.**

И н г и т

**Бу гапларни оширдингиз меъеридан сал,
Эшитганмиз бундақанги киноларни.
Гуноҳимга иқрорман мен, тонмайман тугал,
Юзга солманг, лекин ҳар хил ривоятларни.
Майли, дўзах тубларида куйиб, кул бўлай.
Майли, қайноқ дарёларда оқсин суюгим...
Кўзларимдан қон, ёш оқсин, зардобга тўлай,
Фақат бордир оллоҳимдан битта тилагим.**

Т а р о з и б о н

**Сўйла, қани, оташ тўла шу кўкрагингдан
Ҳақиқатинг шуълалари чиқсин сўнги бор.**

И н г и т

**Менга бир жой кўрсатингки дўзах қаъридан,
Токи ўша арвоҳларни кўрмайин зинҳор!**

Т а р о з и б о н

**Судҳатимиз маҳсулидир бундайн талаб,
Сгир талаб, ростин айтсам, бундақа жой йўқ.
Билмакдаман, кўкрагингда исёнкор бир қалб,
Мен ўзим ҳам сендай эдим, ҳозир-чи, махлуқ...
Бор, сен ҳозир аросатнинг даштини айлан,
Майли, жаннат дарвозасин қошига боргил.
Икки найса савобни сен топишга шайлан,
Майли, йиғла, илтимос қил, майли, ёлборгил!**

И я г и т

Елбормасман, йяғламасман, бу қандайин гап,
Бошқалардан савоб олсам гуноҳим учун.
Майли, кетай дўзах сари ҳеч тортмасдан тап,
Мангу азоб чекмоққа ҳам етади кучим.

Т а р о з и б о н

Кўп қайсарлик қилма, иним, бу азоб боқий,
Фоний дунё азоби ҳам сенга етарли.

И я г и т

Менга яна нечук керак ўзгалар оқи,
Қаргини ўзи бор экан-ку, анча айтарли.

Т а р о з и б о н

Ҳар кимдан ҳам сўрамассап, албатта, савоб,
Сен деб ким ҳам роҳатидан кечар, укажон.
Сен отангни ва онагни кўрарсан шу тоб.

И я г и т

Мен уларни кўраманми?

Т а р о з и б о н

Мен айтсам, ишон!

И я г и т

Оҳ, фалакнинг юлдузлари, чақнап тобора!
Фарингалар, бахтимасияз мен каби алҳол.
Мен дўзахда ёнай, майли, лекин бир бора
Мен уларни кўражакман, бу нечук висол?!

Т а р о з и б о н

Ҳа, кўрасан, лекин шуни унутма асло,
Аҳволингги баён қилгин фарзандларга хос.
Зора улар илтижосин тинглаб таоло,
Жаннат йўлини сен учун ҳам кўрсатса рўй-рост.

Й и г и т

Раҳмат сенга, холис хилқат, олиҳиммат зот,
Сендайларни яратибди — тангрига шукур.
Менинг учун бу йўригнинг олий мукофот,
Ота-онам висолини кўрайин бир қур.
Лекин билгил, мен уларга арз этиб бешак,
Савоб сўраб йиғламасман, кечирсин худо.
Ўзларига етмас балки, менга васл керак.
Балки қайта кўришмасмиз, хайр, алвидо!
Менга висол керак фақат.

(чиқиб кетади)

Т а р о з и б о н

Ҳой, яна ким бор?

Парда.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Аросат яланглигида йигит ёлғиз ўзи.

Й и г и т

Умрим ўтди сарсонликда, саргардошликда.
Яхши-ёмоғи замонларни кўриб келдим мен.
Баъзан маъно топа олдим чин инсонликда,
Баъзан эса уни ерга уриб келдим мен.

Мана, ўша тарозибон, у-ку, фаришта,
Инсонлардан кўра юксак туражак-ку,
У зотга ҳам қийин экан бундақа ишда.
Кўзларида алланечук норизо туйғу,
Қийин ахир уларга ҳам, қалблари бордир.
Қийин ахир уларга ҳам — бордир кўзлари.
Фақатгина фармон берар оллоҳи қодир.
Лекин қалбни англамайди қизлар сингари.
Энди қайга борсам экан бу дашт, саҳрода,
Қайга бориб, падаримни кимдан сўрасам?
Билолмасман, ким дўзахда, ким арш-аълода...

Йигит қаршисида Ч о л пайдо бўлади.

Ч о л

Ҳа, йўл бўлсин, мулла йигит?

Й и г и т

Валлоҳи аъзам!

Ч о л

Кимсан, ўғлим? Йўлинг қайга, имонинг бутми?
Қадамнингдан подшоларнинг ҳиди келади?
Лекин энди ҳаммага бир тағригининг ҳукми,
Ким жаннати — ким дўзахи — ўзи билади.

Й и г и т

Ота, адам саҳросида йўлчиман танҳо.
Дўзахиман, худойимнинг ҳукмига кўра.
Марҳаматин дариг тутмай оллоҳим аммо
Висол учун руҳсат берди.

Ч о л

Эришсанг зора.

Ким билан сен учрашмоқчи бўлгандинг, ўглон?

Гар мен билан бўлса, қани гапир, тинглайин.

Агар қарзинг қолган бўлса — айтгин шу замон,

Ақча эмас, дуо билан майли тўлайин.

Й и г и т

Ҳеч кимсада қарзим ҳам йўқ, олди-бердим ҳам,

Гарчанд мени таламаган покас қолмаган.

Ақча учун икки дунё чекмасман алам,

Зотан унинг ўзи менда сира бўлмаган.

Ч о л

Хойнаҳой, сен бирор қизни кўрмоқчидирсан,

Қасам ичган бўлсанг керак икки дунёга?

Й и г и т

Оҳ, стажон, қанийди мен севилган бўлсам,

У қиз мени танимаган на ер, самода.

Ч о л

Унда кимни кўрмоқчисан?

Й и г и т

Ота-онамни,

Энди сўнг бор руҳларига бошимни эгсам,

Ч о л

Бузрукъоринг ким эдилар?

И н г и т

**Эл чеккан гамни
Даф этувчи бир зот эди, табибдир отам.**

Ч о л

**Шунақа де?! Отанг билан иккаламизнинг
Вазифамиз ўхшаш экан.**

И н г и т

Сиз кимсиз?

Ч о л

**Гўрков!
Шундоқ, гўрков, сенга айтсам, ҳар биттапгизим
Бу ерларга олиб келган икковмиз, икков.
У ўлдирган, мен бўлсам-чи, ўзинг биласан,
Ер остига жо қилганман отанг гуноҳин.
Кўп масхара қилишарди бизларни, билсанг,
Оҳ, тириklar қайдан билсин гўрковлар оҳин.
Менга, мана, жаннат ато қилди худойим,
Ҳолбуки мен одамларни гўрга тиқардим.
Гап шундаки, яхшиларни кўмганда доим
Туни билан ухлаёлмай йиглаб чиқардим.
Яхшилари бор, албатта, табибларнинг ҳам,
Ана, бири ҳамроҳ бўлиб юрибди менга.
Тузук одам, ҳа, чиндан ҳам жаннати одам,
Ана, ўзи келаётир, танитай сенга.**

О та яқинлашади. Даставвал у йигитни —
Ўғлини пайқамайди.

О та
(гўрков чолга)

Хўш, сгайви, йўлни энди жаннатга бошла!
(Ўғлига кўзи тушиб)

Манови ким? Тушимми, ўнг?

Й и г и т

Ота, отажон!
О, сллоҳим, бошимизга осмонни ташла,
Қайтдимиз-а, қайтмас дея ком олган замон!

О та
(Ўғли билан кўришади ва гўрков чолга)

Менинг пушти камарим бу, суюкли ўғлим,
Нуридидам васли учун тангрига шукур!

Ч о л

Ҳасратлашиб слинг, майли, мен кутай бир зум.
Кампирни ҳам кўрсайдингиз, бобойи тушкур.
Мен бефарзанд бир одамман...

Й и г и т
(гўрковга)

Раҳмат сизга, чол,
Ер бўлгуси сизга шояд абадий роҳат.

Ч о л
(йигитга)

Тангри сенга йўлдош бўлсин, майли, яхши қол!
Ҳамроҳимни халфа қилиб қўймагин фақат.

Ч о л узоқлашади.

Й и г и т

(бир неча дақиқадан сўнг)

Мендан рози кетгандирсиз ҳойнаҳой, дада,
Кимга фурсат берибди бу югурик олам.
Балъан имкон тополмадим, ростин айтганда
Мўъжазроқ бир тош қўйгандим қабрингизга ҳам.

О т а

Марҳумларнинг ҳурматини бажо этмоқлик
Тирикларга ибрат учун топилган бир йўл.
Мурдаларга нима керак? Фақат кафанлик,
Ўғлим, сендан мен розиман, розиман буткул.
Юрагингда асрадинг сен ота ҳурматин,
Мармартош ҳам қўйдинг менинг тепамга, бироқ;
Ким муносиб фарзанд бўлса, падар шавкати
Фиръавнининг эҳромидан бўлар баландроқ.
Бир қарил ётар эди менинг ёнимда,
Ўғли унинг тепасига қўйди улкан тош.
Бироқ бир кун иблис кирди ўғил қонига,
Ўғил бир кун тамасини айлаб қўйди фош:
Қабртошда ўзин исми ёзилмай қолмиш,
Сангтарошни олиб келди бир кун у нокас
Ва ўз исмин ўйдирди ҳам, бу савоб эмиш,
Йўқ, бу савоб аталмагай, манманлик холос.
Қабристондан ўтиб қолган бирорта кимса
Ҳашаматли мармар тошни кўриб қолган он
О, бу тошни қўйган фалон азамат деса,
Ота эмас, ўз обрўсин билган у инсон.
Кўрясанми, инсон зоти ўлимни ҳатто
Манманлиги учун рўй-рост ишлатмоқ бўлар.
Оқибати нима кечди? Етдию фано
Ҳаммаси ҳам йўқлик сари айлади сафар.
Мендан аввал шўрлик онанг ўтди оламдан,

**Мана, бугун кўрибсанки, ҳаммамиз фойий,
Бирор хабар борми, билмам, шўрлик онагдай.**

Й и г и т

**Сизни кўриб туришим бу — келганим они.
Тарозибон қошигача юрдик анча йил,
Унинг ҳисоб-китобидан сал аввал ўтдик.**

О т а

Энди жаннат қучоғига борармиз, ўғил?

Й и г и т

Йўқ, дада, мен дўзахиман.

О т а

Нимага? Нечук?

Й и г и т

**Қўйинг, бу ҳол янгиликмас мен учун, дада,
Олиб қўйган кўрннади жойимни биров.
Бу дунё ҳам олғирларга боқар экан-да.**

О т а

Қўйгин, болам, ҳазил қилма, қисмат беаён!

Й и г и т

**Бундан ортиқ қисмат бўлмас, ахир, дадажон,
Жазо учун жой бормикап дўзахдан ортиқ?
Энди менга барибирдир ер билан осмон,
Дўзах экан хизматимга берилган тортяқ.**

О т а

Не қплайин, айбламасман оллоқ даргоқин,
Гарчанд сенинг қисматингдан чекмоқдаман оқ,
Бор экан-да мен билмаган оғир гуноқинг.
Ўғлим, ахир пок эдинг-ку нур каби, эвоқ!
Сендан рози юрар эди каттаю кичик,
Гоҳи келиб розилигин менга айтарди.
Нечун энди дўзахисан? Нимага? Нечук?
Қайси покас гуноқини сенга ағдарди?

И н г и т

Ҳа, дадажон, ҳамма гап ҳам ана ўшанда.

О т а

Наҳот биров гуноқлари сенга ёзилмиш?

И н г и т

Ҳа, дадажон, ўзгаларнинг гуноқи менда,
Покасларнинг гуноқлари менга ёзилмиш.

О т а

Нима учун? Жойидами эс-қушинг, ўғлим,
Чалкаштириб қўймоқдасан ҳар хил гапларни.
Покасларнинг гуноқига жавоб берар ким?
Дейлик, биров зино қилса — сенга хатларми?
Тушунмадим мен сира ҳам.

И н г и т

Эшитинг, дада.
Сиз жавобгар бўлгандингиз беморларга.

О та

Рост.

Й и г и т

Сиз қанчалар қайғургансиз улар ўлганда,
Соғайганда бўлардингиз хурсанд беқиёс.
Вазифамга кўра мен ҳам табиброқ эдим,
Инсонларнинг руҳларига эдим жавобгар.
Руҳи мажруҳ нокасларни кўрсам, не қилдим,
Ўз тинчимни ўйлаб нари қочганман баттар.
Улар эса бамисоли қутурган итдай
Руҳимизга солар эди ғулу, қатагон.
Оқизаларни талар эди бижғиған битдай,
Бир пул бўлиб қолар эди номус, ор, виждон.
Ожиз қолған бечоралар айлаиб боши
Сиздан дори сўрар экан энди ўйласам.
Барисига мен кабилар айбдордир рости,
Мен жавога муносибман ўйлаб қарасам.
Аммо, афеус, энди қайта ўтмас одамзот.
Ўз умрини яшаб бўлди, йўқдир фойдаси.

О та

Ўйлантириб қўйдинг мени, бу қандай бедод,
Ахир ҳар бир ҳукм жорийинг бор қондаси.
Сен ўз қўлинг етгунча иш қилар эдинг,
Бошқасига қолар эдинг ахир ноилож.
Сен ўзинг ҳам бошқалардан ҳам кўрар эдинг,
Йўқ эди-ку, ўғлим, сенда салтанат ва тож.
Наҳот энди ҳаммасига сен жавоб берсанг,
Ахир ўзинг покдомонми — шунинг ўзи бас.
Игволарга балогардан бўлардинг, билсанг,
Наҳот ўша савобинг ҳам бўлибди абас.
Абдулатиф гуноҳи ҳам сендадир балки,
Кечир мени парвардигор, ўзингсан ҳакам.

Й и г и т

Дада, худо бошқармаган ҳеч қачон халқни,
Ихтиёри берган эди лекин чинакам.
Кимларнидир йўлдан урган ҳазрати ша
Кимларнидир бандам деган тангри таоло
Шайтон гапин муридлари бажарган обдон.
Худо йўлин бандалари унутган гоҳо,
Ҳамма бало ана шунда, қодир гаффор,
Уша нўноқ бандаларни кечирмас ҳеч бир.
Парво қилманг, дадажоним, баҳона бисёр,
Қисматдир бу, қабрда ҳам тузалмас букур.

О т а

Хўш, бу ёғи не кечади?

Й и г и т

Дўзах — надомат,
Лекин сира андуҳ чекманг мен учун, дада.
Қийноқларни кўп кўрганман аввал ҳам, фақат
Икки пайса савоб етмай қолди жаннатга.

О т а

Етим қолдим ёшлигимда мен ҳам отамдан,
Одамларнинг эшигида санқидим итдай,
Ҳатто дўзах лол қотарди мен чеккан ғамдан,
Лекин шайтон йўриғига юрмадим қитдай.
Урушларда бўлдим қанча, ўлмаган жоғим,
Пешонамга ёзган экан фарзанд, оила.
Сизларни деб бутун умр югурдим, ёндим,
Фоний умрим яшаб ўтдим ташвишлар ила.
Имонимни бутун қилиб оллоҳ серкарам
Менга жаннат дарвозасини кўрсатди, шукур,

Оҳ, учма-уч келган экан савобларим ҳам,
Лекин сенга икки пайса бераман.

И и г и т

Ҳеч бир.

Етти қават ер қаърига тиқса ҳам тангри,
Мен дадамни жаннатдан ҳеч қилмасман жудо.
Кечир мени, дадажоним, бонсе сафарим
Васлингиз-чун келган эдим, хайр, алvido!

О т а

Йўқ, йўқ, тўхта!

И и г и т

Хайр, отажон, уринманг бекор,
Сизни йўлдан қолдирмайин, гарчи кетгум йўқ.
Бу айрилиқ мангуликдир, оҳ, на чора бор,
Тангри ҳукми ҳар нарсадан олий ва буюк...

И и г и т узоқлашади

Парда

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Жаннатдаги гоят гўзал қаср. Бу қасрда О н а
истиқомат қилади. Атрофида фаришталар.

Ф а р и ш т а л а р т и л о в а т и

Парзардигор шафқатни

Ихтиёр этди.

Ўн саккиз минг оламни

Йўқдан бор этди.

Бағдасига билдириб
Кўнгилларини,
Тайни этди пайғамбаря —
Расулларини.
Ҳазрат Одам шу тахлит
Фасона бўлди.
Малойиклар Одамга
Шарвона бўлди.
Тўйсин боқий фароғат
Ушбу ховага.
Раҳмат нури даставсал
Мушфиқ снага.

О н а баланд тахтада.

О н а

Бир даҳшаттин сезаётир юрагим тайин,
Безовтаман, безовтаман анчадан бўён.
Гарчаид жаннат оромига ноил бўлмайки,
Нимагадир юрагимда гашлик ҳукмирон.
Тавба, нечук ҳасрат экан меннинг ҳасратим,
Сиз зоти икки дувё наҳот тинчимас.
Тутилганда то сўнги дам фарзанд қисмати
Сизларнинг қисматига бўлганми пайваст...
Нуриқийдам қайда эман? Ким ҳам биларди...
Ҳа, оллонинг даргоҳи кең, шаҳри ҳам катта,
Имкон борми? Уни қандай кўряб бўларди?
Найда бўлса, келар эди ўзи, албатта.
Дайди бўлиб ўсмаганди, ўғлим, ҳар қалай,
Куттирмасди, узоқ қолса мақтуб ёзарди.
Бу ерда-чи, кўришмоқ йўқ, афсус, на қилай.
Бу ерда йўқ, бироз билан бировининг дарди.

Ҳ у р қ и з югуриб қиради.

Ҳ у р қ и з

Қутулмадим, қутулмадим, шулардан, эвоҳ,
Ҳар қаерда бир гўр экан бу йигит зоти.

Ф а р и ш т а

Илакишиб қолдимн бирорта арвоҳ?
Сақат, фақат нолиб ўтган бунинг ҳаёти.

Ҳ у р қ и з

Нолимайми? Ҳур кетсам-да боқмасдан, маш,
Маҳрамликка келтирдилар, жаннат беҳуда.
Сабаб нима? Сабаб — феълнинг енгил дерлар, қа,
Ҳақиқатни тополмасдан куйганиман жуда.

О н а

Не гап, қизим? Безовтасан, нима гап ўзи?

Ҳ у р қ и з

Йўқ, йўқ, бекам, афв этмигиз, шунчаки бир гап,
Ногаҳонда тушди менга номаҳрам гўзи.
Бу ерда ҳам бор шекилли бир хотинталаб.
Остонада ўлтирибди мерогланиб у.
Гап сўрасанг, алланечук дудуқланади.
Танлар эдим, сизни дейди, шундай дейди-ю,
Тулуғини ичга ютиб ҳам суқланади.

О н а

Балки бирор танишингдир, балки бир Мажнун,
Балки менинг ўғлим каби куйган бир йигит?

- Ҳ у р қ и з

**Танимасман, кўрмаганман, ёт у мен учун,
Балки бирор дўзахидир, шилқим, бесубут.**

О н а

**Ким экан у? Бу қасрда қандоқ иши бор?
Номаҳрамлар нечун бу ён қилибди журъат?
Ҳар хил девлар кезар бунда, қўлида чўқмор,
Лекин қадам босмас эди бандаси фақат.
Балки бирор ўткинчидир, балки, эҳтимол...
Шундақалар бўларди-ку у дунёда ҳам.
Элимизда яхши одат бор эди, алҳол,
Мусофирлан аҳвол сўраш савоб чинакам.
Чақирингиз!**

Ҳ у р қ и з

**Бекам, ахир мумкинмас сира,
Эркак зоти бу қасрга қадам босмагай!**

О н а

**Мен — инсонман! Агар инсон бўлса бокира,
Иблисларнинг қутқусига қулоқ осмагай!
Тагин шуни унутмангки, унвоним — Она!
Юрагимда не кечишин билолмассиз сиз.
Сиз-ку ахир эртаю кеч менга парвона,
Буйруғимдан ўзга бир иш қилолмассиз сиз!**

Ҳ у р қ и з

**Йўқ, бекачим, бу шунчаки юзаки хизмат,
Аслида биз интизомга посбонмиз атай.**

О н а

Шунақами? Кўп галати экан-ку жаннат,
Посбонбоши келганида бу сирни айтай.

Ҳ у р қ и з

Йўқ, бекачим... мен шунчаки чалғидим гаплаи,
Истасангиз кира қолсин... майлига.. маъқул.
Лекин фақат гап тегади.

О н а

Кимнинг тарафдан?
У ниқобда кирсин, майли. Хоҳшимдир шу!

Ҳ у р қ и з чиқади.

Не қилардим? Ҳар қайда ҳам нуқтаи низои,
Жаннатнинг ҳам бор шекилли ўз йўсинлари.
Ўғлим нолиб айтганидай, пойлайди мудом
Маҳаллада чойхоначи кўса сингари.

Ҳ у р қ и з йигитни ниқобланган қолда
олиб киради.

Ҳ у р қ и з
(йигитга)

Ниқобингни оча кўрма, йўқса бу зотнинг
Куйиб кечар савоб билан толган дувёси.

Ҳ у р қ и з чиқади.

Й и г и т

Оҳ, у қандай зот эканки, ўртар саботни,
Ниқобдан ҳам ўтаётир унинг зиёси.

Ф а р и ш т а

У — онадир, бандаларнинг ибтидосидир,
Унга ҳурмат жоиз эрур икки дунёда.
Унинг меҳри самовотнинг илк садосидир.
Шу боисдан ғалат ҳислар кўзгар одамда.

Ф а р и ш т а л а р т и л о в а т и такрорланади.

Й и г и т

(тиз чўкиб)

Рухсат айланг, о, буюк зот, тиз чўкай сизга,
Ҳар хил чучмал тавозедан йироқман гарчанд.
Ногаҳонда кириб қолдим ҳузурингизга,
Онасиз, мен фарзандингиз ўрнида фарзанд.

О н а

Етар, етар, тур ўрнингдан, олижаноб зот,
Балки кекса мураббийсан, падарсан буюк.

Й и г и т

Ким эсак ҳам барчамизга бергансиз ҳаёт,
Онаси бор ҳар қандайин зотнинг ҳар нечук.

О н а

Ҳа, барчасин тушунаман, онаман, тўғри,
Лекин буни англамади одамзот тугал.
Она ўглин ардоқлар, у бўлса ҳам ўғри,
Лекин фарзанд она қалбин уқмас ҳеч маҳал.
Ер юзида жанглар кечди, қаттиқ, қатагон,
Оналарнинг дийдасидан оқди қоили ёш.
Унутмангки, мойил бўлса жангларга ўғлон
Она қалби шу қадарли тортади юбош.

И г и т

Номукаммал эди замин шу сабабдан ҳам,
Неча-неча зотлар унда ахтаришди йўл.
Лекин ажиб тароватли эди у олам,
Жуда қийин тирикликдан узмоқлик кўнгил.

О н а

Шундоқ гаплар айтар эди ўғлим ҳам доим,
Эсимдадир, сўнгги нафас топширардим жоң,—
У деб эди: «— Яратибди бизни худойим,
Начораки, унинг ўзи қилади найҳон.
Сабр қилинг,— дер эди у,— бўлняг мардона».
Ажиб қувват олган эдим таскин сўзидан.
Сабр қилинг, дер эди-ю, лекин хуфёна
Ўқрарди, ёш тирқирарди унинг кўзидан.

И г и т

(четга)

Во ажабо, онамни ҳам худди шу тахлит
Сўзлар билан, кузатгандим боқий дунёга.

О н а

У ҳаётни севар эди босиқ ва собит,
У топиниб яшар эди нурга, зиёга.
Фоний дунё азобларин у татиб кўрди,
Иғволардан тилка бўлди гоҳида дили.
Қайда ҳасад уруг қўйса, билдингки, дерди,
Уша жойда баланд бўлгай иғво ҳосили.
Елгиз эди дунёда у, лекин чинакам
Елгизлатиб қўйган эди ҳаёт бешафқат.
Дерди мудом: «Бу дунёнинг доим бири кам,
Орзу билан яшаб ўтар одамзот фақат».

И г и т
(сергакланиб)

Ким эди у?

О н а

Ким бўларди бундақанги зот?
Ё бир дарвиш, ё бир олим, ё шоир ахир.
Шоир эди менинг болам, соҳиби ижод,
Қисматни ўйлаб тун-кун ўртанар багир.

И г и т
(четга)

Қодир эгам, сўнги бора сабот бер ўзинг,
Дариг тутма бардошингни мендан баногоҳ.
Чора қайда? Сўнги дафъа ниқобда юзим
Ролидамга дуч келишни ўйлабмидим, оҳ,
Чора қайда?

О н а

...Ғалат гаплар айтарди гоҳо,
Эсимда бор эркаланиб деганди бир гал:
«Ҳар бир зотга ёдгорлик бор, мен бўлсам аммо
Ўўяр эдим «Яхши Одам» номли бир ҳайкал.
Сабаб шулким, яхши одам азиздир, ноёб,
Сайёралар тўпи ичра қуёш мисоли.

И г и т
(четга)

Оҳ, онамнинг ҳузурнда турибман шу тоб,
Ёзмишимда шундоқ экан унинг висоли.
Аҳволимни баён этсам кул бўлар куйиб,
Бекор бўлиб кетажакдир топган жаннати.
Дийдорига боқолмадим бир бора тўйиб,
Ўзини ҳам ўртаётир ҳижрон кулфати.

(онага)

Бовар этинг сўзларимга она, онажон,
Жаннат руҳин туймоқдаман суҳбатингизда..
Гар қоида кўтарса-ю, изн этса осмон
Бўлар эдим алал-абад хизматингизда.

О н а

Кимсан ўзи? Қандай зотсан? Аён эт, ёраб,
Илтижойинг юрак-бағрим юборди эзиб.
Сўзинг тинглаб ва шикаста бастингга қараб
Она қалбим ниманидир турибди сезиб.
Ким билади, сен сингари ўғлим ҳам бу кун
Қайлардадир кезиб юрар овора, сарсон.
Жаннатдами, дўзахда у — мубҳам мен учун,
Лекин мени она дединг, демак — фарзандсан.

И и г и т

Она дедим, чунки ахир онасииз, она!
Сиз ҳам ахир оналикдан тона билмассиз.
Мени болам деilverнинг дилдан, росмана,
Гарчанд фарзанд дийдорига қона билмассиз.

О н а

Нетай, ночор аҳволингги турибман кўриб,
Нетай, бунда турли найранг ўйлаб топарлар.
Узларининг рухсорларин очиқ қолдириб,
Сендайларнинг юзларига нққоб ёпарлар.
Ким эканинг ноаёндир менга бу фурсат,
Билмасман ҳеч — мақсадинг не? Мурудинг нима?
Олаговур ичра ҳозир дўзаху жаннат,
Кимлигингни истасаи — де, истама — дема.

Й и г и т

Мен ўткинчи бир кимсаман, муҳаббат боис
Ногоҳ тўхтаб ўтган эдим остонангизда.
Мен хуш кўрган, ammo лекин ҳур кетган бир қиз ;
Хизмат қилиб юрар экан ишонангизда.
Севар эдим мен бу қизни қизгин дил билан,
Барбод этган ниятимни лекин сарҳадлар.
Мендан аввал дўстим унга ошуфта бўлган,
Кўришмадим, ёздим фақат турфа-хил хатлар.

О н а

Ҳа, ҳур қизнинг у дунёси қорадир бутун,
У қисматга бўй бермаган, қисмат бунга ёп.
Бегонадан хуфя совға олгани учун
Бўғиб кетган буни бир кул бўлажак куёв.
Ҳа, ҳар кимнинг ўз дарди бор, мен бўлсам, макъ,
Кимни кўрсам фарзандим деб хаёл қиламан.
Маъзур тутгин, каловлансам, мен ахир она,
Жаннатда ҳам болам дея сочям юламан.

Й и г и т

На чора бор? Оналарнинг йўриғи шундоқ,
Мана, менда икки пайса етмас жаннатга.
Аҳволимни деёлмадим онамга бироқ,
Савоб керак ўзига ҳам ахир, албатта!

О н а

Онанг билан кўришдингми?

Й и г и т

Жаннатда онам,
Лойиқ қаср ато этмиш парвардигорим.

Менинг учун тирикликда у чеккап алам,
Етиб ортар шу бонедан йўқ зўру зорим.

О н а

Савоб керак барчага ҳам ҳалол, бефириб,
Мапа, менинг савобларим учма-уч экан.
Лекин уни кўрсайдим гар, савобим бериб
Дўзахга ҳам кетар эдим, кечирсин эгам.

И н г и т

Ҳамма гап ҳам ана шуида, олло серкарам,
Қўш яратмиш чора ила бечора сўзин.
Офтобсиз-ку маҳв бўларди зулматда одам,
Аммо тика олмасди ҳам офтобга кўзин.
Мен отамни кўриб қайтдим, отам, хайрият,
Ноил бўлмиш фароғатли жаннат волига.
Ҳосил бўлди, иншоолло, дилдаги кимат:
Мен уларни кўрмоқчийдим — кўрдим аслида.
Бошим оққан томон энди кетарман гирён,
Мен сизгари чорасизлар изғиб юрибди.
Ғовур итра тўғтарилиб ётибди жаҳон,
Биздайларни эса дўзах кутиб турибди.

О н а

Қандоқ мадад берсам сенга? Ушбу маъвода
Кўз ёшидан бўлак ишга етмайди кучим.

И н г и т

Йўқ, опахон, алам чекманг, нурли дунёда
Яшанг, майли, дуо билан барчамиз учун.

Ҳ у р қ и з киради.

Ҳур қиз
(*йигитга*)

Бўли энди, тарк этингиз ушбу қасрни,
Посбонбоши келиб қолар, кун огаётир.

Йигит
(*четга*)

Абадиян олиб кетгум, оҳ, ушбу сирни,
Юрагимга ҳеч ёришмас тун огаётир.

(*Онага*)

Сизнинг билан видолашмоқ оғир нақадар,
Биздайларни кўп кўрган гар бу кўҳна дайр.
Энди сизга сўнгги сўзни айтай мухтасар:
Қуллуқ сизга, онажоним, алвидо, хайр!

Она

Тўхта, тўхта! Менда ҳам бор сўнгги илтижо,
Нинқобингни бир зум олган, эй яхши одам!

Йигит

Йўқ, онажон, йўқ, онажон, мумкинмас асло,
Оналарнинг ҳаққи эрур роҳатбахш олам.

Она

Не ҳам дердим, нотанишсан сен менга зеро,
Одамларни ўхшаш қилиб қўяркан замон.

(*Ҳур қизга*)

Кузатингиз ушбу зотни.

(Йигитга)

Энди элвидо! Ҳ?

Й и г и т

Алвидо, эй меҳрибоним, хуш қол, онажон!

Ҳ у р қ и з й и г и т н и кузатиб чиқади.

О н а

Маҳбус каби туравериб ушбу қасрда
Балким фаҳмим ўтмаслашган, толиққан руҳим.
Ким бўлди бу ажиб одам? Ким у аслида?
Шунчаки бир ўткинчимми? Ким бўлди у? Ким?
Нимагадир таитмади ўзин, ҳар қалай,
Юрагида дарди тўла, аламзада зот.
Мурожаат қилди менга она деб атай,
Енган дилим қайта бошдан ўртади, ҳайҳот!

Ҳ у р қ и з киради.

О н а

(Ҳур қизга)

Кузатдингми?

Ҳ у р қ и з

Ҳа, кузатдим, эсин қўйган еб,
Тушунмадим, муроди не? Қанақа дарди?
Иккинчи бор видолашдим онам билан деб,
Катта йўлда дабдурустдан йиглаб юборди.

О н а

Нима? Нима? Чақир уни, қайтаринг зинҳор,
Оҳ, жаннатинг поймол ўлсин, бошимга етди!

Ҳ у р қ и з

Фурсат ўтди, энди уни ахтармоқ бекор,
У улкан бир издиҳомга қўшилиб кетди.

(Она ҳушидан кетади)

Ф а р и ш т а

(Ҳур қизга)

Нима қилиб қўйдинг ахир, ҳой, иблис қизи,
Бечоранинг жаннатини қилдинг-ку абас.
Бежиз сени енгилтак деб айтмаган ўзи,
Йўқса ҳозир сирни очмоқ шартмиди, покас!

(Зулмат чўкади)

Парда.

Т У Р Т И Н Ч И К У Р И Н И Ш

Дўзах дарвозаси олдидаги улкан ҳандақ.

У с п и р и н ва Қ а р и я пачакилашиб турган
бир ҳолат.

У с п и р и н

Талантлияман!

Қ а р и я

Талантлисан!

У с п и р и н

Такрорла тағна!

Қ а р и я

Қуни бўйи такрорладим, етмасми, бўтам,
Елвораман, бир оз тигич қўй, шафқат айлагин.
Худодан қўрқ, чол кишини қийнама кўнам.

У с п и р и н

Биласан-ку, азалийдир бизнинг бу жанжал,
Бир томондан вакил сенсан, бир томондан мен.
Ҳозир сени бўгажакман, чунки менда гал,
Навбат етгач, ҳунарингни кўрсатгайсан сен.
Талантлиман!

Қ а р и я

Талантлисан!

(Успирин қарияни бўга бошлайди)

Қўйвор, ҳой кофир!
Аҳли инсоф, ёрдам беринг!

У с п и р и н

Бақир, ҳа, бақир!
Кўрамиз, хўш, қани кимнинг таланти баланд.

Қ а р и я бақира бошлайди. Й и г и т кириб
келади.

Й и г и т

Кимдир бунда Исрофилнинг суридан орғиқ
Қиёматни қойим қилиб додлаётган зот?!

(Уларни ажратиб, ўспиринга)

Ҳой, инсофнинг борми ўзи, бу нима қилиқ,
Безонг тенги бир чолни-я? Қўйвор, ҳой шаддод!

Успирин

(Йигитга)

Дўзахда ҳам тарбиячи пайдо бўлдимми?
Вонэмисан, нима бало, тавбангдан кетай!

Қария

(Йигитга)

Кўриб сен ҳам атворига кўнглинг тўлдими,
Лекин навбат буниқидир, чидайман, нетай.

Игит

Ҳеч нимани тушунмадим.

Қария

Ҳа, сенинг демак,
Соҳанг бошқа ё дунёдан гофилсан буткул,
Тараққиёт тимсолидир бизларнинг юрак,
Неча минг йил тортишамиз мен зўр деб нуқул.

Игит

Ингиштириб қўйсангиз-чи, бу ишларни сиз,
Чол кишисиз, ярашмайди сизга бу савдо.

Қария

Нложи йўқ, навбат билан тортишамиз биз,
Тангри бизга шул жазони кўрибди раво.
Кимдир айтиб кетган экан: ҳасад деган дард
Энг аввало ўз эгасин кемиргай деб. Рост!
Менга сира кун бермайди мана бу номард,
Еш бошига классикман дейди-я паққос.
Ҳозир унинг навбатиёди, мени у бўғди.

И и г и т

Сизнинг навбат келганида не қиласиз, хўш?

Қ а р и я

**Не қилардим, оғзи бурни аралаш тўғри
Булгалайман ва ҳоказо, кўнглим жуда бўш.**

И и г и т

Е алҳазар! Шунча хорми инсон деган ном.

Қ а р и я
(ўспиринга)

**Ҳой, юр дейман, тарихни бу тушунмас экан,
Юр, четроқда ишимизни этайлик давом.
Билиб қўйгин, ҳозир меннинг навбатим етган!**

У л а р четга чекинадилар.

И и г и т

**Инсон зоти, сени недан каминг бор эди?
Сенга тангри берганди-ку тафаккур, имон.
Замин, ҳаво — бари сенда барқарор эди,
Нечун дилдан инсоф ҳиссин айладинг гумдон?
Ахир сен ит эмасдинг-ку, беланиб лойга
Вир-биригини гажисанг то суяк талашиб.
Сампмият қайда эди, тафаккур қайда,
Луғатингда гар бу сўзлар ётди қалашиб.
Ҳасад, иғво қайдан кирди шўрлик каллангга,
Қайдан сени чулғаб олди худбинлик, куфр.
Нечоглик сен ширин эдинг гўдаг: паллангда
Ва нечоглик балчиқ ичра кечирдинг умр.
Майли, кўкда камайса ҳам бирорта юлдуз,**

Ерда битта яхши одам кўнайса, дердим.
Инсон учун асли кураш экан-ку жоиз,
Ҳа, дўзахи эканман мен, ўзимдан кўрдим.

К и м с а ҳовлиқиб келади.

К и м с а

Қутқаз мени, ўн беш минут гапимни тингла,
Йўқса ҳозир келиб қолар менинг қушандам.

Й и г и т

Оҳ, бечора, ҳовлиқмагин, ўзингни ўнгла,
Шўрпешона бир кимсасан билсам-билмасам.

К и м с а

Бир зўравон мени сира ҳолимга қўймас,
Топширгашлар мени унинг ихтиёрига.
Шафқат дегая нарсани ҳеч билмайди нокас,
Қунда бир бор пишиб олар сассиқ дорига.

Й и г и т

Қандай дори?

К и м с а

Билмайсанми? Янгисан демак,
Бир ўрага тиқиб олар азиз бошимни.
Ун беш минут сўзлаб олай, чорам йўқ бўлак,
Ҳисобга ол касалимни, кўзда ёшимни.

Й и г и т

Жўш, нимаши сўзлагайсан?

К и м с а

Ёмонлайман, бил!

И н г и т

Нима, нима?

К и м с а

Уқмадингми? Иғво қиламан!

И н г и т

Хўш, сен кимни ёмонлайсан?

К и м с а

Менга барибир.

Иғво қилиб ўз дардимга шифо қилман.

Пайғамбарни, худоми у, инсонни, шайтон —

Мен ажратиб ўтирмайман, демократман чин.

Гўл экансан, каллаварам, галваре ва нодон,

Одаммассан, токи менга тушмабди ишинг.

И н г и т

Сендақалар қайда ўсган билмадим асло,

Шу ерда ҳам ҳунарингни қўймабсан, шўрлик.

К и м с а

Нега қўяй? Узи шундоқ яралган дунё,

Биров косиб, биров дўхтир — касб-кор турлик.

Ростин айтсам, бир сен эмас, ҳамманг ҳам пўкка,

Икки дунё ҳақиқатга ўзимман нозир.

Тарозибон устидан ҳам хат ёздим кўкка,
Олагасир, текшир-текшир у ерда ҳозир.

И и г и т

Ҳа, юмушинг оғир экан.

К и м с а

Нимаси оғир?
Ота-онам орасини бузганман ҳатто.
Бир-бирини заҳарлашиб ўлганлар охир.
Қайнонамни эса эсдан қилганман жудо.
Зир титрарди мени кўрса ҳатто тожу тахт,
Ер юзида сарҳад билмай даврон сурганман.
Хўш, жаннатинг немза бўпти? Бузуқ бир хилқат.
Унда пора оляшганин ўзим кўрганман.

И и г и т

Бас қил, нокас, бас қил нокас, муродинг сўйла,
Йна қандай касалинг бор игводан баттар?

К и м с а

Касалимми? Оғир касал, танангга ўйла,
Тек турсам гар бор вужудим тинмай қичишар.

И и г и т

Йўқол бу қан лаънати зот!

К и м с а
(кетаёғиб)

Айниди бу ҳам,
Иншоолло, яқин кунда тентак бўлады.

Бир бор ўлса Азройлнинг қўлида одам
Каминанинг дастларида икки ўлади.

Парда.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Дўзах қопқаси олдида
И г и т

Ҳали дўзах қопқасидан ичкари кирмай
Сстонада шунча савдо бўлса-я, ёраб!
Умрим ўтиб кетибди-да, ҳеч нени кўрмай,
Тарозибон айтганидай, кўрмабман қараб.

О в о з

Аҳли нокас, тингла, тингла! Ҳозир барингни
Ахлат ўра эшигига ҳайдаб йиғаман.
Ким яширган бўлса менинг игволаримни
Ўзини ҳам ўша жойга бирга тиқаман!

Д ў с т кириб келади.

Д ў с т
(йигитни пайқамай)

Қайдадир у, йигит умрим куйдирган суллоҳ,
Бошимга у не кунларни ахир солмади.
Менга роҳат бағишлайди уни қийнамоқ,
Чунки менга ўзга юпанч энди қолмади.

(Йигитга кўзи тушиб)

Ие, ие, бу сенми... ё... ё қудратингдан!

И н г и т

Сен ўзинг-чи? Ўзингми, ё мавҳум ниятона?!

Д ў с т

Минг розиман, парвардигор, бу нусратингдан!

И н г и т

Оҳ, бормисан, биродарим, дўстим ягона!

Кўришадилар. Жимликдан сўнг

Д ў с т

Шунақами? Дўзах дегин. Шундоқ бўлдим?..

Й и г и т

**Шундоқ бўлди. Мана сенга сўнгги хулоса!
Ўйлағаймиз на тириклик ва на ўлимни.
Қисмат билан на низо бор ва на муроса.**

Д ў с т

**Неча замон бу хилқатда кездим тентираб,
Қолгани йўқ мен кирмаган биронта пучмоқ.
Ҳатто жаннат қошига ҳам бордим муқаррар,
Учратмадим, тополмадим мен сени бироқ.
Ва сўнг тангри марҳаматин адо этай деб
Иввогарни тоғиб олдим бу ердан ахир.
Эрмагим шу, жазолайман алашим ортиб,
Кўп нолойиқ ишлар билан машғулман ҳозир.**

И г и т

Тентирадим ўшанча вақт мен ҳам тахминат,
Ота-онам васлига ҳам етишдим ҳатто.
Оқибатда лоқайд бўлиб қолгандим чиндан,
На дўзаху на жаннатга бор эди парво.
Ҳа, тангрига айтай энди мен ҳам шукурни,
Ҳасратдошмиз, мана энди, шерикмиз, ҳамдам.
Икки пайса савоб боис кўрдим кўп ерни,
Олганим йўқ аммо уни ота-онамдан.

Д ў с т

Сенинг айбинг нима экан? Гуноҳинг қай кил?

И г и т

Гуноҳимми? Одамзотга ортқ ишонмоқ,
Шу бовсдан икки пайса етмади сабил,
Тарозибон дашном берди, у ҳақдир бироқ.

Д ў с т

Нимасига ишондинг сен одам бодасин!
Айт-чи, унинг қай хислати сени этди ром?
Йиғлаб туриб, сева туриб, дейман, тингла сен,
Ишонмадим инсонга мен, тамом, вассалом!
Осмондаги юлдузларни мумкин санамоқ,
Аммо инсон феъл-атвори борми поёни.
Сенга доим нима дердим, эслагини ўртоқ:
Хайл билан безаб бўлмас асло дунёни!
Эсингдами, қутқазгандинг мени иғводан,
Йиғиштириб олмасимдан ҳали ҳушимни,
Маҳкаманинг котибаси тўсиб дафъатан
Тилаб олди оғзимдаги тилла тишимни.
Иғво, найранг, ҳасад, гийбат — булар барисм,
Оҳ, азизим, очолмади кўзингни наҳот?!

**Сенга вафо қилдим, хўш, илҳом париси,
Жаннат ато қилдим ё «гўзал» кoinнот?!**

И и г и т

Тугатдингми?

Д ў с т

Нимаиди, хўш?

И и г и т

Ўзинг-чи ўзинг?

Ғалва билан не ортгирдинг? Айбинг не экан?

Д ў с т

**Ҳа, ўйлашга мажбур этар сенинг бу сўзинг,
Ишончсизлик бўлди менинг бошимга етган!
Тарзибон рошпа-роса бир кун ўлтириб
Кўз олдимда қилмишимни чўтига солди.
Ишонмайсан менга ҳам деб, писанда қилиб,
Дафтарига қўл қўйдирди, тилхат ҳам олди.**

И и г и т

Сенга қанча етмас экан?

Д ў с т

**Икки лайса, ҳа,
Етишмаган менга ҳам шу маънавий томон.**

И и г и т

**Янгилашибмиз иккимиз ҳам нозик нарсада,
Чунки кесон ўз номи-ла Ҳазрати Инсон!**

Д ў с т

Ҳазрат Инсон деганинг не? Қуруқ сўз фақат!
Мен ҳам инсон, сен ҳам инсон, у ҳам инсон-ку!
Эса қайда ҳазратга хос бирор фазилат,
Булар бари биз тўқиган оддий лисон-ку!

Й и г и т

Ишонмайсан, демак, шулдир ақиданг тугал,
Сени ким деб атасак, хўш, одамзот учун?

Д ў с т

Ишончингми поймол қилиб қўярлар аввал,
Сўнгра уни қайта талаб қилмоқлик нечун?
Сд, азизим, мени асло ёвуз деб билма,
Мен ёвузлик қурбониман, қалбимда алам.
Ушбу ғалат нисбатимдан тагин сен кулма:
Ўра берсанг ғазор тортар энг юзош ит ҳам.

Й и г и т

Яшаб ўтдик тирикликнинг тунд саҳросида,
Масалан, бир набототдек, бир чечак мисол.
Яшнадик гоҳ баҳорларнинг хуш ҳавосида,
Бандимизни букиб кетди гоҳ ёвуз шамол.
Жамн инсон борасида менинг бул сўзим;
Уйлаб қара, тарихда бор ибрат доимо:
Не-не зотлар гар ўзлари топса ҳам тўзим
Одамзотга кўрмаганлар ёмонлик раво.
Эзгуликнинг йўли оғир, сергалва гарчанд,
Юксакларга кўтаради соҳибин бироқ.
Майли, менинг руҳим синиқ, хаёлим парқанд,
Ҳис қилурман эзгуликнинг офтобин порлоқ,
Асабларим қақшаб кетди, ростини айтсам,

Жаннат, дўзах галвасидан бўлдим мен безор.
Дўстим, сенга бир ниятим изҳор айласам.

Д ў с т

Хўш, у қандай ният экан?

И н и я т

Рад этма, зинҳор.
Ҳозир икков кириб борсак, дейлик, масала,
Тўлармиди жаҳаннамнинг чексиз маскани?
Дўстлик ҳаққи, илтимосим эшит қатъий:
Олгин менадан етмаган шул икки пайсани!

Д ў с т

Нима? Нима? Эсинг бутми? Сенга не бўлди?
Эшитмадим гапингни мен! Қайтиб ол дарҳол!
Билсанг ҳозир кониотнинг бели букилди,
Оҳ, сарсонлик қуриб кетсин, чарчабсин адҳол.

И н и я т

Ғаним қатъий!

Д ў с т

Қуллуқ! Аммо сабр этиб бирров
Менинг айтар гапларимга қулоғинг тутгин.
Яхши-ёмон ҳикматларинг ўзингга сийлов,
Фалсафангни, азиз дўстим, бир зум унутгин.
Кимманки мен, ўз дўстимдан олсаму савоб,
Елғиз ўзим кетаверсам ўша жаннатга.
Ҳақиқатнинг мезонидир азалдан инсоф,
Ҳар нарсанинг ўз йўриги бордир, албатта.

**Эсингдами, Маҳшар бағрин роса оралаб
Фақат сени, фақат сени ахтардим дедим?!**

И н г и т

Дединг!

Д ў с т

Аmmo нима эди мендаги талаб?

И н г и т

Нима эди?

Д ў с т

**Мен қарзимни узмоқчи эдим!
Сўнги пайтда иғвогардан қилгандинг халос,
Ҳаётимга бахш этгандинг тинчлик, ҳаловат.
Яхшилигинг қайтаролмай қарадор эдим, рост,
Бўйнимда бурч, эзилдим то рўзи қиёмат,
Менинг учун икки олам бўлди бир чақа,
Биласан-ку, қиёмат қарз деган нарсани.
Тушун ахир, мени, дўстим, қулоқ тут гапга,
Савобим ол, сен ол мендан икки пайсанг!**

И н г и т

**Во ажабо, томошанинг қизиги чиқди!
Биласанми, тама захри куфрдан ортиқ.
Иғвогар-ку, ғазабингга ахир йўлиқди.
Лекин сенда қарзим бўлса — ол, сенга тортиқ!
Оғайнимдан икки пайса ўмариб шодон,
Мақтанайми падаримнинг олдида, қани?!
Аҳволимни тушун сен ҳам, баҳаққи имон,
Сен оласан мендан ўша икки пайсани.**

Д ў с т

Асло! Асло! Сен оласан!

И н г и т

Йўқ, йўқ, мутлақо!

Д ў с т

Сен оласан! Сен оласан! Охирги сўзим!

Тепада с а д о гулдирайди.

И н г и т

Тингла, дўстим, келаётир қандайдир садо!
Бирга ўсдик, бирга майли топайлик тўзим.

С а д о

Волидаю падарларга қуллуқ ва раҳмат!
Ташаккурлар бўлсин нурли инсон зотига.
Фикрингизни лекин бу ён бурунг бир фурсат,
Зеҳн солинг гапнинг асл тафсилотига:
Икки дўстнинг садоқати, меҳри, ҳиммати
Кониётнинг қадридан ҳам тургайдир баланд.
Ҳеч не билан ўлчанмайди дўстлик ғиммати,
Қулатгай у сарҳадларни қудрати билан.
Ҳикоятдан мурод, шулким, улуғ, муҳтарам
Дўсти содиқ насиб этсин ҳар кимга ҳар он,
Жаннат ато қилажакман иккингизга ҳам!
Жаннат йўли, мана, сизга очиқ, чароғон.

Атроф бирдан ёришиб кетади.

Парда.

ЕНЪЕ ХЕЛЪТАИ



Соқсв рицарь

Шеърый драма

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Петер Агарди
Селия
Беппо
Карлотта
Монна Меа
Жанетта
Матяш
Пьетро
Жонглер
Беатриче
Нарделла
Марцио
Тариби
Руҳоний
Зиндонбон
Даҳшатли Лайош
Жаллодлар

БИРИНЧИ КУРИНИШ

Монкольеридаги Селия саройининг иккинчи қаватдаги зали. Зал тўрида улкан дуб эшик — асосий кириш йўли. Унг томонда ҳам шундай эшик. Чап томондаги уч зина ёпиқ, кенг айвонга олиб чиқади. Уртадаги дераза ланг очик. Айвонда мўъжаз стол, кресло. Зал ўртасида катта стол. Атрофида стуллар. Чап девор томонда каттакон сандиқ. Улкан чўян қандил, шамлар... Зални қуёшнинг қирмизи нурлари ёритиб турибди. 1481 йил, аммо зал безаклари анча қадимий. Деворда авлиёлар портрети ҳамда Селиянинг марҳум эри сурати осиялиқ. Хонанинг саранжомлиги бу уй бекасининг дурустгина дидидан дарак беради. Селия ва унинг дугонаси Монна Меа залнинг ўнг бурчагида камин олдида кашта тикиб ўтирибдилар. Карлотта бекаси қошида, скамейкада ўтириб, калава чуватади, Жанетта айвондаги креслода кўчани кузатмоқда. Қисқа жимлик.

Селия

(каштадан бош кўтариб)

У ҳали ҳам шу ердами?

Ҳамма Жанеттага юзланади.

Ж а н е т т а

(бош ирғаб, мавхум)

Қайдам!

К а р л о т т а

Тонгданоқ

**Келишини канда қилмас, худо бермиш кув
Тура бериш жонига ҳам тегмайди мундоқ.**

Ж а н е т т а

Соя каби роса ўжар, иқболи нигун.

К а р л о т т а

**Қайда бўлмай ҳозирдир у, тайёрдир у ҳам,
Таъқиб этар эртаю кеч қадам-бақадам.
Хованишин ўтирмасам чора йўқ бўлак.**

М о н н а М е а

Ибодатга чиқмагандинг! У айбдор деман!

С е л и я

**Ва чиқмайман бундан буён. Биларсиз ахир,
Соя каби эргашар у изимдан тагин.
Уят, номус деган нарса йўқ унда тақир.**

Танрига у муҳаббат деб ёлборар қорғи.
Не деган гап унинг учун нажоткор Исо,
Мен азобда қовриламан, у-чи ёнимда.
Мен беозор тиловатни бошлайман, аммо
У термулиб галаёнлар қўзғар жонимда.
Хоч қошида юбинаман букиб тизларим,
У-чи, мендан узмайди ҳеч суқли кўзларин.
Хочнинг гамгин суратидан узаман нигоҳ.
Ҳаяжоним қачонгача яшираман, оҳ.

(қоронги чўка бошлайди)

М о н н а М е а

(хўрсиниб)

Ҳасад деган балодан мен йироқ эрурман,
Аммо шундоқ таъқибни мен ҳавас қилурман.

Ж а н е т т а

(ҳамон дераза олдида)

Кун ҳам ботди, ошиқ эса кутмоқда ҳамон.

С е л и я

(Бир оз ҳовлиқиб)

Тура берсин! Кун ботишин кузатгай ҳайрон,
Нега энди сен ишқибоз! У менга ошиқ.
Бас, Жанетта, тури берма балконда ортиқ.

Карлотта

Балкон тагин макон қилган эртадан то шом,
Қўлларини қовуштириб тура беради.
Оҳ чекади, воҳ чекади, мафтун батамом,
Ишқ оташин оғушида юра беради.
Кўзнари ҳам нигорондир...

Селия

(қатъий)

Карлотта, бас қил!

Карлотта

Кўзалари-чи, шундоқ яхши, шундоқ мафтункор,
Шахло кўзлар, назар солса — ҳасратинг бекор.
Шўрлик рицарь азоб тортар...

Селия

Уз ишингни бил!

(Карлотта жим бўлади, ича бошлайдилар)

Жанетта

Эртаю кеч шу ерда у, бечора ошиқ,
Ырорта сўз айтмоқликка қилолмас журъат.
Бурдоши ҳам маҳкамликда мармардан ортиқ.

Селия

Чидолмайман, юзларим ҳам ловиллар, уят!
Чидолмайман, қачонгача, о, парвардиягор.
Исканжага олар мени номус билан ор.

М о н н а М е а

Қаҳрияғия мен тушунаман.

С е л и я

(ловиллаб)

Нўқса нетайин!

Қайда бўлсам у ҳам келар албатта, тайин.

Ж а н е т т а

(Қайтиб тунади)

Ташвишини қилипсанми?

С е л и я

(жеркигандай)

Уиними? Асло!

Олижаноб ўз номини ўйлайман фақат.

Одамларнинг топганлари гўйбат ва игво,

Иновтириш мумкин эмас уларни ҳеч вақт.

(деразага ишора қилиб)

У ҳали ҳам шу ердами? Даф бўлсин тезроқ!

М о н н а М е а

Кимлигини билмайсанми?

Селия

Билишни ҳам истамайман!

Монна Меа

У рицарь бироқ.

Жанетта

Унчалик ҳам қари эмас, оти, ҳа, оти...

Карлотта

У Агарди Петер эрур, можардир зоти.

Монна Меа

**Неаполнинг қўшинида ёшлиқдан аскар,
Қўрқув нима билмаган у қонли жангларда.**

Жанетта

Шамширларнинг жарангидан завқ олган аскар.

Карлотта

**Қутлуғ Ерга кетмоқчийди,
Кетмас, агарда...**

Селия

**Тилингни тий! Хабар топса улфат бекалар
Маломатга қолурман мен! Мулзам этарлар!**

Карлотта

Маликамнинг иродаси мен учун қонуи.

Жанетта

Шаҳримизда яшагучи ҳар бир фуқаро
Бокира, пок аёлларни билгай мутлақо.
Сен уларнинг орасида энг бокираси,
Дахлсиздир сенинг номинг, гапнинг сираси.
Исо учун қурол тутиб эринг ҳам ахир
Мажусийлар билан жангда бўлганда ҳалок.
Ҳаётингда йўқдир хуллас зарра губор, кир.

Монна Меа

Нарвардигор меҳри билан қалбнинг эрур пок,
Ибодатдан бўшамайсан, софсан ҳамиша.

Жанетта

Италия сенинг билан фахр этар қар чоқ!

Карлотта

Фариштасиз!

Монна Меа

Фариштасан! Чиндан фаришта!
Билиб қўйгин, бу дунёда фақат сен учун
Қайтмагайман керак бўлса ўт ва сувдан ҳам!

Селия

Қулоқ солинг, айтсам сиёга гапнинг тўғриси,
Бордир мендан афзаллар ҳам.

Ж а н е т т а

Сен танҳо санам!

С е л и я

Шундоқ эса, мен эмасман бунга сабабкор.

Ж а н е т т а

**Фақатгина бир нарсани тушунмам, бекач,
Шунча сеҳру малоҳатни жам этган дилдор
Ишқ оташин зуҳур этмай ишаса яккаш?**

С е л и я

**Холи чоғлар барақтайман ивжилини бот-бот,
Унда айтган, ким енголмас васвасни агар,
Мадад бергай ва қўллагай тангри — қодир зот!**

К а р л о т т а

**Дилингизни фақат селги бездирмасин сал,
Беваликда бўш тўшакни билурсиз афзал.**

Ж а н е т т а

**Бунақанги бокиралик нархи қимматмас,
Марҳум эринг ҳурматин ҳам бажо этдинг, бас.**

М о н н а М е а

Менинг эрим бору, қийин у билан яшаш.

Ж а н е т т а

Бнамиз биз эр қошида мум шамга ўхшаш.
Бирдан маъшуқ пайдо бўлса — не қиламиз, хўш.
Тиловатдан кўра бўса лаблар учун кўш...

С е л я

(жирканиб)

Вой-вой! Нима демоқдасиз! Уят-ку, уят!

М о н н а М е а

...Ажойибсан, қаттиққўллик қилмагани аммо.
Бир нарсага сира шубҳа этмасман фақат,
Ким ошиқдир — кечиргайдир тангри-таоло.

Қўнгироқ овозлари. А ё л л а р чўқинади.

Ж а н е т т а

Қоронғи ҳам тушди буткул.

М о н н а М е а

Тикишим ҳам бас,
Қоронғида каштага ҳеч кўзларим ўтмас,

С е л я

(ўрнидан туриб)

Дарҳақиқат, тун ёйилди, қоронғи ҳар ёқ.

(Карлоттага)

Фурсат бўлди, бора қолгин, фанорларни ёқ.

(Карлотта чиқади)

Хуш қолигиниз, энди чиқиб ибодат қилай,
Худойимдан сиз учун ҳам марҳамат тилай.

(хонасига чиқади)

М о н н а М е а

Ибодатга чиқди яна! Ё тавба! Тавба!

Ж а н е т т а

Тиловатга мукка кетган! Мисоли телба!
Ер билан кўк орасида масофа узоқ.
Бизнинг қилган ибодату муножотга то,
Эваз учун бир мукофот бергунча само
Жуда узоқ мухлат керак, тоқат бўлар тоқ.

(дераза ёнига боради)

М о н н а М е а

Кетмабдими?

Ж а н е т т а

Йўқ кетмабди, ўша-ўша ҳол!

М о н н а М е а

Йўқса унга ишора қил, ишора дарҳол,
Рўмолчапгни силкита қол.

Ж а н е т т а

**Эвоҳ, тун оғди,
Рўмолча ҳам қоронгида кўринмас чоғи.**

(Карлотта шам кўтариб киради)

К а р л о т т а

Мана, мана, шамни ушла, шам тут у ёнга!

(Жанетта шамни кўтаради)

К а р л о т т а

Баландроқ тут, мана бундай.

М о н н а М е а

Кўрдингми? Хўш?

Ж а н е т т а

(зинадан тушаётиб)

Ҳа!

М о н н а М е а

(кўксига қўлини босиб)

**Оҳ, галати бўлмайман! Наҳот бир бало
Юв берса-я... Биз ҳақмизми, ноҳақмизми ё?**

Ж а н е т т а

(елкасини қисиб)

Нима бўпти? Ошиққа мен ёрдам қилурман,
Гарчанд менга ошиқмас ул, буни билурман.

К а р л о т т а

Бундоқ холис хизматлардан даромад катта,
Шойи билан қямматбаҳо мато-ку тайёр.

М о н н а М е а

(кўрсатади)

Маржон мана...

Ж а н е т т а

Мана узук.

К а р л о т т а

Ҳозир, албатта,
Хизматкорни киритсак гар, юз танга ҳам бор.

Ж а н е т т а

Хизматкорга эшикни оч, Карлотта, тезроқ!

К а р л о т т а чиқади.

Юрак ютиб киролса бас хизматкор аҳмоқ,
Қолган гапни ўзи билар, бизлар четдаман.

М о н и а М е а

Селиянинг дили зора эриб батамом
Нияш кўрсатса юрагига бизлар эккан дон
Ва тўй бўлса!

Ж а н е т т а

Бизларга ҳам мўл совға-салом!
Ҳозирча жим, оғзимизга солайлик толқон.

К а р л о т т а билан савдогар кийимида
сандиқча кўтарган Б е п п о киради.

Б е п п о

Оҳ, нақадар гўзал ҳамда саришта даргоҳ!

К а р л о т т а

Секин! Секин! Овозингни чиқарма ногоҳ!
Елиб қўйгин, бизнинг бекач шовқинни суймас,
Шовқинда у самовотнинг ҳисларин туймас.

(эшик томон юриб)

У ибодат қилаётир!
Чиқса-я шу зум.

Б е п п о

Мен гоятда зийракдирман, жавобгар ўзим!
Сизга холис ёрдам учун ташаккур катта.

Карлотта

Ушват қилдик, ҳа, азият чекдик, албатта.

(Жанетта, Монна Меа эшикни пойлайди)

Беппо

Сизни рози қилажакмиз, ташвиш тортманг ҳеч,
Хўжам — олтин ҳада қилгай, мен эса ўпич.
Бу камирнинг учидан бир патир.

(ўпади)

Емонмас!

Карлотта

(чўчиб, тисарилади)

Биласан-а не ёқишин, балосан, нокас!

Беппо

Бекачингга ёқмоққа ҳам етади кучим,
Минг-минг латиф сўзлар билан тўғидир ичим.

Жанетта

Кўп сафсата сотаверма! Оғирроқ бўл, ҳой!

Беппо

(қўлини силтаб)

Аёл зотин биламан мен — мисли беш бармоқ!
Аёл зотин энг зўри ҳам мақтасанг қиттай,

Гапларингга, ҳеч шубҳасиз, солгайдир қулоқ.
Аёл зотин кўнгли бордир фақат мақтовга,
Мақта уни осмонларга кўтариб ҳатто.
Кўнгли берар аёл зоти ҳатто меровга,
Мақтасанг бас — лабларингда ширин, хуш садо.
Ўзида йўқ хислат учун гердаяр агар
Худо урган букурни ҳам гўзалсан десанг.
Ювошгина фаришта де бўлса у маккор,
Аҳмоғига — ақлинг офтоб мисолсан десанг,
Бессўнақай аёлга-чи, хушбичимсиз де,
Харсанг тошдай зил-замбилни болу пар дегин.
Бузуқисин учратсанг гар ахлоқин мақтаб
Покизалик бобида сен яксарсан дегин.
Кар, соқовин кўрсанг агар — гапирмай мақта,
Кўрларига шивирлагин: «О, кўзи чақноқ».
Ипирисқи аёлни сен гўзал деб ата,
Ростгўйсан де учраса гар ёлгончи аҳмоқ.
Қадди шамшод деб атагин букур каминрини,
Енгил оёқ хотинларни дегил вафодор,
То кўзгуга боқиб ўзи ечгунча сирни
Мен жуфтақни ростлагайман, иш беш, не ғам бор.

М о н н а М е а

Аmmo бизнинг Селлямиз ақлли, зийрак,
Ёлгон-яшиқ гапларингга учмайди асло,
Мақомига кўнирмакка мажбурсан бешак.

Ж а н е т т а

Даргоҳидан қувлайди у сени шу асно!

К а р л о т т а

Ҳа, самога қаратилган бекам ҳар сўзи,
Наинки у ёлгонларнинг эшитиб турсин.

Б е п о

Фақатгина нон эмасдир инсон ризқ-рўзи,

(сандиқчани шапатилаб)

Беканг манов сандиқни бир очсин-да, кўрсин!

(сандиқчани очади. Аёллар ютоқиб боқади)

Ж а н е т т а

Бебаҳо-ку!

К а р л о т т а

Туялмоқда менга ҳам шундоқ!

М о н н а М е а

Венеция тухфалари!

Ж а н е т т а

Оҳ, дурлар порлоқ!

М о н н а М е а

(очкўзлик билан)

Маржон, узук...

К а р л о т т а

Тақинчоқлар.

Ж а н е т т а

Бир-биридан саз!
Езутлари ярашаркан менинг сочимга,
Аммо улар меникимас, омад йўқ бир оз.

К а р л о т т а

Манов тошда етти хил ранг жамулжам бўлмиш,
Бундақа ранг йўқ ҳаттоки камалакда ҳам.

Б е п о

Бунинг бари бекангизга нисор этилмиш,
Шунақанги сахий эрур соҳибим, хўжам.
Лекин айтсам булар ҳали закалот холос.

Ж а н е т т а

Қабул қилиб олса ҳали!..

Б е п о

Шундоқ ҳам олсин!

(сандиқчани ёпади)

Ибодатин тугатсин-чи, вақт ўтсин бирпас.
Сўнгра манов гавҳарларга назарин солсин.
Турли шубҳа-гумонлардан бўлай то узоқ,
Бир-икки бор сўкинг мени, кейин сарбасар
Такрорланг-чи қани бир бор, мен кимман, чироқ,
Касби қорим нима ўзи?

Карлотта

(Ўргатилгани бўйича)

Сизми? Савдогар.

(Беппо мазқуллайди)

Ҳар хил буюм тарқатасиз уйма-уй юриб.

Монна Меа

(Эшик туйнугидан қараб, бирдан тисарилади)

Жим бўлингиз!

Жанетта

Ана холос!

Монна Меа

Селня келар!

Селня

(Беппога хўмрайиб)

Ким бу одам? Жавоб беринг бақраймай туриб!

Карлотта

**Буюмлари хўп сифатли! Савдони билар.
Турли тилла безакларни кўрсатди бизга.
Узуклари ҳам бор экан...**

С е л и я

(қағзый)

**Айтганман сизга,
То бу уйга рухсатимсиз кимса кирмасын,
Буйругимни бекор қилмоқ бўлдингми ё сен.**

К а р л о т т а

Уйловдимки...

Б е п п о

**Биласанми, хоним афандим,
Бу борада у гуноҳсиз, фақат мен айбдор.
Сенга турли буюмларни этмоқ-чун нисор
Эшикни оч дел бунга ўтинч қилгандим.
Бир қарагин, сандигимда бор экан нима?
Жавоҳирлар! Ярмин сотдим! Бу — ярмигина!**

Ж а н е т т а

(ишора қилиб)

Селия, бир қарагин, галат унсурлар!

С е л и я

Не бўлса ҳам, булар бари қақур-қуқурлар!

(Карлоттага)

**Иблис бизга жўнатибди сурбет элчисин,
Ҳайдаб чиқар уни тезроқ, ҳайда буни сен.**

(Карлотта Беппога яқинроқ юради)

Беппо

(ёлбориб)

Тўққиз ою тўққиз кунким тинмай йўл босдим,
Тўққиз ою тўққиз кунким манзилга шошдим.
Флоренцияда бўлдим, Исапол, Римда,
Бола-чақам қолиб кетди қутлуғ Туринда.
Матоларим олгин, майли, кўп сўрамасман,
Олмасанг ҳам ихтиёринг, ҳеч қистамасман.
Турин эса ҳали узоқ, илҳақ хотиним,
Шошимоқдайдим ҳузурига билмай ҳеч тиним.
Қийнаб қўйди мени аммо йўл харажати,
Боз устига, бошимда бор қарзинг кулфати.
Бэвар қилгин, оҳ, бекачим, шафқат қила қол,
Майли, ярим нархин сўрай, сотиб ола қол.

Селия

Савдогарнинг одатдаги аврашлари бу.
Кўтар қақир-қуқуригини!

Жанетта

Уқмадингми, ҳў...
Жўна буцдан!

Беппо

Майлику-я...

Монна Меа

Даҳмаки жаап!

Б е п п о

Балки сизга бахт берарди бу тошлар, аттанг...

К а р л о т т а

Арзимаган нарса балки бунинг тошлари,
Ғар фойдаси бўлмаса ҳам йўқдир зарари.

С е л и я

(жозибали)

Балки булар қизиқ сизга — хизмат аҳлига,
Керак эмас, тупурдим мен бунинг барига.

М о н н а М е а

Кўз ташласанг бўлармиди бир қур, азиям,
Бу тошларнинг ҳар биттаси — санъат чинакам.

Б е п п о

(ҳовлиқиб)

Гўзаллиги бир ўлканинг гултожи бўлган,
Сенга эмас, тагин кимга келтирай молим.
Сен жаннати бир аёлсан, мулки Италия
Сендай зотни кўрмаган ҳеч, комил имоим.

(сандиғини очади)

Қара, бекам: увол бўлмас назаринг асло,
Зумрад рангин кўзларингга қиёс этгин, о.
Қайси бирин ранги ўткир? Босфорлик зарар
Шакл берган бу зумрадга.

С е л и я

(кўз ташлаб)

**Ташингни кўтар!
Маъниси йўқ мақтовларинг довдираголмас.**

Б е п о

(бош иргаб)

**Ўлай агар, манов узук, мана бу олмос
Нархи сени чўчкитмасин, сўровим арзон.
Сени ботир, қўли очиқ дердилар, ишон!
Довдирадинг тошларга бир назаринг ташлаб,
Муҳтожликда ночор қолган йўқсилга ўхшаб!**

С е л и я

**Доно одам муҳтожликни четлаб ўтажак,
Кўп хомтама бўлаверма, эсим бут, хуллас,
Беҳудага вайсамаклик кимга ҳам керак.
Сандигингни қўлтиқла-ю, жўна энди, бас!**

К а р л о т т а

(уни туртиб)

Бўлди энди.

Б е п о

Майли, аммо нега туртасан?

(қоқилиб йиқилади, жавоҳирлар тўкилади)

Учовлон хотин саросима ичра овозлари
чиққач, Беппога тере турган Селия
қайрилиб қарайди.

Жанетта

Бой худойим, вой худойим! Лат емадингми?

Беппо

(инграб, базўр туриб)

Йўқ, ўрнимдан бир амаллаб тура олдим-ку!
Бойликларим сочилибди ҳар ёнга, ўҳ-ҳў.
Пигиб олай, балки сиз ҳам қарашворарсиз.

Учовлон аёл энгашиб, тошларни йиға
бошлайди. Селия ҳайрат ва ҳаяжон
билан тошларга назар солади.

Селия

Ҳаммасини тошдингизми?

Беппо

(санаб)

Йигирма ва бир,
Аmmo қайда барчасидан йирик жавоҳир?!

Селия

(тошни оёқ учида суриб)

Ол тошингни, энди ортиқ кутмасман, баттол,
Тошларингни йиққан бўлсанг тезроқ жунаб қол.

Б е п о

(тиз чўкиб)

Менинг манов жавоҳирим баридан қиммат,
Вужудидан қон оқади мисли жароҳат.
Дилимизга Эрот солган яра-чи, бироқ
Қолган барча яралардан эрур оғирроқ.
Жавоҳирнинг бу қирраси — қиз назаридек,
Буниси-чи, ҳаё билан боққан паридек.
Бунисида тонг шуъласи турибди порлаб,
Бу қиррада шароб раинги, бунда ақиқ лаб.

М о н и а М е а

Ол, азизам, тезроқ уни сотиб ола қол!

Ж а н е т т а

(ҳалжони ортиб)

Ола қолгин! Сотиб олгин майли ҳаммасин,
Баланд эмас деярти-ку нархи навосин,
Омад келган пайти-ку бу, қўйиб юборма.

(шивирлаб)

Манов ақиқ тошни аммо бериб юборма.
Кейин уни пуллаш мумкин.

М о н и а М е а

Фойдаси билан.

Ж а н е т т а

Қанийди, оҳ, пулим бўлса...

Селия

**Қани, не дейсан?
Олсаммикан? Уйлаб кўрсам — ёмон тош эмас.**

Жанетта

Ола қолгин!

Селия

Шу ёқутни оламан, майли!

Монна Меа

Бамисоли олов каби ёнади бу лаъл.

Жанетта

**Феруза-чи. Осмон ранги, тошларнинг асли,
Буни ҳам ол. Йўқса илиб кетишар тугал.**

Карлотта

Ёмон эмас назаримда мана бу зумрад,

Монна Меа

Бу узук-чи.

Селия

(қулогини бекитиб)

**Истамайман эшитишни ҳам.
Олай майли шу ёқутни! Қанча тўлайин.**

Б е п о

Ола қолгин! Нархими... хўш, мен сенга айтсам,
Ярми, йўқ, йўқ, тўртдан бири. Савдо шарт эмас.

С е л и я

Нархини айт?! Жавобини кутиб турибман.
Қанча дейсан?

(Беппо елкасини қашийд)

Глпир қани, хўш?

Б е п о

(Аёлларга кўз қисади. Улар узоқлашади)

Олти, етти, саккиз, тўққиз... Йўқ, бу кетмайди,
Ҳисобдан ҳам чалғиб кетдим, иш ҳеч битмайди.

(атрофга қараб)

Биз бу ерда кўпчиликмиз...

С е л и я

Улар дўстларим,
Бекитгулик сирим йўқдир улардан асло.

Б е п о

Биз-чи, яъни савдо аҳли сақлаймиз ирим,
Хуфия ишни хуш кўраман мен ҳам доимо.

Карлотта

(мугомбирона)

Кўзларингни ўйиб олмай, ҳой сен, лўттибоз.

Монна Меа

Вайсаб олсин бу савдогар, майдига бир оз.

Селия

Сен Карлотта, ҳамён келтир.

Карлотта

Ҳозир да, бекам!

Учовлон аёл Селия хонасига кириб
кетадилар.

Селия

Нархини айт! Қанча тўлай?

Бенпо

Текичга!

Селия

Елгон!

Мугомбирлик қилмоқдасан яна сен, шайтон.

Б е п о

Улай агар, гапларым рост, тошларни сенга
Чин юракдан тортиқ қилгум, яъни текинга.

С е л и я

Тўхта, тўхта! Тушунмадим, бу нечук савдо!
Зумрад, ёқут бир-биридан афзал за аъло.
Сен эсингни еб қўйгансан! Ё мен гарангроқ.
Сахййлик бу — тошқан ҳисли қалбларга хосдир.
Савдо аҳли бунақа иш қилмайди, бироқ,
Бу ерда бир ҳийла бордир!

Б е п о

Сен мени кечир,
Тортиқ берган мен эмасман.

С е л и я

Шундоқми ҳали!

Б е п о

Боз устига — мен ўзим ҳам ўзиммас мутлоқ.

С е л и я

Сен бўлмасанг — ким экан у валломат, қани?
Ҳа, тушундим!

Б е п о

Фаҳмладинг! Агарди Петер,
Хўжайиним, мажор йигит, хўп азамат эр,

Совға-салом билан мени сенга юборди,
Бир нигоҳинг у йигитнинг ҳаёти, дарди.

С е л и я

Оҳ, ярамас, худо ургая сурбет қўшмачи,
Қандоқ журъат қилиб келдинг! Қани, шомма-чи.
Ҳой одамлар!

(эшикни очади)

Сени бурда-бурда қилдирай!
Қаёқдасиз, дугоналар, азизларим ҳой,
Келинг тезроқ, келинг тезроқ! Шарманла бўлдим.

Б е п о

(бепарво)

Айтилганки, юшатиңгиз ғазабни доим.

С е л и я

(ғазабкор)

Сен ҳали ҳам шу ердами, оҳ, иблисрода!

Б е п о

(тиз чўкиб)

Раҳм қилгил, қасам ичай ёруғ дунёга.
Раҳм қилгил, менга эмас, менгамас асло!
Уша можар йигитига раҳминг келсин, о!
Сенинг битта нигоҳингга зор бўлган бир зот,
Ҳажринг билан ўлиб кетар, ачингил, ҳайҳот!

Жанетта аёллар билан киради.

Жанетта

Чақирдингми?

Петро бошқа эшикдан киради.

Петро

Не гап, бекам?

Селия

(бирдан иккиланиб)

Керакмас ёрдам!

Чиқа беринг.

Улар чиқадилар.

(Хануз тиз чўкиб турган Беппога)

Тур ўрниядан.

(Беппо туради)

Кет энди сен ҳам!

Бундан буён на черкову, кўчамда бир дам
Қорасини кўрсатмасин ановининг!

Беппо

(тошларни йиғиб)

Аттанг!

Шундоқ гўзал, ёш йигитга ачинмоқдаман,
У жон-дилдан севар сени.

С е л я

Қанчалик ишим!

Б е п п о

Қани, айт-чи, биласанми, у зот ўзи ким?
Сени Павел черковида кўргандан буён
Жудо бўлди оромидан мутлақо, инон!
Ишқ дардини қандай қилиб енгсин бечора,
Кечалари уйқу нима, сира билмайди,
Уволига қолажаксан, ўлади шўрлик.

(тошларни йигади)

С е л я

(кифтини қисиб)

Бўлмаган гап!

Б е п п о

Қиё боқсанг қолади тирик.
Мовий, ажиб шафақларга боқиб кечлар,
Такрор этар сенинг номияг неча-нечалар.
Фақат сенинг ёдинг билан қаршилар тонгни,
Шафаққаю гулга қиёс айлар чеҳрангни.
Эҳтирослар оловида қоврилиб жуда
Висолингга талпинади, аммо беҳуда.
Шундай экан бечоранинг аччиқ қисмати,
Ўнга насиб қилмаётир севги нусрати.
Сени севса найласин у? Қайда ихтиёр,
Аловлария севсинми ё?..

(аёллар турган хонани кўрсатади)

Е парвардигор,
Лойиқ эмас булар унинг муҳаббатига,
Ўндан кўра тушган афзал дўзах қатига,
Ҳар жиҳатдан ўзинг гўзал, олижанобсан,
Марҳамат қил, бечорага кўргиз инсоф сан.
Фақатгина битта сўзинг унга тўтиё,
Фақатгина битта сўзинг.

С е л я

(жаҳл билан)

Гандоқ беҳаё!
Фақатгина бир сўз дейсан? У-чи ялтироқ
Тошлар бериб гуруримга қўймоқчи оёқ.
Аёл меҳрин қитмириликка кўрмасмиз раво,
Сенинг вайсақ гапларингда ҳикмат бор аммо,
Ҳалолликнинг қошида гар қолсак бетамиз
Тустовуққа турли тошлар ҳадя этамиз.
Лаққа тушар, шунинг билан ишлар битади,
Мингта гапдан совға кўпроқ таъсир этади.

Б е п о

Тўғри, лекин хўжайиним унақа эмас,
Унинг дили покизадир, ишқ билан пайваст.
Манов тошлар таважжуддан белги, шунчаки,
Ол, мана бу ёқутни ол, бир чечак каби,
Бирор нарса таъма қилмас эвазига у,
Муҳаббатни нэхор этиш — ундаги орзу.
Кўнгли учун бир сўз десаиғ нима қилади?
Сен учун ҳам икки карра савоб бўлади:
Танҳоликда ҳеч қурса бир мулоқот қилгил,
Гапларимга ишон, бекам, гуноҳ бўлмас, бил.

Кўксидagi аламлари тўкилган бир бор,
Этажаксан йўл олдидап уни бахтиёр.

С е л и я

Гуноҳ ишга қўл урганим била туриб ҳам
Олижаноб йўл тутайми?

Б е п п о

Рости гап, бекам,
Кўнгилчанлик борасида гапларинг ёлгон.
Садақани гуноҳ демас ҳеч ким, ҳеч қачон.
Бешафқатлик бирла шароф қўшилиб наҳот
Бир кимсани маҳв этса? Одил самовот
Тангри бир кун сўрар сендан унинг жониши,
Нима дердим, хайр, бекач!

(сандиқчани ёпиди)

С е л и я

(хурсанд)

Тўхта! Айтгин-чи.

(Беппо дарҳол тўхтайдди)

Ганинг демак...

Б е п п о .

Севади бешак!

С е л я

Бошқа гапни айтмоқчиман. Унинг юраги
Демак мутлоқ покизадир! Елғиз тилаги
Азбаройи кўнгил пшин этмоқлик бажо,
Совгалардан, демак, фақат шулдир муддао?

Б е п о

(кўкка қўл чўзиб)

Қасам ичиб айтаманки, худди ўшандоқ!
- Мадонналар ҳаққи, сени севади мутлоқ!

С е л я

(гапни бўлиб)

Такрор айтай, муҳаббат бу ҳавойи нарса,
Хайрихоҳ бир сўз кутмоқда мендан у эса.
Майли, унга оқ йўл тилаб қолсам бўлади.

Б е п о

(хурсанд)

Ишонтириб айтаманки, ҳозир келади.

(сандиқчага яқинлашиб)

Қайтармассан ҳар нечук сен холис совгани.

С е л я

(бир оз иккиланиб)

Қайтармайман! Лотга, қани, ҳамёнини қелтири!

Карлотта

(кулиб)

Буюринг, бекам!

Селия

(Беппога ҳамённи бер дегандй)

Ол, сеники.

Беппо

(мугомбирона)

Ололмайман.

Селия

Олгину яшир.

Карлотта

(шивирлайди)

Тилла ҳамён.

Беппо

Бекам, ташаккур!

Дил тугёним ором топди, шукур ҳайтовур.

*(Беппо ҳамённи Карлоттага иргитади, яшириб қўй дея
ышора қилади. Карлотта кулимсираб ҳамённи яширади.*

Беппо Селия эгагини ўпада.)

С е л я

(киноя билан)

Веморингга бергин, то у топширмасдан жон.

Б е п п о

(қувноқ)

Ҳозир, ҳозир! Унга малҳам этурман эҳсон!

Парда.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Уша ерда. Қандиллар ёниб турибди. Деразада оғир дарпарда. Саҳна кимсасиз. Саҳна тубидаги эшик очилиб, **Пьетро** кузатувида **Петер** ва **Беппо** кирадилар.

Пьетро

**Буюрингиз, аммо лекан кутгайсиз бирнас,
Келганингиз ҳақида мен хабар берайин.**

Петер

Хўш!

(Пьетро таъзим қилади, Селянинг эшигини қоқади).

**Улжасяни кутган каби тозилар бесас
Булар уни қўриқлайди! Гоятда марғуб!
Италия осмонида толган бахтим у.**

Беппо

**Ўзингни бос! Бўлаверма кўпам сергулу!
Чиқиб қолар дилбаринг ҳам!**

Петер

**Кўражакман, оҳ!
Беппо, ўзинг аҳволимдан бўлиб тур оғоҳ.**

(уни қучади)

Наҳот унинг саройида турибман ҳозир?!

(қисқа пауза)

Тезроқ чиқса қани эди! Типирлар юрак!

Беппо

(елка қисиб)

**Бўлаверсин майлига деб меҳмон мунтазир,
Ясай-тусан билан хоним банд бўлса керак!**

Петер

Маккорликни йиғиштир, ҳой! Валдирама кўп.

Беппо

**Худо ҳаққи, ушбу қолдан хурсандман гоят!
Яъни дилбар маликамиз гоятда маҳбуб,
Аммо аёл — хуш ёқишни хоҳлар ниҳоят!**

П е т е р

Оҳ, севиклим!

Б е н п о

Аммо лекин аёллар айёр.
Мусофирсан бу шаҳарда — можарсан яъни.
Чалгитарлар — бўлмагин сен қанчалар ҳушёр.
Сув ичкизмай қайтарарлар дарёдан сени.
Безилари қасамни ҳам йўяр ҳазилга,
Сен бўлсанг-чи лаққа тушиб юрасан.

П е т е р

Асло!
Мен ёш бола эмасман йўқ, ишон гапимга,
Умримда мен кўрмаганман қанчалар савдо!
Қасрларни забт этиб ва душманни қуршаб.
Қайралгандир курашларда менинг шамширим.
Тумтарақай халқ ҳар ёнга қоча бошлар зап,
Уйлар эса ёна бошлар, қизлар — асирим!
Таниш менга бунақанги ўлжа мазаси.
Гоҳо-гоҳо севганман ҳам, бўлганман жазман.
Аммо ушбу ҳолатимнинг йўқдир қиёси.
Самовий ҳис қаршисида буткул ожизман.
Кўрган чоғи тилларимда қотар каломим,
Олмос каби севги ёнар қалбда тамоми

Б е н п о

Аммо сени огоҳ қилиб қўяйин, жаноб,
Сен мутлақо тўғригўйсан, сен олижаноб.
Бу ерда-чи, ҳаёт бошқа, аҳтиёт бўлгил,
Ўз оёғинг ўзинг чалиб, бўлиб қолма қул.
Хонимнинг мен феълин кўрдим, байталдай асов,
Юмшатгунча, ростин айтсам, ўлиб бўлдим-ов!

П е т е р

(қўл силкиб)

Ҳасратларим айтиб солсам — эриб кетади!

Б е п п о

**Эркак зотин кўрган чоғи ранги ўзгариб,
Қизаргувчи қиз боланинг йўриғи бошқа.
Бу-чи, аёл эс-ҳушини ололган йиғиб,
Маккор ва қув! Гапларингга учмайди лакқа!
Энг расвоси — у бевадир! Жуда хатарнок.
Аллақачон битта эрнинг бошини еган,
Сендан нима тилайди у — билмадим бирёқ.**

Б е п п о

Унга бўлсин бор бисотим, деганим-деган.

(Эшик очилади)

Бас қил, ўзи келаётир.

Б е п п о

**Майли, мен кетдим,
Пастда сени пойлаб турай, омадинг кулсеп.
Ғақатгина шошилмагин, шошилма, ниним,
Азонгача сени пойлаб турганим бўлсин.**

(Кетади)

**П ь е т р о эшикни очади, С е л и я н к к и
а ё л билан кириб келади.**

П е т е р

(таъзим қилиб)

Маликаи муҳтарама...

С е л и я П е т е р совғаларига муҳтож
эмаслигини кўрсатмоқчидай ниҳоятда
безаниб олган.

С е л и я

Салом, баҳодир!
Кин йўқ асло юрагимда, куттирган бўлсам.

Ж а н е т т а

У нбодат қилиб олди.

С е л и я

(аёлларни кўрсатиб)

Тапишянг, лутфан.

П е т е р ва а ё л л а р ўзаро таъзим қиладилар.

Довруғингиз борасида нимаёки билсам
Эшитганман мев мана шу дугоналардан.
Хонадоним қондаси анча қатағон,
Қиблагоҳим — эрим қазо қилгандан буён —
Шу онгача бирон эркак бирор-бир нафас
Менинг юксак остонамдан ўтолган эмас.
Коҳишларим тинглай олган фақат тўрт девор,
Сизни дарҳол қабул қилиш эди кўп душвор.

П е т е р

Хамиша ҳам интизорман, ҳар қачон кутгум,
Сизнинг ушбу марҳаматга таълимлар этгум,
Жангларда мен ботир эдим, ҳозирча фақат
Журъат эта олурманми...

С е л и я

(қувватлаб)

Этурсиз журъат!

(Петер бир зум каловланади)

Хўш, дил сирин очингиз-чи, қулоқ илармиз?

М о н н а М е а

Балки бизлар...

Ж а н е т т а

Бир можарга кўплик қилармиз.

П е т е р

Сизнинг пичинг бориб етар аниқ нишонга,
Аmmo ундан не таъсир бор мажруҳ бу жонга,
Мен огирроқ бир жароҳат олганман ахир.

(бурилади, жимлик)

М о н н а М е а

(Селияга)

Балки бизлар кетсак бўлар?

С е л и я

Кетманг, тўхтаб тур!
Рицарь энди сўзлаяжак турфа хил гаплар,
Шунчаки бир гуфтигўйлик бўлмаса агар,
Агар унинг гапларига бовар қилсак биз,
Нега унинг муножотин тингламайсиз сиз?
Шундаймасми, азиз рицарь?

П е т е р

Шундоқ, маликам!
Турфа сўзлар орасида энг аъло, кўркам,
Оддийгина сенинг исминг, номинг бўлади.
Рухсат этсанг, такрорласам кўнглим тўлади.

Ж а н е т т а

Ўлай агар, рицаримиз гапга кўп чечан!

П е т е р

(Селияга)

Энг покиза, соф туйғулар кимда мужассам?
Бари-бари сенда эрур, сенда, азизам!

С е л и я

Хўш, рицарим, бир-биримиз таниб ҳам олдик.

(аёллар ўтиришади)

Эшитдимки, юрагингда ҳасрат ва огриқ,
Изҳори дил этсанг менга бўлармиш малҳам,
Аммо бунинг чораси ҳеч бормикан, қайдам!

Христиан бурчимизни этайлик адо,
Баҳол-қудрат дардларингга излайлик шифо.
Сўзла, қани!

П е т е р

Оҳ, сўзлашдан номусдир зўрроқ
Ва сўз демак сукунатдан кўра оғирроқ.
Менинг чашии селобимга бовар қилсайдинг,
Кўз ёш тўксам дилим бўшар, агар билсайдинг.
Уйқу нима, ором нима билмайман сира,
Фақат ёлғиз ёш тўкаман ёстигим узра.
Айтай десам ҳасратларим, гапнинг сираси,
Кўзларингда порлар муздай рад ишораси.
Ахир айтмоқ чораси йўқ, дилимда не бор,
Сени қандай севишимни этолмам изҳор.

С е л и я

Етар, етар! Алаҳлаш, ҳа, шу бўлса керак.
Муҳаббатдан сўз очдингми?

П е т е р

У — олий, юксак!

С е л и я

Ҳа, муҳаббат! Менинг учун ҳавойи бир сўз...

Ж а н е т т а

Унинг гапин тингласанг гар — англайсан, шаксия.

С е л и я

Керак эмас! Пешлайверма, бари бефойда,
Менинг битта жавобим бор ҳар зум, ҳар жойда:

**Муҳаббатим гўрда ётар аллақачонлар,
Бу аҳдидан қайтаролмас ҳеч ким, ҳеч қачон,
Гулу солмас юрагимга ўтли гирёнлар,
Ҳасратимга бегонадир севги, ҳаяжон.
Менинг ботир Орландомни билгансиз албат?**

М о н н а М е а

(суратга қараб хўрсиниб)

Оҳ, қанчалар олижаноб эди-я у зот!

С е л я

Рицарь эди! Авайлади мени умрбод!

Ж а н е т т а

**Егги одам оғиз солди — рад жавоб олди,
Улардан сўнг яна бири топилиб қолди.
У Нерино!**

М о н н а М е а

Унча-мунча йигитмас аммо!

Ж а н е т т а

Рад жавобин олиб кетди ўша ҳам аммо!

П е т е р

**Муҳаббатга даргоҳинг оч ҳеч қурса бир бор,
Наҳотки ишқ хотираси — мисли зиндонбон
Эркак зотин қузуригнда этса бунча хор?
Хотира деб совиб кетса наҳот қайноқ қон?!**

С е л и я

Оғзингни юм, ҳаддан ошма, такаббур одам!

П е т е р

**Хотиралар соясида яшайсан, аммо
Чинакам бахт, ҳаловатдан бўлиб мосуво?!**

С е л и я

**Эркакларнинг ҳар ганида бир мурод аён,
Керак эмас гуноҳ тўла у ширинзабон.
Янгиликми сиз сўйлаган севги изҳори
Ёки юзлаб изҳорларнинг битта такрори?
Ёлборишу аврашларга уста барингиз,
Дарё бўлиб оқар паққос кўз ёшларингиз.**

П е т е р

**Марҳаматли хоним, бунча шафқатсиз бўлманг,
Менинг юрак ришталарим бесабаб юлманг.
Биз, муҳаббат рицарлари, ишққа фидойи,
Тақдир юки елкамизда бордир кироий.
Ҳар қандайин ганимларга берурмиз барҳам,
Ватан қадар биз содиқмиз муҳаббатга ҳам,
Улар учун қайта-қайта жангга кирурмиз,
Севишни ҳам, ўлишни ҳам лойиқ билурмиз,
Умидвормиз аммо-лекин, ёриштай осмон,
Биз интилган нурли шафақ порлар бегумон.
Қанча йироқ бўлмасин йўл ахийри бир кун
Ноял бўлгай муҳаббатнинг хайри биз учун.**

С е л и я

Тугатдингми?

П е т е р

Биз рицарлар гапга ҳам довмиз,
Аmmo сизнинг қошингизда кўпроқ соқовмиз.
Гапиришни агар менга айласанг тақиқ.
Сукунатга банди бўлиб тургумдир ортиқ.

С е л и я

Айбдор ким? Сен-ку ахир қизиққон ва ёш,
Абадий тунд бир музликка урмоқдасан бош.
Сен изимдан юрдинг севиб, қадам-бақадам,
Мен-чи, сенга ташламадим ҳатто назар ҳам.

П е т е р

Сени сира айбламасман, севаман фақат,
Ҳақсан: виждон олдида мен гуноҳкор минбаъд.
Сен бўлсанг-чи, ёш боладай тоза, бегубор,
Менинг эса гамим яна кўпайди бисёр.
Суҳбатингга муштоқ бўлиб келгандим бунга,
Нетай, сени йўқотгайман энди мангуга!
Нега ахир кўрсатгандинг аввал рухсоринг,
Тузатмайсан шафқат билан берган озоринг,
Порлоқ чашминг умид тунин ёритди нега?

(қисқа пауза)

Ерим бўлсанг, оҳ, турмушга чиқсайдинг менга.

С е л и я

Наҳот гапга тушунмасанг, менга ҳеч кимса,
Демак, сен ҳам керакмассан, ўз ҳолимга қўй.
Жавоҳирмас, менга фақат танҳолик бўлса,
Раҳмим келди, шу боисдан кўрсатгандим рўй.
Ғайри инсон каби сенга туюлсам наҳот?

**Дунё кенгдир, кўлдир унда не қадди шамшод,
Мендан кўра гўзаллар ҳам оз эмас, ишон.**

П е т е р

**Алал-абад юрагимда қолди шу армон.
Бешқа нарса керак эмас менга мутлақо.
Сен ҳаммадан гўзалроқсан; гапим бор аммо:
Агар хунук бўлганингда, букур ва баттар
Ўшанда ҳам севар эдим сени муқаррар.**

(хайрлашув ишорасини қилади)

Худо ўзи паноҳида сени асрасин.

С е л и я

**Сенга раҳмим келар, айтсам гапнинг сирасин.
Қўлга олгил ўзини энди, дадил бўл чунон,
Тангри ўзи мушкулдигни айласин осон.
Унут мени, худо ўзи ёр бўлсин сенга!**

П е т е р

**Шукур дейман, сен марҳамат айладиңг менга,
Ҳузурингда бўла олдим лоақал бир бор,
Бироқ энди бир шафқатинг аяма, дилдор!**

С е л и я

**Тилагинг не? Сўз бераман — айламасман рад,
У дардинга даво эса — топилмас минбаъд!**

П е т е р

**Пьемонтда бир одат бор, жуда қадимдан,
Ўзи жуда жўн бўлса ҳам, гоят таъсирчан.**

Меҳмон билан хайрлашиб қоларкан мезбон,
Уй бекаси чин юракдан, бир сингилсимон
Меҳмонининг лабларидан олади бўса.
Сезги яшар менинг шўрлик қалбимда эса.
Сенинг порлоқ ўйинг билан дилни ўрайман,
Кетаётиб фақат битта бўса сўрайман.

С е л в я

(чўчиб)

Билмай қолдим, бундай ҳолда не қилмоқ лозим?

Ж а н е т т а

(тез)

Авф этгайсиз, рост, чкидан ҳам қадимдан-қадим
Шундақанги бир одат бор.

М о н н а М е а

Монкальер, Турип
Вилоятлар тан олади шу одат турип.
Аждодларнинг удумларин ёдга олингиз,
Риоясин икковлашиб еча қолингиз.

Ж а н е т т а

Интиқ бўлиб сўраяпти, ўпич бера қол,
Рад қилсанг, бил, анчагина гуноҳ бўлади.
Яхши эмас урф-одатни этмоқлик поймол,
Бундай гуноҳ кўп фалокат бошлаб келади.

М о н н а М е а

Унчалик ҳам жиддият-ла боқма бу ишга,
Қайтиб келмас ўпичнингни қайтиб беришга.

Ж а н е т т а

Урф бўйича ўпишмоқлик гуноҳмас асло,
Хўшлашганда рўмолчани силкишдай гўё.
Анов-манов нарсани у сўраётганмас,
Тилагани битта ўнич, битта ўнич, бас.
Хайрлашгин унинг билан ва лекин дастлаб
Унинг қайноқ лабларига қўяжаксан лаб.

М о н и а М е а

Галинг тўғри!

С е л и я

Ҳа, сўз бердим, буни одат дер!
Бўса учун мен тайёрман, Агарди Петер!

*(Аёлларга ишори қилади. Улар чиқиб кетади.
Петер Селияга яқин боради. Аммо Селия уни тўхтади)*

Тўхта бир зум, эҳтиросинг олгил жиловлаб,
Аллақачон бўсаларни улутгандир қалб.
Мен тайёрман айламоққа марҳамат-шафқат,
Аммо бордир менда ҳам бир талаб, яъни шарт!

П е т е р

Мен у-бу деб ўтирмайман! Талабингни айт!

С е л и я

Мудҳиш талаб қўйсам-чи мен? Эҳтимол, у пайт
Истагингдан қайтажаксан беролмасдан дош.
Қайдам, рицарь, этарсанми шартимга бардош?

П е т е р

(жилмайиб)

Қани, айт-чи, қанақа шарт?

С е л и я

Уйлаб кўр аввал,
Қанузгача ўтган гаплар эрмақдир тугал.
Айлантирмоқ бўлиб ҳатто менинг бошамни
Беҳудага ишга солдинг турли тошингни.
Энди бир шарт қўяйзинки, у сенга силов,
Бундан ортиқ соғға ҳам йўқ, йўқ ортиқ синов.

П е т е р

Сенинг учун бор бисотим, ҳаётим кафил,
Сақатгина бўса шартин очинқ баён қил.

С е л и я

Қасам ичгил!

П е т е р

Маъбад ҳаққи, қасам ичаман.
Қасамимда турмасам гар, жондан кечаман.
Майли, ҳалол жанг пайтида шамширим синсин,
Майли, мени ганим тараф бойлаб, қул қилсин.
Бўғизлашсин, майли, мени бамисоли мол,
Майли, ажал панжа урсин, келмагай малол.
Сақатгина бузмагайман ичган қасамим,
Шартинг айтгин, бажармоқлик қасамим маним.

С е л и я

Сўз бердингми! Бўлди энди!

(Петернинг бўйнига осилиб, икки бора ўпади)

П е т е р

(бўшашиб, хириллаб)

Талабингни айт!

С е л и я

Бундан бўён, майлига, сен қайда юрасан —
Ўч йилгача сўз демайсан, соқов бўласан.

(Петер қалтираб кетади)

Лабларингга босдим ҳозир қайноқ лабимни,
Муҳрадим демакки мен айтар гапингни.
Ўч йилгача бирор сўз деб очмасаи сиз,
Ўқдингми, хўш?

(Петер таъзим қилади)

Ҳаму кулфат келса ҳам қарғиз,
Орзу борми, армон борми, не бор дунёда,
Сўз билан сен этмагайсан фикринг ифода.
Қаҳқаҳанг ҳам, бўзлашинг ҳам ботин бўлғуси,
Сабр-тоқат ва бардошинг метян бўлғуси.
Бесас, бедил, бамисоли тунги зиндон бўл,
Ташландиқ бир қудуқ каби ғафлат макон бўл.
Сукуватнинг зилкисондай мозори бўлгил,
Ўз тилингниг жаллоди бўл, тунд зори бўлгил.
Ҳозиргина, оҳ, ридарим туриб ёнимда

Қасам ичдинг, айтган сўзинг турар ёдимда.
Пайти келди ва бошланди даҳшатли фурсат,
Бўса сўраб ҳузуримда чекдинг кўп ҳасрат.
Муҳаббатим дарвозасин сен очмоқчийдинг,
Дўстларингга буни айтиб мақтанмоқчийдинг,
Ана, энди оғзингда қулф, чоранг йўқ бўлак,
Қасам ва урф нималигин сен билсанг керак.
Турли-туман бойлик билан ўрадинг мени,
Ҳатто дадил хотишликка сўрадинг мени.
Менинг лазиз лабларимдан бўсалар олдинг,
Аммо мудҳиш қасамга сен боғланиб қолдинг.
Уч йил чида, уч йилгача чиқарма садо,
Сийлагайман бу уч йиллик сукутни, аммо!
Розимсан? Чидаганга чиқарган, рицарь.

(Петер сўзсиз таъзим қилгач, чиқа бошлайди)

Тўғри жавоб қилдинг, шовёвз!

Парда.

УЧИНЧИ КУРИНИШ

Уша жойда, бир йилдан сўнг. Қуёшли баҳор куни. Селия,
Жанетта, Монна Меа ва Карлотта қадимий бир қўшиқ-
ни ўрганмоқдалар. Уларнинг овози парда кўтарилгунча эшити-
лэди. Улар ҳамшагидек сўзана устида энгашган, зериккан бир
қолда.

Т ў р т о в л о н

(куйлайдилар)

Юрак йаглар, кўксимда гам,
Дилимда бир тугён бор.

С е л и я

(уларни тўхтатиб, қулоқларини бекитади)

Эҳ, ёлғонга кўп устасиз!

(Улар қўшиқ айтишдан тўхтайдилар)

М о н н а М е а

Қанақа ёлғон?

С е л и я

Урганолмай оворамиз анчадан буён.

Куйи бўлса изтиробли.

Ж а н е т т а

Нерино, ҳай-ҳай,

Неаполдан олиб келмиш сен учун атай.

К а р л о т т а

Теримни шил, ўлай агар, ўрганолмадим.

(кулишади)

С е л и я

Қулоқ борми?

К а р л о т т а

Бор!

(унинг қулогини Селия ушлаб кўради)

М о н н а М е а

(бўйсунган ҳолда)

Қайтадан бошлаймиз тагин.

С е л и я

Сизлар менинг ишорамга қилинг эътибор,
Тўрғаламиз баб-баробар бошлаймиз такрор.

Т ў р т о в л о н

(куйлайдилар)

Юрак йиғлар, кўксимда ғам,
Дилимда бир тугён бор.
Кетди йироқ азиз ҳамдам,
Ундан дарак йўқ зинҳор,
Қайтарсанми, дўсти нажот?
Сенсиз менга йўқ ҳаёт...

(куладилар)

С е л и я

Энди сал-пал ўхшаётир.

Ж а н е т т а

У кўҳлик йигит!
Муסיқада жўр бўлсайди — яхши чиқарди.

Қ а р л о т т а

(энтикиб)

Шприн йигит!

М о н н а М е а

Жозибадор.

С е л и я

(тунд, жаҳлдор)

**Ҳаддан ошмангиз!
Ҳуд-беҳуда валдирашиб, бўлмаг гуноҳкор.**

(тикишни кўрсатади)

**Иш чузатиб имиллаймиз бир йилдан буён,
Кўрмайсизми, тикишимиз битмайди ҳамон.**

Ж а н е т т а

Ростки айтсак жонга тегди шу ишлар бари,

М о н н а М е а

Монастирнинг ҳужрасида ётган мисоли.

Ж а н е т т а

Өртадан-кеч уй ичида, хонанишимиз.

К а р л о т т а

**Ҳаёл қилсак бирор фурсат бошқа нарсани,
Уйлайманки парвардигор айёга букюрмас.**

Ж а н е т т а

(деразадан қараб)

Яйраб гурсанг чаманзорлар бағрида, қани,
Олам баҳор оғушида, яшнаган, сармаст.
Биз бўлсак-чи, тикиш билан овора тун-кун,
Уйнаб-кулиш бегонадир, эвоҳ, биз учун.

К а р л о т т а

Қартайганда мен художўй бўларман балким,
У пайт оташ нафас билан иситмас ҳеч ким.

Кўчадан гўс ноғора овози эшитилади.

Ж а н е т т а

Кўчаларда сайр этмоқда севги, муҳаббат,
Сен эса-чи, хона ичра сўлғин ва қарахт.
Деразани лағг очайлик, баҳор — ишқ демак,
Оча қолай, а, Селия.

С е л и я

(унча қаршилик қилмай)

Бисанг-чи, тентак!

Ж а н е т т а деразани очади. Хонага қуёш
нури, мусиқа қўйилади.

К а р л о т т а

(қизиқиб)

Ким экан у чалаётган?

Ж а н е т т а

Жонглёр, омадсиз!
Аmmo-лекин оҳанглари майиндир, шаксиз.

Ж о н г л ё р

(куйлайди)

Можар рицарь бор эди
Ботирлардан ботирроқ.
Келди Можаристондан
Италияга бир чоқ.
Ошиқ эди бечора,
Юраги тилка-пора.

(аёллар куладилар)

Шўрлик мусофир ошиқ,
Чорасиз юрар эди.
Ер эшигин тагида
Туну кун юрар эди.
Бамисоли ярим ой
Кўнгли синиқ, ҳойнаҳой.

*(Аёллар бир-бирларига қараб олишади. Селия ўзини
ноқулай сеза бошлайди.)*

Шавкатли рицарь бир кун
Айтди: «О, соҳибжамол,
Битта бўса сўрайман,
Шартинг бўлса айта қол.

*(Аёллар дафъатан чўчиб тушадилар. Селия деризани
тез ёпишга ишора қилади.)*

Сенинг бир бўсанг учун
Не тиласанг берайин».
Ешгипа бева эса...

*(Жанетта деразани бекилади. Музика тинади, жимлик,
Аёллар бир-бирларига қарайдилар.)*

С е л и я

Менинг номим булғамоқчи бўлган ким, ахир,
Карлотта, тез ўша бадбахт жонглёрни чақир.

М о н н а М е а

Тилла билан оғзига ур, бас бўла қолсин.

Ж а н е т т а

Ҳикоясин сўзлаб берар, у кела қолсин.

К а р л о т т а тезгина чиқади.

С е л и я

(Жанеттага қараб)

Булбул каби куйлайдиган муҳаббатми ё
Шармсизлик ифодаси — туйғу беҳаё?

(терс бурилади)

М о н н а М е а

(киноя билан)

Қайдам, қўшиқ сен ҳақингда эмасдир, балким.

С е л я

Еш бева дер! Хўш, ёш бева мен бўлмасам, ким?

Ж а н е т т а

(у ҳам киноя аралаш)

Ажаб эмас, фавқулудда ўхшаб қолса гар.

С е л я

Деразамнинг нақ тагида куйлар дарбадар.
Ер демайман, худо дейман кундузми-тунми,
Катта-кичик масхаралаб кулсни учунми?

(ўйга толиб ўтиради)

М о н н а М е а

Келган эди бу ерга у бир йил муқаддам.

Ж а н е т т а

(у ҳам фикрчан)

Евқур сарбоз, фазилатлар унда мужассами
Изтироблар дарвозаси қошида бесас
Сўнгги бўса олган эди.

С е л я

(бошини кўтариб)

Қийнамангиз, бас!

Ж а н е т т а

Юрағиңдан урганмиди? Қўмсарсағибир оз.

С е л и я

Ушаними? Бир мартаба кўрганман холос.

М о н н а М е а

У ҳақда эшиғмадың демек ҳеч хабар?

С е л и я

Бўқ.

М о н н а М е а

Ва леки билиб қолмаса жоңглёр дарбалар.

С е л и я

Қисматидаң беҳабарман уның мутлақо,
Қаёқларда юрибди у? Кенг эрур дунё.
Тирякми у? Ким былади? Топдими ажал?
У ҳақда мен ўйламайман, ишон ҳеч маҳал;

Ж а н е т т а

Ипа қайта келиб қолса рицарь мабодо
Упи қандай қаршилардинг?

М о н н а М е а

Ушандоқми, ё...

С е л и я

(Фезли айнаб)

Йўқ, эсимни емас эдим иккинчи марта,
Бўсани у жорий этган элга, албатта.
Йўқса дайди жонглёр уни билмасди ахир,
Эшитмаган бўлардингиз сизлар ҳам ҳозир.

Эшик очилиб, Карлотта ва Беппо киради. Беппо
чолғу асбоби билан, жулдур кийимда. Аёллар дастлаб уни
танймайдилар.

Ж а н е т т а, М о н н а М е а

Беппо?

Б е п п о

(таъзим қилади)

Яъни худди ўзим, Беппо бус-бутун.

С е л и я

Бу — сенмисан? Масхарабоз, чайқовчи, маймун.
Лўттибозу қув, ҳийлагар, доғули, айёр,
Тайини йўқ ашулачи, сенмисан, маккор.

Б е п п о

(ўзини оқлаб)

Авф этгайсиз, мен шунчаки арвоҳ эрурман,
Оҳ, аввалги ҳолатимга қандоқ келурман.

**Хўжам билан кўрдик қанча жангларки, қаттол,
Чап қўлимни яралади мажусий дажжол.**

(кўрсатади)

Бундан бошқа жароҳат ҳам анча-мунча бор.

К а р л о т т а

Вой худойим!

Ж а н е т т а

Росданми, а?

М о н н а М е а

Кейин-чи? Кейин?

Б е п п о

**Ундан кейин икков қолдик, жанг бўлди қийин,
Монквеверни тарк айладик, олишдик чунон,
Ғаним бизга, биз ғанимга бермадик омон.**

С е л и я

Фақат икков қолдингизми?

Б е п п о

**Икковлон эдик,
Лекин, хўжам, меҳрингизга зор бўлди, шўрлик.**

С е л и я

**Ишқ дардидан халос бўлиб, хўжанг бахтиёр,
Сен-чи, мени дoston қилиб юрибсан, ғаддор.**

Б е н о

Бир ҳафтаки, бу жойларда сарсон юрибман,
Кечир мени, дайдиларга шерик бўлибман.
Одамларнинг эътиборин торимоқлик учун
Қўшиқ тўқиб, буни чалдим етганча кучим,
Энди эса чолғу-полғу менга не керак.

(чолғусини синдиради)

С е л и я

Сен бу ерга мадад сўраб келгансан, демак?

Б е н о

Илтифот ё марҳаматинг менга нозарур,
Мен епископ Рапцанонинг гилмочи эдим.
Қочиб қолдим епископни чағитиб базўр,
Ота-онам яшар бунда, кўргани келдим.
Энди эса хўжайинга борайин илдам,
Айтай, яшнаб кетганингни аввалгидан ҳам.

К а р л о т т а

Мақтовларни келиштирар Бепно, албатта!

С е л и я

(жилийиб)

Унда бир оз ақча бергин — пул бер, Карлотта.

Б е н о

Йўқ, керакмас, гар этигим йиртиқ ва ямоқ,
Садақани эш кўрмасман ўзимга бироқ.

Қарларимни қайтаришар, бордир пулим ҳам,
Соҳибимга ёрдам бергин, яхшиси бекам.

С е л я

Яна қайта бошладингни? Хўжанг қайдадир?

Б е п о

Тевтонларни қийратмоқда! Узоқ жойдадир.
Қайратомуз эрур унинг жасоратлари,
Қаршисида зир тиграйдн осийлар бари.
Қийратади ва айни вақт кутади ажал,
Уни бўсанг мавҳ айлаган чунки бир маҳал.

М о н н а М е а

Макр тўла гаплардир бу!

Ж а н е т т а

Қуруқ сафсата!

С е л я

Соҳибингнинг аҳволини ўртага солиб,
Балки менинг юрагимни юмшатмоқчисан?
Жангчи экан, ўқ ейди-да мағлубми, голуб,
Улади ҳам,— модомки ёлланган экан.

Б е п о

(кулиб)

Ким ёлланган? Нима дединг? Менинг хўжам-а?

Жанетта

Ҳа-да.

Беппо

Йўқ-йўқ, меннинг хўжам энг жасур аскар.
У бор жойда унча-мунча ботир ҳеч нима,
Қирол билан улфатчилик қилади аксар,
Жангларда ҳам, кенганда ҳам қирол йўлдоши,
Матяш билан ўйинларда, базмда бирга.
Йироқ-йироқ ўлкаларга доврўғи ошди,
Ҳузурда қатто Турчи қарайди ерга.

Селия

Шундоқ экан, нима уни қийнайди ахир?

Беппо

(бақираёзиб)

Гап шундаки, соқов бўлиб қолди соҳибим,
Оти — Петер Агардимас — Соқов Петердир.

Селия

(қўрқувда, титраб)

Соқов!

Жанетта

Соқов?

Карлотта, Монна Меа

(бир-бирига шивирлаб)

Соқов эмиш, шўрлик, безабон!

С е л я

Қайси жангда тилидан у айрилиб қолди?

Б е п о

(бошини чайқаб)

Карахликдан.

(уйни кўрсатиб)

**Ушбу уйда бўлганди меҳмон,
Уша маҳал... бир йил бурун, тили йўқолди.
Унинг тилин излаб келдим Можаристондан,
Соҳибимнинг забонини сўрайин кимдан?**

С е л я

(тунд)

**Қолган бўлса унинг тили бу уйда агар,
Марҳамат қил, ахтариб кўр, марҳамат, ахтар!**

Б е п о

**Хўжайиним ушбу уйга кирдию бирров
Соқов бўлиб қолди шўрлик, чинақам соқов!**

С е л и я

(қониқиш билан)

Қандоқ азоб! Соқов бўлиб қолмиш Агарли!

Б е п п о

**Жуда оғир, жуда оғир рицарнинг дарди.
Гапирмайди у, вассалом, чиқармас садо!**

С е л и я

Менинг айбим нима ахир?

Б е п п о

**Гап шундаки, о,
Бўсадан сўнг соқов бўлиб қолди рицарим.**

К а р л о т т а

Бас қил, Беппо, борми сенда ҳаё ва шарм.

Ж а н е т т а

Бўса тотли бўлган эди, ўзингда гап бор!

С е л и я

**Аблаҳ! Қайсинг бу игвони тўқидинг, айт-чи,
Ўзингни ё хўжайининг?**

Б е п п о

**Кечиргин, зинҳор!
Тусунмадинг, қайта болдан такрор этайин,**

Муллоқ соқов бўлиб қолган, соқов хўжайин!
Соқов одам қавдоқ қилиб сени айблайдми.
Оҳ, қанийди сенда ҳам қалб, юрак бўлсайди!
Хўш, у ҳолда не бўларди? Айт дилинг ёрм.
Ўзинг бориб даволардинг, ёнига бориб.

С е л и я

Ўзим бориб?

Б е н п о

Ҳа, борардинг Пяннош томонга,
Қолаверса, узоқроққа, Мажористонга!

Ж а н е т т а

Сен эсингни ебсан буткул!

М о н н а М е а

Табибмас-ку у,
Беморни то даволаса тайёрлаб дору?

Б е н п о

Ганинг тўғри, унга теккан гаройиб касал,
Табиб ёрдам қила олмас унга, филмасал.

Ж а н е т т а

Қанақанги дард экан у?

С е л и я

Қанақа дард, хўш?

Б е п п о

**Хафақонлик, ҳасрат уни қийнайди нохуш,
Ўйлаймизки, унинг дардин даволаш мумкин!
Аммо қандоқ дори даркор? Аммо қай йўсин?
Қасалми у ё атайлаб ичганми қасам?
Соқовлигин бонси не? Мутлақо мубҳам!**

Ж а н е т т а

(Селияга нисбатан, бирмунча шубҳа аралаш)

Бир озгина сирли экан қасали...

С е л и я

Шундоқ!..

Б е п п о

**Қимки уни даволаса, шу лаҳза, шу чоқ
Қиролимиз беражақдир бир этак олтин,
Маташ — яъни бизнинг қирол кўп сахий локин.**

Ж а н е т т а

Ҳавил гапмас шунча бойлик,

С е л и я

Қаттақон сийлов!

Карлотта

Уддалолсам, даволардим мен уни дарров.

Монна Меа

Топилсайди бирор чора...

Беппо

Оҳ, қисмат волим,
Бош қотирди қанча-қанча бекалла олим,
Игналарин кўтаришиб дўхтирлар келди,
Не-не фолбин, маҳмадона учқурлар келди,
Келиб кўрди Европадан табиб — пўримлар,
Қолмади ҳеч қилинмаган ирим-сиримлар.
Ҳунарини аямади мунажжимлар ҳам,
Ўт ҳам, сув ҳам бўлолмади дардига малҳам,
Рицарь бесас, рицарь соқов, садо чиқармас.

Селия

Шифо топиб бўлармикан дардига, хуллас!

Беппо

Оҳ, маликам, тузалар у, гапнинг очиги,
Керак унга муҳаббатнинг ширин қичиги.
Севги унга қисмат эрур, сенга-чи эрмак,
Рицарь севар фақат сени, сен — шифо демак.

Селия

Гапчи бунча оширмасанг.

Б е н о

**Истасанг дарров
Тилга кириб кетар эди қаҳрамон соқов.**

С е л и я

Бўлмаган гап!

Ж а н е т т а

**Гар кулгилм бўлса ҳам, зинҳор,
Бескам, унинг гапларида муглақо жон бор.**

Б е н о

**Баҳодирни даволасанг — баҳукми гақдир,
Қирол Матяш назарига тушасан ахир
Игалия бўйлаб сенинг шонинг таралмай,
Ўйлаб кўргин, шухратингга имкон яралгай.**

С е л и я

Эпларманми?..

М о н и а М е а

Ҳа, эплайсан!

Ж а н е т т а

**Ўринида бўлсам,
Таваккал яш тутар эдим ўйламай деч ҳам,
Рицарь учун эмас, балки илтифот учун,
Бахт-саодат келтирувчи мукофот учун.**

С е л и я

Эпласам-ку дурустку-я.

Б е п о

Эплашинг мумкин.

**Маликага сингил бўлиб қолажаксан сўнг.
Панпонияда яшар гўзал қироличамиз,
Маликамиз, яъни тенгсиз Беатричемиз.
Кўп ҳурматли бўлажаксан балки саройда.**

С е л и я

**Ҳунарингни қилолмайсан, иблис, бу жойда!
Қани, айт-чи, эшломасам агар дафъатан,
Бош кўтариб, изма деган одам бўламан?**

Б е п о

**Модомики ишонмайсан ўзингга, бекам,
Айтиб қўяй, дарҳақиқат, оқибатни ҳам!**

С е л и я

Хўш, аўш, қандай оқибатни айтмоқчисан, хўш?

Б е п о

Шартта бошинг узиб ташлар Даҳшатли Лайош!

С е л и я

Лайошинг ким?

Б е п о

Жаллодларнинг каттаси, зўри.

Ж а н е т т а

Нега аввал айтмагандинг, оҳ, ёвуз бўри.

С е л и я

Нега энди қатл этади?

Б е п о

**Ажабмас асло,
Қиролимиз жондан тўйди энди мутлақо.
Қайси табиб эпломаса рицарни агар
Қирол айтди, боши кетар шаксиз, муқаррар.**

С е л и я

Шафқат йўқми?

Б е п о

Шафқат бору бойларга фақат.

С е л и я

Хўш, қанча пул афв учун бўлар инобат?

Б е п о

Тырик қолай десанг агар — йигирма беш мианг.

С е л и я

Дарҳақиқат, бир каллага арзийдиган нарх.

Ж а н е т т а

Арзийдими, йўқми — сенга бари бирмасми?

С е л и я

(шунчаки)

Ана, энди бу иш мени қизиқтирмоқда.

Ж а н е т т а

(қўрқув билан)

Эсу ҳушинг жойидами?

С е л и я

Қўрқма мутлақо!

Жон чекмасанг бирор зафар келибди қачон,

Жасурларга кулиб боқар омад бегумон.

(Беппога)

Айт, қўлимдан келармикан уни даволаш?

Б е п п о

Ишонаман, уддалайсан!

С е л и я

Мен ўзим яккаш,
Тилга солиб юборгумдир соқов рицарни.
Ва шуҳратим таралгайдир асрлар оша.
Қиролича Беатриче қошида яъни
Мартаба ҳам орттираман шунга яраша.
Фақатгина ўжар рицарь тилга кирса, бас!
Эшларманми?

М о н н а М е а

Эшларсанми?

Ж а н е т т а

Йўқса, не бўлар?

С е л и я

(елка қисиб)

Не бўларди? Жаллод Лайош калламни олар,
Пингирма беш минг тиллани тўлайман ёки.
Ҳамроҳ бўлиб боражаксан, Карлотта менга,
(Жанетта ва Монна Меага)
Сиз ҳам бирга боражаксиз Паннонияга.

(Карлоттага)

Тайёр бўлсин карета ва икки хизматкор!
Тапгри қўллар, кимки бўлса гар эҳтиёткор,
Огоҳ бўлгил, йўлтўсарлар учрар, эҳти мол.
Эҳтиётдан яна уч-тўрт қўриқчини ол.

Ж а н е т т а

(қўрқиб кетади)

Вой худойим, қачон ахир йўлга чиқамми!

С е л и я

Отлангунча бирор ҳафта ўтади сўзсиз.

М о н н а М е а

Бугун қай кун?

Ж а н е т т а

Бугунми, ҳа, душанба!

С е л и я

**Демак,
Якшанбада тайёр бўлиб, жўнасақ керак.**

К а р л о т т а

Қароқчилар бор эмиш, оҳ, ҳамма томонда.

Ж а н е т т а

Қўрқайпман!

К а р л о т т а

Оҳ, йўқолиб кетсак ёмон-да!

М о н н а М е а

Етамизми ё етолмай тамом бўламиз?

К а р л о т т а

Учовлон ҳам йўлда балким...

Ж а н е т т а

**Ҳалок бўламан.
Боз устига қаҳратон қиш у ерда ҳоким.**

Б е п п о

То боргунча келиб қолар баҳор ҳам, балъим.

С е л и я

(дафъатан, қатъий, ўз-ўзига)

**Ҳа, дарвоқе, йироқ сафар олдидан тайин,
Ҳазрат Пётр дуосини олиб қайтайин.
Тангри ўзи мадад берсин, қўлласин ғаффор.**

(Беппога)

Сен-чи, нокас, қулф соласан оғзингга зиҳор.

Б е п п о

(қасам ишорасини қилиб)

Орамизда қолар бу гап, ишонинг, бекам!

С е л и я

Токи, рицарь боришимни билмасин ҳеч ҳам.

(қатғий)

Ишонаман мени кўргач ҳасрати тарқар.

(Беппога)

Сақлайсанми ушбу сирни, жавоб бер, овсар?

Б е п п о

(таъзим қилиб)

Ишонавер, о, маликам, шу қасам гаров.
Соҳибимдек мен ҳам бўлгум бутунлай соҳов.

Парда.

ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ

Австриядаги Хайнбург қасри. Қирол қабулхонаси. Ҳашам-ни яхши кўрадиган инжиқ италян аёли Беатриче нимқоронғи бу хонани ўз дидига мос безаган. Деворларда авлиёларнинг суратлари. Гидамлар. Кенг ёзув столи, қалайн сиёҳдон, катқалам, кумуш қўнғироқ, қоғозлар. Ўнг ва чапда ётоқхона эшиклари. Уй тўрида балкон, иккита зина. Каттакон дарпардалар, қироличанинг энагаси Нарделла дарпардаларни сурати. Кечки шафақ хонани ёритади. Узоқдан орган садолари эшитилади. Олдинда қирол масхарабози Тирибитурк столи ёнидаги скамейкада ўтириб ошиқ ўйнамоқда.

Н а р д е л л а

(дарпардани сураётиб)

Ўйин жонга тегмадими, ҳой, масхарабоз...

Т и р и б и

(ошиқ. ташлаб)

**Суягингни чумолилар айласин пардоз.
Эшитдимки, сен эмишсан имонсиз сўтак,
Мижозингга ёқар эмиш бегона эркак.**

Н а р д е л л а

Эрим бор-ку.

Т и р и б и

**Нега энди гап чуватасан,
Эринг қурчоқ — ҳар мақомда жилпанглатасан,**

М а р ц и о

(чап эшикни секин очиб)

Рухсат этинг!

(Киради)

Н а р д е л л а

(хурсанд)

**О, Марино, азиз ҳамшаҳрим,
Кўп хурсандман...**

Т и р и б и

Хуш келибсиз, мирзон ширим.

М а р ц и о

Мени қабул қилмоқчийди қиблагоҳ қирол.

Т и р и б и

Жаноб ҳозир капеллада.

М а р ц и о

Кутгайман, алҳол.

(ўтиради)

Т и р и б и

Оҳ, гижжакнинг овози соз.

Н а р д е л л а

Эшит яхшироқ.

(Эшикларни очади, мусиқа овози аниқроқ эшитила бошлайди)

М а р ц и о

(ҳайратда)

Органми бу? Хайпбургда янгилик мутлоқ!

Н а р д е л л а

Понсниядан келтирилган... Хуллас, бари соз.
Маликамиз ҳизматидан сарой қўшиқбоз.

М а р ц и о

Шуцдоқ бизнинг қиролича.

Н а р д е л л а

(тантанавор)

Ўзимга раҳмат!

М а р ц и о

Ўзинг уш улғайтирган, чеккансан заҳмат.

Н а р д е л л а

(ҳануз тантанавор)

Кўкрагимни олганлари эсимда ҳамон,
Айлансами чағалоққа малика шу он.

Т и р и б и

Ва сен қайта эмчак берсанг.

М а р ц и о

(Тирибига)

Опқочасан-а,
Қандай янги гаплар бор. Хўш, сўйла ростман!

Т и р и б и

(ошиқ ташлаб)

Ҳаммаси ҳам олди-қочди.

М а р ц и о

(ошиқни кўрсатиб)

Кўриб турибман.

Т и р и б и

Австрийци қувладик ва Хайнбург сарсон.

М а р ц и о

(қўл силтаб)

Сенга айтсам, бекор юриб гап сотиш осон.

Т и р и б и

Дарвозасин очса Вена — бизники зафар.

М а р ц и о

Эҳ, Венани қўйиб тургин, у кони хатар.

Т и р и б и

**Қиролимиз масалани ҳал қилар бешак,
Сен азамат жангчиларни кўрмабсан демак.
Иўқса ҳозир бойқуш каби тақилламасдинг,
Олиб бўлмас Венани деб вақилламасдинг.
Айтиб қўяй ҳозир сенга, бўлай ҳар нима,
Хайнбургда турсак ҳамки, бир қадам Вена.**

М а р ц и о

Ҳўш, қиролнинг кайфи қалай? Биларсан сирий,

Т и р и б и

Қиролимнинг кайфияти сиркадек ширин...

М а р ц и о

(ташвишланиб)

Йўғ-е, йўғ-е, кўп оширма,

Т и р и б и

Азизим, мана.

Гап олмоқчи бўляписиз мендан росмана.

Н а р д е л л а

Нимани ҳам билардинг сен!

Т и р и б и

Орбанни кўрдим.

М а р ц и о

Епископ Дьерскийни-я?

Т и р и б и

Хазинадор, у билан мен суҳбат ҳам қурдим.

Гап шундаки, сента бугун чақа ҳам тегмас,

Аскарлар ҳам мояпасиз қолибди хуллас.

(Марцио бошини чайқайди)

Модомки, аҳволинг вой, чўнтак қуп-қуруқ..

Демак ҳар хил суҳбатларнинг ҳожати ҳам йўқ.

Марцио

Мени қабул қилмоқчийди қиблагоҳ қирол.

Тириби

(огоҳлантириб)

Гап ориқча!

Марцио жим қолади.

Хос кийимда муҳрли нома кўтарган
ҳолда **Петер** кириб келади.

Петер

*(Тириби ва Галеоттоларга бош иргаб,
Нарделлани кўриб тўхтайдди)*

Тириби

Қиблагоҳга салом учун келдинг ҳойнаҳой?

Петер

(тасдиқлаб бош иргайдди)

Нарделла

Мусиқани гинглаш билан банд соҳиб сарой,
Кейинроқ бир хабар олгин.

Петер

(иқкиланиб туради)

Т и р и б и

Сенга бари бир... -
Жим ўтириб кута бергин, соқовсан ахир,
Сухбатлашар келиб қолгач қиролнинг ўзи.

П е т е р

(бош чайқаб қўлидаги номани столга қўйишини аяглади)

Н а р д е л л а

Биласан ку бу сафар ҳам одатдагидек,
Столга қўй, то илгасин қиролнинг кўзи.

П е т е р

*(Ҳажмасини айтилгандек бажариб, Марцио, Тириби ва
Нарделлага тавзим қилиб, чиқиб кетади.)*

М а р ц и о

Бу гаранг ким? У дунёдан келганга ўхшар!

Н а р д е л л а

У — Агардв Петер!

Т и р и б и

Яъни, Матяшга аскар,
Соқов Петер! Тўғривоғи, соқов баҳодир.

М а р ц и о

Бу — ўшамми?

Т и р и б и

Худди ўзи!

М а р ц и о

Италиядан

Соқов бўлиб қайтган рицарь, демак, ўшадир?!

Т и р и б и

Худди ўзи деяпман-ку, дoston ҳар иши,
Ҳар ишяни дoston қилган — қайтмас қиличи.

М а р ц и о

Мўъжизалар кўрсатган у соқов ҳолида...

Т и р и б и

Ти: доврўғи шеър, қўшиқдан баланд ҳамиша.

М а р ц и о

Наҳот шўрлик то ўлгунча соқов қолса-я!

Т и р и б и

Ким билар, у — итальянча касал бўлса-я.

(ирғиб туради)

Оҳ, Нарделла, ичиб келай бирор қултум май.

Н а р д е л л а

Майхўр зоти турармикан бир лаҳза ичмай.

Т и р и б и киради.

Т и р и б и

Ўзум шаффоф, тароби-чи, ундан яхшироқ,
Май ичишга тайёрман мен, Марцио, ўртоқ.

М а р ц и о

Худо сени ёрлақасин.

Т и р и б и кетади.

Н а р д е л л а

Ичар ўтириб,
Ўиролича можар эмас, ўзга миллатдан
Дейишгача бориб етган булар қутуриб.

М а р ц и о

Ҳай, қўя қол бу гапларни, жоним энагам,
Ўироллардан сўз юритмоқ бизларнинг ишмас.
Смёсатда баёнларнинг ўзлари ҳакам,

(эҳтиёткор)

Бошиқа гап бор иккаламиз сўзлашсак агар.

Н а р д е л л а

(қизиқиб)

Қанақа гап?

М а р ц и о

Маликадан ўзинг бохабар,
Энагасан, у ҳам сени ёмон кўрмайди.

Н а р д е л л а

Тўппа-тўғри, гарчи, бир оз бефарқ маликам,
Лекин мендан юз бурганмас, илло бурмайди.

М а р ц и о

Шу кунларда меҳмон келди Италиядан,

(бошқа оҳангда)

Ўзинг ахир италянсан...

Н а р д е л л а

Бешубҳа, чиндан!

М а р ц и о

Эса, гала можарларнинг орасида биз,
Бир юртдошга ёрдам берсак савоб бўлади.

Н а р д е л л а

Хўш, нима иш қилай, айтгин?

М а р ц и о

(узукни олиб)

Мана буни ол,
Совға ҳали мўл бўлади. келмасин малол.

Н а р д е л л а

(узукни тақиб)

Нечун бунча мулозамат?

М а р ц и о

Римдан меҳмон бор.

Аёл киши, ҳурматини қилмоғинг даркор.

Н а р д е л л а

Қандоқ ҳурмат? Тушунмадим?!

М а р ц и о

Хулласи калом,

Маликага рўбарў қил уни, вассалом!

Н а р д е л л а

Бирор ҳуқуқ ё имтиёз туфайлими, ё...

М а р ц и о

Сен чўчима! Керак эмас имтиёз асло,

Ўзим борман, қолган ишга мен ўзим пешкаш.

У аёлни сен билмайсан, у жуда дилкаш,

Ярим дунё божин берар у аёл учун,

Ундан мактуб оласан ва топширасан сўнг.

Маликага эса бугун учраштирмоқ шарт.

Н а р д е л л а

(ҳаяжонда)

Ҳаммасини бажараман, келсин, унга айт!

Фақатгина тезроқ, тезроқ!

М а р ц и о

(нозик табассум билан)

Шу ердадир у,
Тўғрияроғи, ўнг томонда, хиёбон ёқда,
Хос маъбуда ҳайкалининг қошидадир у,

Н а р д е л л а

Қиммат ҳайкал!

М а р ц и о

Жориялар билан бечора
Ғусса чекиб, худойимдан сўрайди чора.

Н а р д е л л а

Шўри қурсин, оҳ, муштивар италян аёл.

М а р ц и о

Биласанми, энг яхшиси, ўзинг бора қол
Ва тосканча лаҳжа билан кўтар кўнглини,

Н а р д е л л а

(бораётиб)

Нима деб гап бошлайин, хўш, кўрганда уни?

М а р ц и о

Сал кейинроқ яна қайта келаман, деб айт.

Нарделла

Майли, кетдим! Аммо-лекин ўрнингдан жилма,
Бу ишларга бурун тиқиб, фикримни бўлма!

Нарделла чиқади. Жимлик. Марцио эшик томон бориб
мусиқа тинглайди, эшикни очади, ўнгга бурилиб, бирдан таъзим
билан қотиб туради. Матяш ва Беатриче кузатувчиларсиз
кириб келади.

Беатриче

(эркаланиб)

Еқдим, хўш, қамюртларим саъвати қалай?

Матяш

(сертакаллуф)

Ниҳоятда жозибадор, ростини айтай.
Сен сабабкор — яшнаб кетди Хайнбург қасри.
Юракларни қисадиган тунд эди асли!

Беатриче

Энди эса, кўряпсанми?..

Матяш

Бошқача мутлоқ,
Қон тўқилган майдонларда чечаклар порлоқ.

(Марциога кўзи тушиб)

Марцио ҳам шу ерда-ку? Ҳой Галеотто!

М а р ц и о

(олдинга чиқиб, таъзим қилади)

Мени қабул қилмоқчийди қиблагоҳ қирол.

(Беатричега таъзим қилади)

Ва қиролича!

Б е а т р и ч е

(хуррам)

Хурсандмап ғоят.

М а т я ш

Қандай қабул?

(кулиб)

Бўшаб қолган чиқар ҳамёнинг!

М а р ц и о

(маънос)

**Меҳмон бўлиб келган эдим. Утди қанча вақт.
Кутаётир Феррарада хотиним, қизим.
Италия томон кетай, берсангиз изн.**

М а т я ш

Қар бир ишнинг фурсати бор, сабр қил бир оз.

Марцио

Давлатпаноҳ!

М а т я ш

(номани йўқиб, четга улоқтиради)

Бялиб қўйгин, сен Будага борасан дарҳол,
Бошимизда эсаётир ёқимсиз шамол.
Папа фақат пул чўз дейди, хўш, пул қаёқда?
Худойимнинг ўзи назар солсин биз ёққа!
Солиқ тушмас, бож тушмайди, хазина бўм-бўш,
Қиролига пул беришга ҳеч кимда йўқ хуш,
Мана, ҳозир келтирмишди Агарди хабар.
Чўнтагида бир чақа йўқ, норози аскар.
Ҳатто отга берай десак емиш, хўрак йўқ,
Номимиз кўп улуғ эрур, супра-чи қуруқ.
Хазинагда пул бўлмаса, уруш урушмас,
Ҳар қадамда битта галва, ишинг юришмас.
Ваъда бердим бироқ сенга, азиз Марцио,
Ора йўлда қолдирмасман.

Б е а т р и ч е

(табассум билан)

Қолмассан, асло.
Ўз ҳақингни олажаксан Будада бешак,
Қирол сени алдамайди, хизматинг юксак.

М а т я ш

Царвардигор, ўзи бизга марҳамат қилгай!

М а р ц и о

(таъзимда)

Оҳ, шундоқ бўлгай.

М а т я ш

Омон-эсон то Будага бормогинг учун
Карвон билан қўриқчилар берилар сенга,
Соқов Петер шайлар сени, буюрдим унга!

М а р ц и о

Сизга ўзи паноҳ бўлсин қодири гаффор.

Б е а т р и ч е

Сенга эса оқ йўл берсин.

М а р ц и о таъзим қилади, пауза, Б е а т р и ч е унинг изидан
тунд қараб қолади. М а т я ш Б е а т р и ч е н и кузатиб туради.

М а т я ш

(хўрсиниб)

Шўрлик Марцио...

(Беатриче тетиклашади)

Жининг суймас, биламан.

Б е а т р и ч е

Юртдошларим орасида ягона ўша
Тинч бошимга солиб юрар турли харжам.

М а т я ш

Наҳот сенга ганим бўлса?

Б е а т р и ч е

Очиқ-ойдин гап.

Шаҳоданинг асабини юради қайраб.

М а т я ш

У бошқа гап! Углим Янош инсофли, тоза!
Бордир унда ислиқболга лойиқ андоза.

Б е а т р и ч е

Сенинг ўглинг! Қиролича тугмаган лекки.

М а т я ш

(файласуфларча)

Энг муҳими — отаси мен! Этганман бунёд.
Елгиз ўглим! Меросхўрим, ягона зурёд.
Бўлак кимга қолар эдя Италия тахти?
Чор атрофда фикри бузуқ, очкўз боёнлар
Бамисоли хира пашша, ўтказар умрин,
Теги зоти ғар, бузуқи, номаълум жонлар.
Хўш, ўзингнинг отанг-чи, хўш, ўзингнинг отанг?
Альфонсонинг зотдор ўгли, ўйнашдан бўлган,
У ҳам қанча ҳаром фарзанд ясаб улгурган.
Демоқчиман, Яношни сиз юзимга солманг,
Иштони йўқ бошқалардан кулса яхшимас.

Б е а т р и ч е

Хайнбургни зулмат қоплаб келмоқда тагин,
Бахтсизман, оҳ, сочмоқдасан қаҳр-ғазабинг.

М а т я ш

(юмшаб)

Ундай дема, бир лов этиб сўнгра ўчаман,
Сенинг дилбар каёлингга тагин кўчаман.
Энг яхшиси, гаплашмайлик бу ҳақда, жоним,
Энгаш менга.

Б е а т р и ч е

(жўлмайиб энгашади)

Қуллуқ, қиролим.

М а т я ш

(пешонасидан ўпади)

Ҳукм сурсин осойишталик.

Ичкаридан Н а р д е л л а чиқади.

Ким экан у? Энагами? Хўш, нима керак?

Н а р д е л л а

(каловланиб)

Ҳазрат...

Б е а т р и ч е

Нега келдинг?

Н а р д е л л а

Нима эди... Ҳалиги... ҳа.

Б е а т р и ч е

Шошмасдав гапир!

М а т я ш

**Қопқондаги тулки каби думингии бурма,
Нега келдинг? Эшитайлик! Айгиб бер ахир!
Германми, Турк — қайси бири жўнатди сени?**

Н а р д е л л а

Ўқ, йўқ! Ҳеч ким жўпатганмас, мен ўзим келдим!

М а т я ш

Муродинг не?

Н а р д е л л а

**Қабулингда мусофир аёл,
Ҳасратини сўйламоқчи, ҳиммат қила қол!**

Б е а т р и ч е

Эрта келсин!

М а т я ш

Нега энди қараб турибсан?

Н а р д е л л а

**Бир зарурат туфайли у сарсон бўлибди,
Қабул қилгин, атайин у Римдан келибди.**

Б е а т р и ч е

(қизиқиб)

Римдан? Балки итальяндир?

М а т я ш

Мақсади нима?

Н а р д е л л а

**Маликамиз изидан у бечорагина
Отланибди Пожон томон Будада чикиб,
Ва ахийри Хайнбургга келибди етиб,
Енида бор қўриқчиси, жориялари,
Кўп хатарли йўллар ошиб, келмиш сиз сари.
Раҳм қилинг, қўллаганни ахир қўллашти,
Пир ҳазратим сизга ундан мактуб йўллапти.**

Б е а т р и ч е

Бизни гоёт қувонтирар бундайин мактуб.

М а т я ш

**Уни аёл келтиргани фақат номатлуб,
Модомки, сен хоҳлайсан.**

Б е а т р и ч е

Римдан келибди,
Тўхтамасдан, биз томонга агай елибди.

(Нарделлага)

Айтгин, кирсин!

(тантанавор)

Италия, сенда эрур доим хаёлим,
Сенинг мовий кўрфазларинг тушда кўрарман.
Сегинч билан, умид билан сўнар мажолим,
Ваганим, деб сенинг учун ёшлар тўкарман.
Менинг согинч гулларимни денгизлар мавжм
Элтсин энди у қадрдон диёрга, ҳайҳот.
Неополда қиролича эдим, энди-чи,
Қайтолмасман, айри тушдим юртдан умрбод.

М а т я ш

Қиролича эурсан-ку Можаристонда,
Бордир ахир бунинг ҳам сал аҳамияти.

С е л и я кириб таъзим қилади.

М а т я ш

Берироқ кел, берироқ кел, муҳтарама зот.

Б е а т р и ч е

Италянмисан?

С е л и я

Сиз сингари, хоним.

Б е а т р и ч е

Дадил, жасур сўзларкансан — менга ёқди.
Сен бегона эмас менга.

М а т я ш

Кимсан сен ўзи?

С е л и я

Сизга соме, исмим эса Селия эрур.
Қаршини изда тиз чўкишдан ҳайиқмагайман.
Ўтинчим бор оддийгина, аниқ, жўнгина,
Ҳазратимнинг мактубини бермоққа шайман.

(таъзим билан номани узатади)

М а т я ш

Пир ҳазратим элчини ҳам топибди ўзи.

С е л и я

Ўшбу нома — каминанинг йўлчи юлдузи.

Б е а т р и ч е

Ташвишланма, кимки ўнса ҳазрат қўлини,
Гуллар билан безагайман унинг йўлини.

(Номани очиб ўқийди, жимлик! Нома тиззасига тушади)

Вой, худойим!

М а т я ш

Нима бўлди? Сенга не бўлди?

(Беатриче жазоб бермайди)

Рангингда ранг қолмади-ку, яширма, не сир?

Б е а т р и ч е

(ўзига келиб)

Энг бебаҳо мактубдир бу! Номаи бахтдир!

М а т я ш

Нималарни ёзмиш папа?

Б е а т р и ч е

(бахтиёр, энгикиб, номани узатади)

Аниқ мўъжиза!

Жимлик, Матяш номани ўқийди. Селия бош эгиб уларни кузатади.

М а т я ш

(тўнгиллаб)

Сенмисан шу?

С е л и я

(қатғий)

Ҳа!

М а т я ш

(қатғий)

Бошинг кетар, қўрқмайсанми?

С е л и я

(беларво)

Даволайман! Қўрқувим йўқ шу сабабдан ҳам.
Менга эски таниш эрур Петер Агарди.
Даргоҳимда меҳмоним ҳам бўлганди бир дам,
Мени ҳам тинч қўймаётир рицарнинг дарди.
Бир жасорат ҳис қилдим у ўзимдан ўзим,
Даволайман дея келдим, шул эрур сўзим.

М а т я ш

(масхараомуз)

Сен-а? Сен-а? Даволайсан?

С е л и я

Даволайман, ҳа!

М а т я ш

Билиб қўйгин, юзлаб табиб бўлди шарманда!

С е л и я

(хотиржам жилмайиб)

Мен олгумдир соқоьликнинг машъум тамгаси.

М а т я ш

Бешқалар ҳам шундай деган.

С е л и я

Билмам бошқасин!

Гап шундаки, мен улардан кўра қобилроқ!

Б е а т р и ч е

**Ахир уни жунатибди папанинг ўзи,
У алхимик эмас, ахир! Кўзбойлогичмас.
Имени бор банда экан, рост бўлса сўзи,
Кароматин зоҳир этса, сира ажабмас.**

М а т я ш

**Кароматчи бўлсанг агар — мададкоринг ким
Ва ўзинг ким?**

С е л и я

Менми? Аёл!

М а т я ш

Бор йўғи шуми?

(масхараомуз)

Аёлларнинг пуч гаплари орасида, рост,
Елгиз бир сўз ҳаққонийдир: аёлман дединг.
Қандай гўзал каломдир бу! Этгумдир эъвоз!

(унга қарайди)

С е л и я

(ноз билан)

Нима дердим! Кафилликка етади шу ҳам!

М а т я ш

Бекинмачоқ ўйнаяпсан — ғазабим ёмон!

С е л и я

Мен қўрқмайман!

М а т я ш

Сени кутар жаллод болтаси.
Лақиллатган эркак бўлса — дордир жазоси.
Ҳеч қандай шарт керак эмас, товламачилар
Саркардани лақиллатди! Фирибгар улар.
Ундайларга тоқатим йўқ менинг ҳеч қачон,
Жазосини беражакман, қатъий беомон.
Етар энди, чидаб келди рицарь барига,
Табибларнинг кўп бемаъни қийноқларига.
Азобларга бермам энди баҳодиримни,
Ҳар бир ишга ҳам моҳиру ҳам қодиримни.
Ким даволаб уддасидан чиқмаса агар
Сўзим битта: қатл этилар ундай фирибгар!
Уқдингми?

С е л я

Ҳа!

Б е а т р и ч е

Уринганди баъзи сохтакор,
Ҳаммася ҳам эплаблмай чекинди ночор.

М а т я ш

Тирик қолай десанг, билъакс, гап индаллоси,
Нигирма беш минг тиллодир — бошинг баҳоси.

С е л я

Тонмагайман!

Б е а т р и ч е

Хотиржамсан, қойилман!

М а т я ш

Бироқ,
Шундай гўзал бошдан жудо бўлиш хунуқроқ.
Аягайман на муҳаббат, на бахтингизни,
Рицарга ҳам айтдим буни, гапимга йўқ шак,
Уддасидан чиқолмасанг — ўласан бешак!

С е л я

Чақир, Соқов Петерни тез, муҳтарам қирол!

Б е а т р и ч е

(тантанавор)

Сен итальянсан, шундоқми?

С е л и я

(таъзим қилиб)

Қуллуқ!

М а т я ш

(қўнғироқ чалади, Селияга)

Омадингни берсин-да, ўжар.

С е л и я

Бир сўровим бор?

М а т я ш

Нима эди?

(хизматкор кириб, эшикда тўхтайдди)

Майли, кейинроқ:

(хизматкорга)

Қиролича чорлади де, рицарь Агарди
Кирсин буён.

(хизматкор таъзим билан чиқади)

Беатриче

(Селияга)

Дилингда ҳеч дардинг борми, яқинроқ кел, айт.

Селия

Бор!

Матяш

Хавотирдасап?

Селия

Табибларнинг самараси ишдан кейин,
Агардинг ишониши менга ҳам қийин.

Матяш

Аmmo азал танишинг у?

Селия

Ҳамма гап шунда,
Қайсарлиги тутмаса деб қўрқаман жуда.

Беатриче

Нега энди?

Селия

(Ёлгон айтади)

Менинг бошим асрамоқ бўлиб,
Ҳайдаб солар балки таниб, газабга тўлиб.

М а т я ш

Жодаларинг ўтмайдиэи?

С е л и я

Фақат иккинчис

**Менга мадад бермоқликка етар кучингиз.
Унга мени ёши қайтган, кампир деб айтинг,
Ҳим папаси қасамингиз бекор қилмоққа
Сенга атай жўнатган бир табиб деб айтинг.**

М а т я ш

(совуққон)

**Можаристон қиролиман, масхарабозмас!
Ҳим шайтони! Жақиллатмоқ бўласан абас!**

Б е а т р и ч е

**Азиз қирол, жаҳл қилма, шайтонга бер ҳай,
Ахир уни ҳазрат папа жўнатган атай.**

С е л и я

(тезгина)

У мактуб ҳам берган мендан.

М а т я ш

(гапни бўлиб)

Қиролича нима деркин?

Б е а т р и ч е

Розиман шөп!

Балки Петер ҳаётингни тилаб ҳам олар?

М а т я ш

(Селияга)

Иўқ, мутлақо! Умринг гаров! Гап кучда қолар!

С е л и я

Ташаккурлар бўлсин сизга, шошли ҳукмдор!

Х и з м а т к о р киради.

Х и з м а т к о р

Остонада ҳозир бўлди Агарди — ризары!

М а т я ш

Олиб кирилинг!

(Селияга)

Сен дарнада орқасида тур.

Х и з м а т к о р кетади. **С е л и я** парда
орқасига ўтади. **П е т е р** киради.

О, шавкатли ридаримсан, Агарди Петер,
Қиролича таклиф этган сени бу ерга.

Б е а т р и ч е

**Келмиш бизга худойимнинг ўзидан пайғом,
Тилга киргай, иншоолло, соқов батамом!**

(қисқа жимликдан сўнг)

Ташриф этди, хуллас калом, энг машҳур олим.

П е т е р

**(Ҳайрат ичра безовталанади. Бари бир фойдаси йўқ-ку,
дегандай бошини эгади.)**

Б е а т р и ч е

(юпатиб)

**Нокаслар ҳам келган эди, бу бизга маълум,
Буниси ҳам ўшалардан бири дерсан-да.**

П е т е р

(жилмаяди)

Б е а т р и ч е

**Йўқ, бу бошқа! Рим папаси жўнатмиш махсус,
У ҳақиқий олим экан, даволар, шаксия.
У шу ерда, рицарь, энди курсанд бўла бер.**

П е т е р

(жилмаяди)

Б е а т р и ч е

**Қақатгина жилмаясан, синов, қийноққа
Яна бир бор чидайсан да, Агарди Петер!**

П е т е р

(йўқ дегандай бош чайқайди)

Б е а т р и ч е

Ўтишиб мен сўрасам-чи... Илтимос қилсак...

(қиролга қарайди)

М а т я ш

Ҳа, илтимос, умидвормиз бу сафар гоят.

Б е а т р и ч е

Ўп дея қол, сўзим ерда қолмаса шояд!

П е т е р

(бу гаплар нимага керак, дегандай ишора қилади)

Б е а т р и ч е

**Ўз-ўзингни бунчалар ҳам қийнама, ринизъ,
Ўйлайманки, бошқалардан бу табиб бехтар,**

П е т е р

(сал-пал юшайди)

Б е а т р и ч е

Не бўлса ҳам рози бўлгум, этмагил царво.

П е т е р розилик билдириб, таъзим қилади.

Б е а т р и ч е

(шошиб)

Раҳмат сenga!

М а т я ш

Мен ҳам хурсанд, айни муддао!
Қулоқ солгин гапларимга, азизим, ридарь,
Агар даво тополмаса ўша жодугар,
Ўз қўлингга топширгайман, ўзинг билгайсан.
Яъни лойиқ жазосини ўзинг бергайсан.

П е т е р фиғони чиқади.

Б е а т р и ч е

Фурсат етди, фармонингги эълон эт, қирол!

М а т я ш чапак чалади, хизматкорлар
кирадилар.

М а т я ш

(хизматкорга пардани суришни буюради)

Шифокорни чақир, қапи!

Б е а т р и ч е

(юкиниб)

Паргардигорим,
Раҳм қилгил, кушойишин ўзинг бера қол!

Ҳ а м м а сукут ичра кутади. С е л и я
зинадан тушиб келади, П е т е р г а
секин яқинлашади. П е т е р С е л и я г а
ҳайрат билан боқади, дастлаб уни танимайди.

С е л и я

(унга яқин келиб)

Унутганинг йўқми мени, баҳодир йигит?

(Петер ҳаяжонда, жимликдан сўнг таъзим қилади.)

Б е а т р и ч е

(ибодат қилиб)

Ўзинг қўлла, илойим!

(М а т я ш г а тикилади)

М а т я ш

(юпатиб)

Қалтирама, ўзингни тут, оғирроқ бўлгин!

*(Петер Матяш ва Беатричега, Селия бу ерга қандай қилиб
келиб қолди, деган маънода қарайди)*

М а т я ш

(Петерга)

Нега энди ҳайрон бўлиб қараб турибсан?
Билиб қўйгин, туш эмас — ўнг, неки кўрибсан.

**Халоскоринг айтмоқдаки, таниш эмишсиз,
Тилга солиб юборармиш у сени сўзсиз!**

(Селияга қарайди, у бош ирғаб, жилмаяди.)

Б е а т р и ч е

**Биз сен учун дуо қилиб турайлик, рицарь,
Табиб эса ўз ишига киришсин.**

М а т я ш

Мард бўл!

(Петер тасдиқлайди. Матяш ва Беатриче дуога ибодат қила бошлайдилар, Селия қимтинган ҳолда Петерга яқинлашади.)

С е л и я

**Ер юзига донғи кетган шонли Агарди,
Сен туфайли олис йўлга отландим, билсанг.
Йўл азобин енгиб келдим, ўзингга эпди
Бир маҳаллар айтган сўзинг қайтариб берсам...**

(Петер титраб кетади)

**Неаполнинг хос элчиси бу ерда бўлмиш,
Дўст орттириб, сизлар билан ўйнамиш, кулмиш.
Сенинг шонли ишларингни дoston этмиш у,
Шонли рицарь, сенга атаб шеърлар битмиш у.
Аммо бир сир сирлигича қолмиш дostonда,
Чунки, сенинг дардинг фақат менга аён-да!
Бир йил собит, ун чиқармай, сукут сақлабсан.
Демак, берган ўз сўзингни шобн ёқлабсан!
Лабларингга босган муҳрим этгайман бекор,
Сўзла, куйла, бақир-чақир, сенда ихтиёр.**

(Петер жим туради.)

С е л я

(шошиб)

Нега энди жим турибсан? Уңмадингми ё?
Қатағонни бекор қилдим! Ҳад йўқ мутлақо!
Гапира бер! Тилга киргин! Қасамни унут!

(кутади)

(Петер жим туради)

С е л я

(безовта бўлиб)

Во ажабо! Нима бўлди? Бу нима сукут?
Тилинг соқов, қулоқларинг чиндан ҳам карми?
Уз товущинг ўзингга ҳам ёқмас, баттарми?

Жимлик. М а т я ш ва Б е а т р и ч е бу ҳолни безовта куз-
тади. М а т я ш гапирмоқчи бўлади, аммо Б е а т р и ч е рўйхуш
бермайди.

С е л я

(орғиқча бегоҳағлаиб)

Нечун жимсан?

(Петер жим туради.)

С е л я

(Матяш ва Беатричегга хавотирли қараб)

Уз-ўзингни қайнама бекор.
Танбеҳ бўлди ўтган гаплар! Унутмоқ душвор,

Қалтис бұлди ўйинимиз, кўп қалтис ҳазил,
Ўғинаман, унут энди, энди унутгил.
Ўзим келиб турибман-ку қошингга-ахир,
Тавба билан тазарруга бўлганмас асир.
Йўқ аввалги ўжарлигим, ютқаадим-туғал,
Олиб қўйгум лабларингдан муҳри бу гал.
Гапира қол! Тилга киргил! Ўжарликдан қайт!
Ҳеч бўлмаса, «авф эгаман» деган сўзни айт!
Сўзла ахир!

П е т е р

(жим)

М а т я ш ўрнидан туриб кетади, Б е а т р и ч е
уни тинчлантиради.

С е л и я

Елбораман, бирор нима де!

(Петер йўқ дегандай бош чайқайди)

С е л и я

Елборишим беҳудами? Гапирмайсанми?
Билиб қўйгин, иродангга боғлиқман тўлиғ.

*(Қаттиқ ҳаяжонда Матяш ва Беатричега қарайди. Петер
қўлларини кўксига чалиштирганча тунд, қатғий тўраверади)*

М а т я ш

(Селияга совуққон)

Тонгдан буён кутмоқдаман! Чиқмас овози!
Англадиман, яхши эмас бардошининг ози.

С е л и я

(ноқулай аҳволда)

Яна бирпас, шафқатпаноҳ!

М а т я ш

Тез бўл дейман! Лақиллатма, бас.

Б е а т р и ч е

(Селияга қўрқув билан)

Наҳот, тамом! Чора топилмас?

С е л и я

Йўқ. ундоқмас, қиролича!

(Петерга)

Тўғрими гапим?!

(Петер жавоб бермайди.)

С е л и я

(Беатричега)

**Рицарь билан мен юзма-юз келганим маҳал,
Ростин айтсам, йўқотганим ўзни даставвал.
Мана энди, қўрқув ўтди, келдим ўзимга,
Уни тилга солиш йўлин... топдим... эсимда...**

М а т я ш

Уддасидан чиқолмасанг...

Селия

Муҳлат сўрайман!

Матяш

Қанча?

Селия

(мавҳум)

**Умидворман сабр-тоқат ёр бўлса агар,
Тонгги шафақ ёнгунича сўзлар муқаррар.**

Матяш

**Бир кун фурсат сўрагандинг, тугади муҳлат,
Рицарь бўлса ўша-ўша, ўтаётир вақт.**

Селия

...Яна сал-пал...

- Беатриче

Саҳаргача чидагин, Матяш!

(Селияга)

**Юлдузларга қарадингми, буржлар қанақа?
Яхшилиқми, ёмонликни айтар самовот?
Тун оққанда юлдузларнинг ўрни ҳам бошқа,
Шул сабабдан, вақт ўтмасин, бўлгил эҳтиёт..**

С е л я

(фигр қилиб, дадиллашиди)

Эсим қурсин, қай жин уриб, фаромуш қолдим,
Чалкаштириб юборибман шифо усулин,
Рухсат айла, ўтинаман, азиз қиролим,
Қўллаб кўрай даволашнинг энг асил йўлин;
Кўринмасин на кундузи ва на тун, на осмон,
Сукунатда даволайман, бўлсин тинч ҳар ён.
Ўтинаман, рухсат бергни...

Б е а т р и ч е

(ёлбориб)

М а т я ш, қиролим!

М а т я ш

(Петерга)

Розмисан унинг ғалат синоқларига?

(Петер ўйлаб туриб, розилик билдиради.)

С е л я

(хурсанд)

Оҳ!

М а т я ш

(Селияга)

Сен айтганча бўла қолсан.

(Бсагричени кўрсатиб)

Булар туфайли
Тун сеники!

С е л я

(таъзим қилади)

Қуллуқ, қирол!

(Петерга)

Сенга ҳам қуллуқ!
Ярим кеча мени кутгил.

(Петер Матяш ва Бсагричега таъзим қилади.)

М а т я ш

(Селияга)

Унутма бироқ,
Сеҳру жодунг иш бермаса, оқибат агар
Тилга келмас экан энди шавкатли рицарь,
Билиб қўйгин, ўзинг учун гўр қазарсан сен,
Авф йўқдир, маҳв бўларсан, ютқазарсан сен.
Мен — можарлар ҳукмдори, зотман бешафқат,

(Петерни кўрсатиб)

Тилга киргиз ёки тилдан қолгайсан абад!

Парда

БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

Хайнбург қасри, Петер ҳузурида. Ҳовли. Тўрда девор. Деворда туйнукли миноралар. Улкаи дарвоза кўриниб турибди. Девор буйлаб гуллар, майсалар ўсган. Биби Марям ҳайкали олдида шамлар милтираб турибди. Нарироқда каттакон тош қудуқ. Чап томонда туйнукка олиб чиқадиган зиналар. Саҳна қоронғилашгач, фақат минора ичи ялдиғланиб, гоҳ-гоҳ фонарь ва машғаллар кўриниб қолади. Юлдузли осмон. Кейинроқ ой кўтарилади. Саҳна кимсасиз. Кейин дарвоза орқасидан овозлар эшитилади. С е л и я, М о н н а М е а, Ж а н е т т а К а р л о т т а ва Б е п п о чиқадилар. С е л и я Биби Марям ҳайкалига яқинлашиб ҳаяжон билан юкина бошлайди. Б о ш қ а л а р ҳаяжонда.

Б е п п о

(фонарь тугиб)

Тез, бу ёққа!

К а р л о т т а

Вой худойим, бу қанақа жой!
Қандоқ юрт бу?! Улиб кетсак керак, ҳойнаҳой!

М о н н а М е а

Балчиқми бу, нима бало.

(оғриқдан қичқиради)

Ботдим-ку қонга,

Ж а н е т т а

Эганим юшқа, тун совуғи азобдир жонга.

Беппо

**Италия илиқроқдир, севиклим, бироқ,
Бизни унча иситмади унинг қуёши.**

Монна Меа

Қоп-қоронғи, зулмат бунда...

Жанетта

**Дарвоза, равоқ...
Улай дедим, бошмидир бу ё сойнинг тоши.**

Карлотта

Хўжайининг қайда ўзи?

Беппо

Қасрда?

(фонарни баланд кўтариб)

Қара!

Карлотта

Кўрпман, кўряпман! Жуда ажойиб!

Беппо

**Гарчанд унинг манзилгоҳи эмасдир сара,
Лекин унинг ўзига мос, жимжит, гаройиб.
Ўйингизда тилдан қолиб бўлганди соқов.**

Монна Меа

Бизлар уни даволашга келганмиз атай!

Б е н н о

Юзгаликдаш юзга гавга — Сизларга сийлов!

К а р л о т т а

Бизга сийлов керак эмас.

(Беннога)

Ху, баттол малай,
Эртаю кеч тошинади хоним серфирок,
Ҳаммасига сенинг ўша рицаринг сабаб.

Ж а н е т т а

Бас қил, Бенно! Ана, ўчди равоқда чироқ,
Бурғу янграр, келаётир кимдир биз тараф.

К а р л о т т а

Вой худойим! Тинчликмикан?

Ж а н е т т а

Бурғу чализда.
Ҳой, Селия.

(Селия жавоб бермайди)

Эшигдингми?

Бурғу овози яна янграйди.

М о н н а М е а

Овози ўчди!

Учинчи бор бургу овози эшитилади! Зинани
ҳира фонарь ёритади.

Петер пайдо бўлади.

Алланечук бўлиб кетдим! Нима бу?

Беппо

Бургу!

Висол пайти етганини эълон қилди у!

Жанетта

Тун ҳам ярим бўлиб қолди!

Монна Меа

Етар, Селия!

Ибодатинг тугата қол!

Селия

(Ибодатни тугатиб, Беппога кибрли қарайди.)

Роппа-роса ўн иккига таклиф этилган,

Қани менинг рицарим, хўш?

Мен келдим! У-чи?

Беппо

(атрофга аланглаб)

Мана, мана, маъзур тутинг, рицарь ҳам келган!

Петер аввал Селияга, кейин бошқа хонимларга
таъзим қилади. Бошқалар шивир-шивир қила бошлайдилар.

Карлотта

Ўзгармабди!

Жанетта

Живдак озибди.

Монна Меа

Сочига оқ оралабди!

Жанетта

Рангини анча олдирибди.

(Селияга)

Кетаверайликми?

Монна Меа

Қолайликми ё?

Карлотта

Қайся маъқул, буюринг, хоним!

**Селия ва Петер бир-бирига сўзсиз
қараб қоладилар.**

Бенцо

(аёлларни четга тортиб)

**Қани, кетдик, ҳув у жойда ажиб гўша бор,
Кўзаларда қайнаб ётар май ҳам кўп хумор.
Бошлаб борай.**

(тўхтаб)

Аmmo-леккин сизлар учовлон.

(Гитарасини чалиб)

Оҳ, гитарам, ёрдам бергин менга, қадрдон.

Б е п о А ё л л а р билан дарвозадан чиқиб кетади.

Жимлик. С е л и я ва **П е т е р** бир-бирига
қарайди. **С е л и я** енгил нафас олиб,
П е т е р га шошиб яқинлашади.

С е л и я

Елғиз қолиб, сенинг билан энди, хайрият,
Суҳбат қилиб олажакман, ушалди ният.
Тепамизда милтираган юлдузли осмон,
Теграмизда савлат тўккан ҳайбатли қўрғон —
Фақат улар гапимизга шоҳиддир, колос.
Иккимизга аён фақат юракдаги роз.
Ва бул гаудан воқиф фақат қодир эгамдир,
Қодир эгам даргоҳи кенг, танҳо ҳакамдир.
Юрагимни очай дангал, бўлйин иқрор.

П е т е р

(бош иргайди)

С е л и я

(ўзини оқлаб)

Мен аёлман! Аёл қалбин тушунгил зинҳор.
Катта кетдим! Мақтанчоқляк қилдим, рости гап,

Гўёки мен қўядиган ҳар қандай талаб —
Сенинг учун қатъий қонун бўладигандай
Ва бошқалар бундан қейил қоладигандай.
Энди эса, ҳаммасини англаб турибман,
Менга қаттиқ сабоқ бўлди, фаҳмлаб гурибман.

П е т е р

(жим туради)

С е л и я

(ганга солиб)

Қоронғи тун, суҳбатимиз биров эшитмас,
Гапира қол! Тилга киргил! Гапира қол, бас!

(чидамай)

Уч йил соқов бўлурман деб ичгандинг қасам,
Икки йили қолмиш яна! Уйлаб қарасам,
Юрагингда муҳаббатининг ўчгандир чўғи.
Демак, бундоқ аҳд-паймоннинг боридан йўғи.
Бошқа биров учун ахир соқов бўлмассая?

П е т е р

(жилмаяди)

С е л и я

(тик қараб)

Ҳа, ўзингга сўз бергаисан, ичгансан қасам!
Соқов сенсан, қўрққан-чи, мен! Нимадир сабаб?
Енгилгина зафар эди мендаги матлаб!
Қиролкигининг таважжуҳин қозонмоқ учун,

Бир ҳаракат қилмоқчийдим, етганча кучим.
Худбинлигим сўнг ўзимни қафасга солди,
Ғолиб чиқдинг — умрим сенинг қўлингда қолди.
Ужар инсон, мени бунча қийнамоқ нега?
Нега ортнқ маломатлар қилурсан менга?
Ганни ҳам қўй, фақат бир сўз айта қол шу пайт,
Муҳаббатинг изҳор айла, «севаман» деб айт!
Вой худойим, уят ифродулла қозим,
Ё талабинг каттароқми?

П е т е р

(бош иргайди)

С е л и я

(баттар гўлгула билан)

Берсин-да тўзим!
Мени қатл этишларян хоҳлайсанми ё?
Қизил қонга бўялсинми тонгда қамма ёқ?
Худо ҳаққи, бисёр этма дилда аламни,
Топтамоққа тайёрманми тонгда мурдамни?
Лабларингдан, майли, гашиб сўзлари учсин,
Қулоқларим овозингни лекин эшитсин.
Майли, ёмон сўзлар билан қақорат қилгил,
Тилга кирсанг мен яшайман, сен яхши билгил.

(кутади)

Айтган ўша сўзларингни эслайман ҳамон:
Вайсамоқдан сукут менга дегандинг осон.
Айт-чи, шундоқ деганмидинг?

П е т е р

(жаъқуллаб бош иргайди)

С е л и я

(маънос)

Өсингдами, а?

(Петер бош иргайди.)

С е л и я

**Кулфат, юпанч, хурсандчилик, ҳасрат ва гина —
Барчасини унутмасдан юрибсанми ё?..**

П е т е р

(маъқуллайди)

С е л и я

(дили ёришиб)

Менинг бўсам ёдингдами? Уша бўса, о...

(Петер титраб кетади.)

С е л и я

**Қисматимга то бевалик тушгандан буён
Уша бўса илк, биринчи бўлганди, ишон.
Бўса шarti қиммат бўлди, гафгоси талай,
Лекин ўпдим журъат билан сени ҳар қалай.
Менинг қайноқ ўпичларим баҳоси баланд!
Ҳозир эса иқрор бўлгум чин дилим билан:
Сендан бўса олмоқликка тайёрман мутлоқ.**

(бир қадам олдинга юради)

**Қани, азиз баҳодирим, келгил берироқ!
Бўса билан муҳр босдим лабинга бир бор.**

Бўса билан энди уни қилгумдир бекор!

(яқинлашади)

(Петер рад қилиб, қўлларини кўтаради)

**Узоқдан Беппо гитарасининг овози
эшитилади. Қисқа жимлик.**

Селия

(Сирли бир ҳолатда Петерга яқинлашади)

**Пьемонтда шундай одат бордир азалдан;
Хонадонга келиб қолса хуш кўрган меҳмон.
Остовадан ўпич билан қарши оламиз,
Ўпич билан кузатамиз хайрлашган он.
Мен узоқдан келдим бунга, риёзат чекдим,
Қайтиб кетгум келмас бўлиб тонгда, эҳтимол.
Ҳар қандай қарз гўзал эрур тўлови билан,
Менинг ўша ўпичимни қайтаргил дарҳол.**

*(Петер сал иккиланиб тургач, аввал секин, сўнг
қизгин бўсалар олади.)*

Селия

(хурсанд)

**Севаркансан мени ҳамон! Ишқинг барҳаёт.
Қучоғингга босдинг қаттиқ, шод, ҳаддан зиёд.
Уволимга қолма энди, тилга кирсанг-чи,
Севаман, деб ҳеч бўлмаса шивирласанг-чи!
Сўзларингни эшитмасин ҳаттоки шамол,
Ақалли лаб пичирлатиб, «севгум» дея қол.
Қани, айтгил! Айтгил, қани...**

(Петер ўзига келиб, Селияни қўйиб юборади ва чекинади)

С е л и я

(даҳшат ила)

Хукми бекорми?

Гапиряшдан бош тортасан мутлақо демак?!

Билмай қолдим, энди нима қилмоғим керак.

(қудуқ бошида, энгашиб ғамгин)

Парвардигор, ўзинг менга кўрсата қол йўл,
Не қиларим билмай қолдим, аҳволим мушкул.

Қандай талаб қўйса ҳамки мана бу соқов

Бажаргумдир ҳаммасини, шубҳасиз дарров.

Модомики бўса унга камлик қилибди,

Унга наҳот менинг бошим керак бўлибди?

Мағрур эдим, унга талаб қўйгандим ортиқ,

Бугун эса ортиқ талаб ўзимга тортдиқ.

(алам билан Петерга)

Сўйла, рицарь, багринг наҳот шунча тош бўлса,

Наҳот меҳринг шунча қисқа, тез одош бўлса?

Этганмисан ёки мени ўлимга маҳкум?

(Петер жим туради.)

С е л и я

Қачон ижро бўларкан, деб кутмоқдасан зум?

(Петер жим туради.)

С е л и я

^ Хоҳлайсанки, бошим кески жаллод беомон,
Шўрлик каллам юмасини тирқиратиб қов?

(титраб)

Петер жим туради.

Селия

(ёлбориб)

Фақатгина тилинг эмас — дилинг ҳам қотмиш,
Сенинг қалбинг шафқат ҳиссин наҳот йўқотмиш?
Елбораман, раҳм айлагил, ўлиб кетмайин,
Оҳ, шблисдай боқасан сен, парво қилмайин.

(кутади)

Сенинг соқов бу ҳолатинг унутилган дард,
Сен чорладинг ва мен келдим, қонуний минбаъд.

(алам билан)

Шафқат қилмай, ерга урдинг мени ва лекин,
Севганмидинг асли менг?

(қўл силтаб)

Севмагансан сен!

*(юзларини яширади, аммо бармоқлари орасидан
Петерни кузатади)*

(Петер Селия томонга иккиланиб бир қадам ташлайди)

Селия

(Дарҳол унинг ёнига келади)

Апа энди гапиргайсан! Шафқатсиз бегим,
Неки гуноҳ қилган бўлсам қошингда ювгум.
Музаффарсан! Ғолиб чиқдинг, Агарди Петер,
Ярим кеча, бажара қол дилинг нима дер!

Бундан бўлак мукофотим, сийловим бўлмас.
Нима қилсанг қилавергин, сеникиман, бас!
Сеникидир ақиқ лаблар, сумбул сочларим,
Сеникидир бари-бари, ғам, қувончларим.
Рафиқам бўл деган эдинг менга бир замон,
Сўзларингни писанд қилмай тингловдим, ишон!
Ҳозир эса тун сеники ва тун ичра мен,
Адо этгум сўзсиз, бешак, не хоҳласанг сен.
Асирам де, маҳбубам де, сенда ихтиёр,
Қарга, уриш — нима десанг бўйсунай зинҳор.

(Петернинг пинжига киради)

(Петер ҳирс билан Селияни қучади.)

С е л и я

(Бўсага лабини тутади)

Қучгил, ўпа қол!

(Петер узоқ бўса олади.)

С е л и я

**Яна, тағни! Ақлу ҳушдан кетгунимча ўп,
Муҳаббат деб ёлборардинг! Энди ўзим зор!**

П е т е р бирдан тисарилади.

С е л и я

(қўрқув билан унга эргашиб)

**Кераги йўқ! Қўй гапирма! Ўзим борурман!
Сен ҳаммадан кучли, голиб, тенгсиз ботирсан!**

Кел, бўла қол! Сеникиман! Юргил, чиқайлик,
Тунги висол шаробини бирга ичайлик.

П е т е р у н и кўтариб, қасрга чиқиб кетади.

Парда

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Хайнбургдаги турма. Хоналардан бири. Унга — бурчакда темир панжарали эшик. Ичкарида узун даҳлиз йўлаги. Эшикдан турма хонасига уч-тўрт зина олиб чиқади. Саҳна тўрида скамейка, устида бир жуфт адёл. Столда кўзача ва қум соат. Унга, кўрида темир панжарали туйнук. Ундан қуёш нури тушиб турибди. Саҳнада кекса руҳоний чол, қаршисида тақдирга тав берган Селия бош эгиб, тиз чўкканча ўтирибди. У сокиа. Скамейкада Карлотта юзларини қўли билан бекитиб жим йиғлайди. Эшикда руҳоний ва унинг олдида фонарь турибди.

Руҳоний

Бовар қилгил, худойимнинг даргоҳи катта,
Тавба қилгил, раҳм айлагай танграм, албатта!
Ед этайлик пайгамбарнинг эзгу каломин,
Худо ўзи ёрлақасин сени ҳам, омин!

Селия

Олижаноб сўзларингиз эшитган замон
Кўнгил юмшар: биламан-ку, лекин, отахон,
• Гуноҳ косам лим-лим тўлган, баҳаққи худо,
Аён эрур дилимдаги ўзимга аммо.
Тирикликнинг савдосини тугатмоқдаман,
Покман дея энди ўзни юпатмоқдаман.

Назар солсам ўл қўлимга — келмас хўрлигим,
Йўқолгандир кибру ҳаво, тақаббуртигим.
Неча минг-миг жолзоларини сафида жоним,
Мени ҳам сев пратгансан, эдилар худойим.
Елиз сенга ҳаволадир овора бу руҳ,
Онг ичаман: жон тоибиргум сенга беандуқ.

К а р л о т т а

(инграб)

Шафқат қилгил, парвардигор!

С е л и я

Етар, йиглама,
Қисматимга тая берганман, бағрим тиглама!

Р у ҳ о н и й

Қисмат дея тўғри айтдинг, оҳ, она қизим,
Иродасиз ожизларга кулфатдир дунё.
Хўш, кимларнинг иродаси ожиза бўлади?
Имонсизда, ҳа, ирода бўлмайди илло!
Самога боқ, назир таъла шомги шафаққа,
Заминданмас, самовотдан нур таралмоқда.

С е л и я

Минг шукурким, ишоним бут, ишониғ, ҳазрат,
Ўлимимни қарши олгум чўчимай мишбаъд.

К а р л о т т а

(изтиробда қўлларини қайириб)

Аммо ҳаёт қандай гўзал! Яшаш қандай сози!
Еш, хушрўйсан, яшнаб турар умринг сарафроз.

Р у ҳ о н и й

(Исраилово)

Сен бўлди қил. Урғашиниб қолганимиз бунга,
Шу сабабдан англамайсан гапмоҳиятин.
Барчамизнинг тақдиримиз тангри измида,
Ҳеч бир банд рад эъоямас унинг ниятин.
Яхшиси, сен жасур, ботир бекачинг билан
Видолашгин, тила унга самодан макон.
Шундоқ қилиб бу дупёга хайр дегаймиз,
Қутқасади бизни фақат самосот, осмон.

(Селияга)

Бу дупёдан кўнглингни уз, сиғин фалакка,
Илтижо қил йўл башловчи қодир малакка.
Ҳар балодан асрагувчи ёлғиз худодир,
Сўнгра танҳо паёқимиз қазрат Исодир.

Р у ҳ о н и й кетади. З и н д о н б о н темир
эшикни бекитиб, фонарни кўтариб
чиқади. Қоронғилик!

С е л и я

(секин куйлайди, тиловат оҳангида)

Қаҳр чоғи, интиҳо шайт,
Маҳв бўлар ҳаёт дарахти.
Остонада пойлайди ҳакам,
Қараб турар ўлим чинакам.
Санаб турар ҳар ўтган зумни,
Кимга айтай ночор сўзимни.

(Карлотта инграйди. Унга қараб Селия бошқа қўшиқ бошлайди)

Ўзинг қўлла, парвардигорим,
Ҳаволадир ўзингга зорим.
Мадад бергин сўнгги дақиқа...

*(бирдан тўхтаб, эшитилаётган қадам товушларига
қулоқ сола бошлайди)*

Фонарь милтиллайди — Зиндонбон келади.

Ким у?

Карлотта

(йиғлаб, ҳиқиллаб)

Келаётир, ана, зиндонбон,
Балки сени... олиб кетади...

Селия

(туради)

Бўлди, умид соатим битди,
Умид қилган фурсатим ўтди,
Жанеттадан бўлмади дарак —
Рицардан гап чиқмаган бешак,
У — ғазабдан қуйилган ҳайкал!

Турма эшиги очилиб, ниқобдор Беатриче
ва Нарделла киради.

Карлотта

(шивирлаб)

Мана, энага...

(Селия уни таниб, енгил торгади)

Н а р д е л л а

(Карлоттага)

Кета қол сен бу ердан.

Б е а т р и ч е

(Нарделлага)

**Сен бизни қўриқлаб тур, энага,
Хабардор бўл, ҳеч ким келмасин.**

**У л а р ч и қ и б к е т а д и . Б е а т р и ч е С е л и я г а
яқин келади.**

Б е а т р и ч е

Сенга ишонч билдиргандик қирол иккимиз.

С е л и я

Ҳа, тонмайман, лутф этдингиз гоят иккинчис.

Б е а т р и ч е

**Поймол қилдинг бироқ бизнинг ишонччи, маккор.
Наҳот бизни лақиллатдинг атайлаб, беор?**

(Селия бош эгади)

**Мустаҳиқсан ана энди олий жазога,
Гуноҳингни сўраб сўнг бор ёлбор худога.**

С е л и я

Розидирман ҳар қандайин жаломатингга,
Илтимосим...

Б е а т р и ч е

Ҳали шафқат кутасанми ё?

С е л и я

Ноил бўлай сўнгги бора шарофатингга,
Катафалакка ётқизянгиз, шулдир муддао.
Тирякларга қилмайдиган марҳаматни сиз,
Мен сизгари марҳумадан дариг тутмасиз.

Қисқа жамлик.

Б е а т р и ч е

(мактубни кўрсатиб)

Нарделла... энага... хатингни берди.

С е л и я

Найлай, қисмат экан, бўлак чора йўқ.

Б е а т р и ч е

Ўзганларинг ёлғонмасми? Гуноҳинг ортгай.

С е л и я

Ёлғон эмас! Дилда борни ёздим яширмай!

Б е а т р и ч е

Бўсанг учун сўз олгансан сукут сақла, деб.
Шундоқми, хўш?

(Селия тасдиқлаб бош иргайди)

Ушбу сирни тағин ким билар?

С е л и я

Фақатгина сен...
Гўрга олиб кетажакмиз бизлар бу сирни.

Б е а т р и ч е

Аmmo ошкор бўлган сирнинг нархи ёр чақа!

С е л и я

Юрагимни очгим келди кимгадир ахир,
Сохта гурур шуъласидан гўлларим басир.
Енгаман деб ўйлагандим рицарь, золимни,
Сен — аёлсан, тушунасан менинг ҳолимни.

Б е а т р и ч е

Қани айт-чи, биз томонга шунча йўл босиб,
Хатарларни четлаб ўтиб, гоҳи адашиб
Нечун келдинг? Фақат худбин мақсад учунми?
Йўқмиди ҳеч юрагингда соғинч, муҳаббат?
Эришишмас — сиғиш учун келдингми фақат?

Қисқа жимлик.

Қирол жуда олижаноб, босиқ жуда ҳам,
Демоқчимаң, хайрихоҳ у сенга чинакам.

Айтдики у, ҳакам бўлгай соқовнинг узи,
Оҳ-воҳларнинг эшитсин то қулоғи билан.

С е л и я

Нагламасман, оҳ чекмасман!

Б е а т р и ч е

Вошукур нисон,
Рад этасан ҳар қандайн имкониятни,
Ақлинг билан кўринасан гўё совуққон.
Давирасан дилингдаги асл ниятни.
Юрагингда муҳаббатнинг ўти яширин,
Пиғламайсан, пинҳон сақлаб севгининг сири.

С е л и я

Неаполнинг ҳанамисан, танҳо юлдузи,
Сени менга йўлламишдир самонинг ўзи.
Ўзи бергин, жон тонширай бегалва, сокин.

Б е а т р и ч е

(юмшаб)

Истайманики, тирик қолгани, яшагин то сен.
Ёрдам бермоқ учун келдим ахир, атайин,
Қирол анча юмшаб қолди, сенга атайин.
Менинг халқим шу кунларда ғоятда хуррам,
Зафар томон юз бурмишдир қўшнилар илдам.
Ҳамма ёқда хурсандчилик бўлган бир пайтда
Маҳсум бўлиб туразерсанг, хунук, албатта.
Қиролдан мен сўраб олдим умринг бир йўла,
Йигирма беш минг тиллани тезликда тўла!
Ўқдингми, хўш? Жавобинг айт!

С е л и я

(тунд)

Бу кеча мен ютқазганман, ўлишим аниқ.

Б е а т р и ч е

Ўлиш шунча осонмикан?

С е л и я

**Номус ичра қоврилишдан осонроқ балким.
Барибир ҳам тирикмасман, суратман фақат,
Чизигимдан юрмади ҳеч рицарь бешафқат
Ва мен ўлдим! Ўзинг айт-чи, даҳшатли Лайош,
Бир ўлганни яна қайта ўлдираarmi, хўш?
Кечир мени, қиролича, рози бўл мендан.**

Б е а т р и ч е

(таъсирланиб)

**Мен розиман, мен розиман, кўнглинг тўқ бўлсин,
Ҳай, Нарделла, бу ёққа кел...**

**Галереяда жонланиш. Б е а т р и ч е С е л и я
билан видолашади. С е л и я тиз чўкиб,
қ и р о л и ч а н и н г қўлини ўпади.**

Б е а т р и ч е

(Селияни турғизиб пешонасидан ўпади)

Алвидо!

**Зиндонбон эшикни очади, Нарделла
кўринади.**

Нарделла

(қироличанин елкаси оша Селияга шипшйдди)

Зудлик билан шу хабарни етказ дедилар;
Дўстларингни рицарь ҳозир қабул қилибди,
Келтиргайлар дўстлар сенга энди хушхабар!

Селия енгил тортади. Қиролича ва
Нарделла чиқади. Селия эшикка
қараб туради. Шошганча Жанетта ва
Монна Меа пайдо бўлади.

Селия

(Жанеттага, шошилинич)

Қандай хабар келтирдингиз? Айтингиз тезроқ!

Жанетта

Бошин ирғаб қўя қолди, сғиз очмаёқ.
Туйғу деган нарса ўзи унда йўқдир-ов!..

Монна Меа

Илглаб-сиқтаб ёлбордию Жанетта анча.

Жанетта

Таъсир этмас гапларимиз чивин чаққанча!
Назаримда кулаётир сенинг устивгдан.

Селия

(Бахтиёр)

Бармоир у келади!

Ж а н е т т а

Томошага келади у, сен учун эмас!

С е л и я

Мен ўламан, майлига, у томоша қилсин.

Ж а н е т т а

Сен ўласан, аммо дунё бўлмагай абас,
Чаманзорлар яшнайверар, наинки сўлсин.
Уа-ўзингга жабр қилма, шўрлик, муштипар,
Йигирма минг тилла танга тўласанг агар, —
Сеникидир ҳамма нарса — озодлик, ҳаёт,
Тирикликдан ўша ақча қимматми, наҳот?!
Тирикликдан ёки кўнглинг совиб битганми?
Руҳинг йўқлик дунёсига ҳижрат этганми?
Ҳаётми ё бисотми деб менга қўйса шарт,
Мен ҳаётни танлар эдим, ҳаётни, албат!

М о н н а М е а

Уйда эса қаллигинг бор — бадавлат, пулдор,
Ҳар бир ишга қурби етар Нерина шунқор.

Ж а н е т т а

Италмя тупроғида баҳор гуллайди,
Қушлар сайрар, гуллар яшнар, шамол гувлайди.
Сурмайсанми ўша жойда хуш даври даврон,
Мол-бисотдан минг мартаба ширин эрур жом.

С е л я я

(уларни эшитмай, гўё ўз-ўзига)

**У келади! Қайта-қайта юзига боқай,
Сўнг жон берай...**

М о л н а М е а

**Бизнинг сҳ-воҳ, тиловатлар шунгами ҳали,
Биз ниманинг дардида-ю, ўламан дер бу.**

С е л я я

**Худо сизни ёрлақасин, ортиқ ғам чекманг,
Мотам тутманг! Кета қолинг. Бўлди дедим-ку.**

Ж а н е т т а, М о н н а М е а

(титрашиб)

Оҳ, Селяя!

К а р л о т т а

(тиз чўкиб)

Оҳ, бекачим!

С е л я я

**Кўз ёши ҳам, оҳу воҳ ҳам керакмас зарра,
Видолашиб олай, майли, энг сўнгги қарра.**

(Улар билан ўпишиб, ортга бурилиши)

Ж а н е т т а

(Титроқ овоз билан)

Вилт этган бир умид қолди, билъакс, алвилол!

**У л а р с а р о с и м а б и л а н ч и қ а б о ш л а й д и .
Даҳлиздан, айни вақтда, қадам товушларин
эшитилади.**

К а р л о т т а

Келинмоқда!..

С е л и я

(Енгил тортиб)

Ҳозир кираг Агарди Петер!..

(Эшикка қараб туради)

**Қирмиз либосда, икки ёрдамчиси билан даҳшатли Л а й о ш
жиради ва юқори винада тўхтаб, учов аёлга чиқиб кетинг,
дея ишора қилади. А ё л л а р чиқайтиб, ортига бот-бот бурилиб,
этироб билан йиғлайдилар.**

С е л и я

(бўшашиб)

Иўқ! Фақатгина у...

Даҳшатли Л а й о ш

(винадан тушади. Тўхтайди)

Фурсат етди!

С е л я

(ўзига келиб, вазмин)

Кимсан?

Даҳшатли Лайош

Даҳшатли Лайош!

С е л я

Юзингга бир қараб олай, ўлдиргил сўнгра.

Даҳшатли Лайош

Қарайвергин, сўнг иложи бўлмайди сира.

С е л я

Хурсандмисан?

Даҳшатли Лайош

**Хафамассан сен ҳам унчалик,
Бу яхшилик аломати, тўғрисин айтсам,
Сендек эсли одамларни ёқтираман мен,
Ёрдамимни аямайман улардан ҳеч ҳам.
Яъни, қандоқ жон бергания билмай қоларлар.**

С е л я

Марҳамат қил, ёрдам бергил менга ҳам шундоқ,

(ҳамён ташлаб)

Юз талер бу — хизматингга! Титрама бироқ!

(ҳаяжонда)

Айт-чи, болта кўтарганда титраганмисан?

Даҳшатли Лайош

Турли-туман игволарга ишонмагин сен.
Кундага бош қўйганинг дам узаман шартга,
Аввал кўргин, айтди дурсая сўнгра, албатта!
Ана энди изимдан юр.

Селия

Шошмай тур, жаллод,
Дилимдаги соҳир ҳисга этай хайрбод.

Даҳшатли Лайош

Вақт бўлди!

Селия

Қани айт-чи, баҳаққи виждон,
Борми сенга азиз ҳамда суюкли инсон?!

Даҳшатли Лайош

Бўлса-чи?

Селия

Англагайсан унда менинг муножотимни.

Даҳшатли Лайош

Ҳа, тушундим.

(жиликдан сўнг)

Айт-чи, эринг ким?

С е л я

Мен беваман!

Да ҳш ат ли Л ай о ш

Куёв-чи, куёв?

С е л я

**Куёв ҳам йўқ! Аммо-лекин мени ҳар ҳолда
Юпатгувчи одамим бор, бор ахир биров.**

Да ҳш ат ли Л ай о ш

Жазманингми?

С е л я

Айтиш шартми ҳамма нарсани.

Да ҳш ат ли Л ай о ш

**Чиройингга боқиб, кўнглим бузилаётир,
Ростин айтсам, кам кесганман бундай каллани.**

С е л я

Алдаётган эмасмисан?

Да ҳш ат ли Л ай о ш

**Дафъатан, магар
Бўлсам эдим сенга мафтун, ошуфта рицарь,**

**Балогардан бўлар эдим, кулфатга, билсанг,
Сеники-чи келмаётир, эҳ, аттанг, аттанг.**

С е л и я

(ҳаяжон билан)

Ақчам ҳам йўқ.

(бирдан, қатъий)

Мана бунни, узугимни ол!

(узугини узатади)

Сукут сақла, рицарни кут, у келар, алҳол!

Да ҳ ш а т л и Л а й о ш

Келмаса-чи?

С е л и я

(иккинчи узугини узатади)

Ол, ола қол бунисин ҳам, бедаво дамжол.

Да ҳ ш а т л и Л а й о ш

(узукларни тақиб)

Оҳ, узуклар-ку! Ёқут экан, зўр!

Айни менинг бармоғимга мос келганин кўр!

С е л и я

(маънос билмайиб)

Жаллоднинг айтгуликмас — тошинг енгилроқ.

Даҳшатли Лайош

(Ўзи билан ўзи овора бир ҳолда)

Сен бекорга ишонасан — одамлар аҳмоқ!
Лаънатлайди улар доим менинг касбимни,
Аммо-лекин билмайдилар ичим — аслимни.
Аёлларни ва баҳорни севаман мен ҳам,
Офтоб чиқса очилади менинг ҳам чехрам.
Очиқ айтсам, агар сабаб бўлмаса зинҳор,
Одам тугул пашшага ҳам бермайман озор.
Ишим нозик, соҳамизда хурсандчилик кам,
Яшай дейман ҳаёт меҳрин ардоқлаб, хуррам,
Ойболтани сира-сира кўрмасам дейман,
Кун кечирсам тинчгина ўз оилам билан.
Хотинимни эркалатсам ёмон бўлмасди,
Худо бизга чиқарган ку севгини асти.
Қурғоқчилик, уруш, кулфат ҳуда-беҳуда,
Шўринг қурғур одамларни қийнайди жуда.
Бошпана йўқ. Асал каму айиқ кўп аммо,
Дилим шоир, касбим жаллод, мушкул муаммо,

С е л я

Ҳа, ҳаётинг оғир экан, шўрлик жаллодим,
Ачинаман...

Даҳшатли Лайош

Оҳ, қанийди дилда фарёдими!
Ақл эса ўлдир дея беради буйруқ,
Ҳа; буйруқни бажармасдан ўзга чорам йўқ.

С е л я

(Ўлбориб)

Сабр қилгил, авиз жаллод, сабр қил бир оз,
Тайёрмасман, берироқ кел; дилда қолди роз.

Даҳшатли Лайош

Иложим йўқ!

Селня

(ёлбориб)

Видолашиб олай ахир севиклим билан.

Даҳшатли Лайош

(бўшашиб)

Севганинг ким?

Селня

Рости, аввал яширар эдим,
Мен айтганим ўша рицарь, келамав деган.

Даҳшатли Лайош

Келмаса-чи?

Селня

(жилмайиб)

Агардининг гапи битта! Келмоги аниқ.

Даҳшатли Лайош

Агарди? Агардини севаганимсан?

Селня

Ҳа!

Даҳшатли Лайош

Агардининг ўзи бўлди бу ишда ҳакам,
У гоят тунд! Ваз устига таширмайди ҳам.

Селия

Ҳар ҳолда у муҳаббатга лойиқ бир инсон.

Даҳшатли Лайош

Модомики хабардордир муҳаббатингдан,
Нега сени у ўлимга буюрди экан?

Селия

(хўрайиб)

Ўзим айбдор, ундан хафа бўлмоқлик бекор,
Чунки асло билганмас у — дилимда не бор.
Ва ўзим ҳам ўз кўнглимни билмасдим унча,
Билмас эдим севги ҳиссини татиб кўргунча.
Урф-одатни ҳар нарсадан юксак қўй у,
Ҳа, мендан ҳам қасамёдин афзал билар у.
Менинг баланд гурурамни енгди азамат,
Энди ундан ёлбориб мен сўрайми шафқат!
Агардини сева туриб беражакман жон,
Тўғриси айтсам, Лайош, сен яхши инсон,
Аммо фақат оддийгина жаллодсан холос,
Киши дилин тушунмайсан...

Даҳшатли Лайош

Тушунмайман, рост;
Севаркансан, нега унга аён этмадинг?
Ва ўзингни огир чоғда яқин тутмадинг?
Балки ҳамон яхши кўрар?

Селия

(бош чайқаб)

Яхши кўрмайди.

Даҳшатли Лайош

Лекин аввал севган-ку сени.

Селия

**У маҳалда юрагимда ишқ эди пинҳон,
Бўса билан рицарь дилин забт этдим бироқ,
Қасам ичиб қўйганди у.**

Даҳшатли Лайош

Виламан!

Селия

(ҳайрат билан)

Қайдан?

Даҳшатли Лайош

**Ҳа, Нарделла айтиб қўйган, қайдан бўларди!
Агардини айблаб бўлмас, рост бўлса шу гап.
Этвиборга лойиқ аммо сенинг ҳам дардинг,
Рицарни деб балоларга дуч келгансан зап.
Ҳайтингни очиқ-ойдин қиморга тикиб,
Маккорона бўса бериб, рицарни ўлиб,
Хўп тантана қилдим дея ўйлагансан-да!
Муҳаббатнинг масъуллиги бўлмаган сенда.
Уз севгингни яширгансан атайлаб пинҳон,
Ошкор қилгинг келмас уни, айтсанг шу замон.**

С е л и я

Бўлди, жаллод, фурсат етди!

Да ҳ ш а т л и Л а й о ш

Ғицарь келганда...

Муҳаббатинг очиқ-ойдин айтсанг агарда...

С е л и я

Йўқ! Мутлақо! У барибир энди ишонмас.
Қучоғида ётганда ҳам тонган эдим, бас!
Ошкор қилгим келмади ҳеч муҳаббатимни,
Эз-ўзимда ихтиёрим бўлгани пайтда.
Энди эса ойболтанинг зарбидан қўрқиб
Севгим дейми? Тўғри келмас энди, албатта.

Да ҳ ш а т л и Л а й о ш

Кимки тийрак туйғуларин яқин бировга
Очмас экан, айтмас экан, у қўрқоқ эрур.
Айт-чи, соқов баҳодирини кутасан нега?
Модомики юрагингни очмасанг бир қур.
Наҳот сенга керак эмас оила, ҳаёт,
Ҳали ёшсан! Ҳоҳламасанг яшашни наҳот?
Менга, ахир, дилингдагин айтмоғинг керак.

С е л и я

Йўқ, йўқ, жаллод!

Да ҳ ш а т л и Л а й о ш

Йўқса қонинг оқади, бешак.
Вақт ўтмоқда, тугаб бўлди соатдаги қум.

(қум соатни кўрсатади, узоқдан қўнғироқ жаранглайди)

С е л и я

(гитраб)

Юпатгучи садолар бу.

Да ҳ ш а т л и Л а й о ш

Улиминг яқин.

Битгагина сўз айтсанг-ку, олам гулистон!

С е л и я

Қўрқаётганим йўқ!

Да ҳ ш а т л и Л а й о ш

Битгагина сўзни айтсанг қоласан омон.

С е л и я

Аврама кўп! Менга ҳеч ким ёрдам беролмас,

Уз-ўзини камситгандан ўлимим афзал,

У севмайди, менга юпанч ҳаёт керакмас,

Да ҳ ш а т л и Л а й о ш

Қонинг оқса, яхшими, хўш?

С е л и я

(маггур)

Майлига, оқош!

Модомики, гуноҳишга юз бурдим қўрқмай,

Жон ҳам берай керак пайтда энди ҳайқимай!

Титрамасман, титрамагин сен ҳам, эй жаллод!

Даҳшатли Лайош

Келиб қолса-чи?

Селия

**Фойдаси йўқ! Муҳаббатим ҳақида энди
Сенга иқрор бўлажакман, жаллод, начора!**

Даҳшатли Лайош

Етказаман.

Селия

**У ҳаммадан ёқимлироқ, азиз, жонажон.
Кетдик энди.**

Даҳшатли Лайош

(кафтига уриб)

Қани, ишга, ҳой жаллодлар!

(Ичкаридан Жаллодлар чиқади)

Кўзини боғланг!

Олиб чиқинг!

**Жаллодлар Селиянинг кўзини боғлаб олиб чиқади.
Даҳшатли Лайош ниқобини олади, У — Агарди
Петер эди.**

Парда

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Саҳна айланади, жаллодлар Селияни галереядан олиб ўтадилар. Қўнғироқ ва орган овозлари эшиглади. Галерея кенгайган жойда, бурилишда Жанетта, Монна Меа, Карлотта нафаси ичида, қисинишиб турибдилар. Селия сокин, вазмин. Уни чароғон ҳовлига олиб чиқишади. Саҳна тўхтайтиди.

Саҳна ичкарасида бутхона пештоқи.

Селия

Етиб келдикми?

Петер кириб, ишора қилади, Жаллодлар бутхонага кириб кетишади. Жимлик.

Селия

Сукунат! Овозлар тинди!
Агардидан дараф бўлмади. Сенмисан, Лайош!

Петер

Менман! Ва сен менинг қўлимдасан!

Селия

Кўзимни оч!

Петер

Қўрқмайсанми?

(орқадан келиб, боғични ушлайди)

С е л и я

(бошини чайқаб)

**Йўқ, қўрқмайман! Ажаб, сенинг овозинг таниш,
Бамисоли соқов тунда таралган ховиш.
Менинг учун азия зотини овозидай у,
Бошимни кес, қўлларинида жон бермоқ эзгу.**

П е т е р

Айт-чи, менам гинам йўқми?

С е л и я

Авф этаман, ўзинг бўлгил менинг жаллодям!

П е т е р

Ҳақсан! Мен ҳам сени кечирдим!

(кўзидан богични олади)

С е л и я

(бурилиб қараб, шодликдан яйраб)

Оҳ, сенми бу? Ўзингмисан?

(атрофга қараб)

Лайош қаёқда?

П е т е р

**У ўз бурчини ўтаб бўлди! Танидингми, хўш?
Жаллодингман, эсингдами, ёллаган эдинг,
Қимматбаҳо узук эмас аммо ёллаган...**

(узукни кўрсатади)

С е л и я

У сенмидинг! Демак, сенга гапирибман...

П е т е р

Ҳа!

**Жаллодгамас, гапиргандинг менга, ҳа, менга!
Уша эди, ўша эди овозинг, ўзинг,
Уша эди менга айтган иқроринг, сўзинг!
Лабмаримдан кўз илгамас кишанни олдинг,
Билиб қўйгин, Лайош ҳам йўқ, соқов Петер ҳам,
Қасамни ҳам, одатни ҳам босиб ўтолдим,
Мен севаман, билиб қўйгин, севаман, эркам.**

(қучади)

**Юрақкинанг дук-дук урар ахир, биламан...
Ҳукм, жаллод ва ойболта... зуҳу қиламан,
Аҳволингга қараб мен ҳам эзилдим, ишон,
Кечир мени, боёқишим, қийналдинг чунов.**

С е л и я

(унинг бағрига бош қўйганча)

Гапиравер, жоним, гапир! Азоблар ўтди!

П е т е р

**Бу синовиш уюштирган қиролнинг ўш,
Нафсиллаб, лойиқ эдинг шундоқ жавога!..**

С е л и я

Лойиқ эдим!

Петер

Ва синовдан ўтдинг жуда соз!

Селия

Ўтдим, аммо севасанми? Севишинг ростми?

Петер

Рост!

Илоҳасан менинг учун, самовий зотсан.

Аmmo, сен-чи, севасанми? Жонганим, айт сен?!

Селия

Қулоғингга шипшигандир ахир, жаллодим...

Петер

Бу ҳақда гап очмасам ҳам бўларди, балки

Билар эдим аллақачон...

Селия

(Селия ҳаракатда)

Қачондан буён?

Петер

Тунда сени қучогимга босдим, ҳаётим,

Ганжи умрим, тополганим мулки бебаҳо!

Селия

Бирер суз ҳам демадинг аммо!

П е т е р

Сўз демадим, лекин кўзим очиқ эди-ку!
Мени у чоқ забт этгани энг олпй туйғу.
Қайноқ-қайноқ бўсаларнинг тафтида у дам
Эриб кетди жозибали гуруринг, эркам...

(Селия юзини яширади)

П е т е р

(давом эттириб)

Эдтиросинг оловида лов-лов ёнардим,
Мусичадай латиф эдинг, мен чи, қонардим.

С е л и я

Бўлди, жоним.

П е т е р

Е қайгадан соқов бўлайми?

С е л и я

(чўчиб)

Нўқ, йўқ, гапир. Гапиравер, шовқин сол, майли!
Сен ҳаммадан баҳодирсан, ҳаммадан аъло!
Тун ўрнига кундуз келди — айни муддао!

П е т е р

Севгимизга ҳаёт ўзи паноҳ ва макон,
Севгинг билан гуркирасан замину осмон.

Селия

Таъкидлашим шартми менинг — гўзалдир ҳаёт.

Жанетта, Монна Меа, Карлотта Селияга никоҳ либосларини олиб кирадилар. Икки шогирд жаллод — Бенпо ва Тириби Петер елкасига мантя ташлайдилар. Ҳамма бутхона томонга йўл олади. Саҳна айланади. Бутхона тўрида меҳроб. Кекса руҳоний ва икки хизматкор болакай. Олдинда Матяш, Беатриче, Марцио, Нарделла. Селия ва Петер таъзим қиладилар.

Петер

Қирол, ҳазратим...

Матяш

(жилмайиб)

Шону шуҳрат тожининг сиз безак ҳашам, Гоят бойсиз латофатга, чиройга, хоним.

Беатриче

Жаллод сени ўлдирганмас, тириксан, яъни Тириклик соз, шундаймасми...

Матяш

Ҳийлакор аёл!

Кечирмаслик керакмиди сени, эҳтимол.
Яраш пайти етиб келди, ўтдинг синовдан,
Чекинмадинг қийинчилик, машаққат, довдан.
Менинг шонли рицаримнинг тили ҳам бурро,
Юзта юзлик тиллага ҳам лойиқсан, аммо.

Шифо топган баҳодирим ўзингга торттиқ.
Хотиниякка оласанми уни, Агарди?

П е т е р

Жоним билан, ҳазратлари.

М а т я ш

(Селияга)

Продам шул: Никоҳига кирасан лутфан.

(Агардига)

Билиб қўйгин, бир умрлик асиранг бўлсин,
Хоҳишингга амал қилиб, гуноҳин ювсин,
Демак, сенга хотиндир бу.

П е т е р

Ўлгунамча то!

М а т я ш

Ярашингиз! Иккинги ҳам оқил ва доно!
Анча қаттиқ синадингиз бир-бирингизни,
Гоҳ яшириб, гоҳ ошириб дил сирингизни.
Севги билан гоҳ машаққат ёнма-ён келди,
Синов дами гоҳи пинҳон, гоҳ аён келди.
Лекин сизнинг баҳсингизда бўлмади зўрлик,
Бўлган эмас таҳқир, қарғиш, ноўрин хўрлик;
Икки юрак яшаб битта муҳаббат билан,
Кулфатлари енголдингиз матонат билан.
Ожизликка иккинги ҳам бўлмадингиз қул,
Бир бирингиз синадингиз эринмай нуқул.

**Яғиштириб қўйинг энди кибру ҳавони,
Тотувликда гаштин сурунг гўзал дунёни.
Сизни бахт ва муҳаббатга ҳукм этгум шодмон,
Куёв, бошла келинчакни меҳробга томон!**

*{орган садолари янграйди. Агарди Селия билан
меҳробга яқинлашади}*

М а т я ш

(Марциога)

**Сен — Марцио, одамларга етказ номани,
Китобингга битиб қўйгин бул ҳангомани.
Безаб турсин йилномангни неча асрлар,
Соқов Ридарь ҳақидаги қувноқ сатрлар.**

Парда

МУНДАРИЖА

Шеърлар

Нажот қалъаси	5
Ленин. Инқилоб. Ватан.	6
Давом этаётир буюк инқилоб	8
Уй	10
Зиё	11
Ўзбек пахтаси	12
Онажоним, шеърят	15
Озарбайжон	18
Инсон манзараси	20
Қўриқхона	21
Карвон	23
Афғонистон ёшларига	24
Дўстларимга айтганим	26
Учинчи одам	27
Ёш рассомларга	29
Инсон қалби	31
«Оқар дарёга...»	32
Шоир ва илҳом	34
Илтимос	36
Тулки фалсафаси	37
Оила	38
«Ҳикматли гапларга...»	40
Дунёни қизганма	41
Бобо ва набира	42
Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси	43
Шарқ ҳикояси	48
Аён бўлгай	51
«Бахтиёр ҳар дилга...»	52
«Бунчалик камолот...»	53
Сен қайдан биласан	54

Жаннатга йўл (драматик достон) 55
Ениё Хельтан «Соқов Рицарь» (шеърый драма)	. . . 109

На узбекском языке

АБДУЛЛА АРИПОВ

Оплот надежды

*Стихи, драматическая поэма
и перевод*

Редактор *Ш. Раҳмонов*

Рисом *А. Кива*

Расмлар редактори *А. Бобров*

Техн. редактор *Э. Саидов*

Корректор *Э. Турсунбоева*

ИБ № 1999

Восмаҳонага берилди 10.06.81. Босишга руҳсат этилди. 10.06.81. Формат 70×106^{1/32}. Восмаҳона қоғози № 1. Мактаб гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма л. 12,25. Нашр л. 9,05. Тиражи 2000. Заказ № 509. Баҳоси 95 т.

Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент 700129, Навоий кўчаси 80.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси. Тошкент, Навоий кўчаси, 80.

Орипов, Абдулла.

Нажот қалъаси: Шеърлар. Драматик дoston. Таржима. —2-чи нашри. —Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. 280 б.

Таниқли шоир, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Абдулла Ориповнинг «Нажот қалъаси» деб номланган бу китоби шоирнинг она тилида, табиат ва инсон мавзудаги янги лирик-философий шеърлари «Жаннатга йўл» драматик дostonидан тузилди. Шунингдек, венгер драматурги Е. Хельтан қаламига мансуб «Соқов рицарь» шеърлий драмаси ҳам Абду Орипов таржимасида китобга киритилди.

Арипов, Абдулла. Оплот надежды. Стихи, драматическая поэма в перевод.

Ўз